

LIBRARY OF THE UNIVERSITY OF TORONTO

David H. Johnson



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ  
ВА САЊАТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1973

# Рашз Тубожон

ТАНЛАНМА

УЧ ТОМЛИК




# Рашиз Тубожион

БИРИНЧИ ТОМ

ШЕЪР, РУБОИЙ, БАЛЛАДА



36291



Уз  
Б79

Индекс 7-4-3

## ЕТУК ҚАЛАМ СОҶИБИ

*Рамз Бобожоннинг бир шеъри ҳамон ёдимда:*

*Чўққиға интилсанг, тармашил тоққа,  
Тошининг тигларига бардош бер олдин.  
Кўккамас, оёгинг турган тупроққа  
Назар сол ва сўнгра ташлагил одим.  
Чўққи жуда баланд, синоқли йўл бор:  
Олис, машаққатли, тик, ўнқир-чўнқир...  
Ўзни синаб кўриб такрор ва такрор,  
Комил ишонч билан чўққи сари юр!*

*Рамзнинг бу шеъри чуқур рамзий маънога эга. «Чўққи» деганда шоир инсоннинг маънавий камолини, ижодда стукликни идрок этади. Чиндан ҳам, бу йўл олис, машаққатли; унга — шу юксак чўққиға интилган кишига «синоқли йўл бор», яъни совет адабиёти босиб ўтган, кутрашларда синалган, бир неча авлод ижодкорларни буюрган йўл — социалистик реализм адабиётининг нурафшон йўли бор. Шеър ёзишни болалигидаёқ бошлаган, ўспиринлик йилларидаёқ шеърлари вақтли матбуотда кўрина бошлаган Рамз Бобожон совет адабиётимизнинг «синоқли йўли»га тушиб олди, мана ўттиз беш йилдирки, шу йўлдан оғишмай одимлаб келади.*

Рамз Бобожон адабиётга кириб келганда Тошкентда улкан шоирларимиз Ойбек ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Мақсуд Шайхзода яшаб турар ва куч-ғайратга тўлиб ижод қилар эдилар. Усмон Носирнинг «Меҳр»и қўлдан-қўлга ўтиб ўқилар ва унинг таржима-сидаги «Демон» ёшларга бус-бутун ёд бўлиб қолган эди. Уша вақтда Султон Жўра, Амин Умарий, Зулфия, Ҳасан Пўлатлар овози жаранглар, булар ижодида ҳам замон, бешийлликлар мавзуи кўп қирраларда порлар эди.

Ана шу қайноқ адабий муҳитга — «синоқли йўл»га бутун бир авлод ёш ижодкорлар қаторида Рамз Бобожон ҳам кириб келди. Эндilikда «адабиётимизнинг ўрта авлоди» деб ном олан бу авлод баракали ижоди билан элга танилди.

Бу ижод чиндан ҳам баракали ва серфайёз: шоирнинг илк шеърларидан рубоийларига қадар, «Қадрдон дўстлар» достонидан «Оби ҳаёт» достонига қадар бутун шеърый ижоди ёшлик сурури, ҳаётбахш оптимизм, оташин ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган.

*Янгича туғилди ҳамма нарса ҳам,*

*Янгича кўринар яқин-йироқлар...*

Шу икки мисрадаги шеърый таъкил Р. Бобожон поэзиясининг мазмунини ташкил этади. У халқ, жамият ҳаётидаги янгиликларни синчков кўз билан муттасил кўзатиб боради, унинг шеърый тафаккури замон руҳини, яратувчилик нашъу-намосини, ўлка баҳори, ҳаёт ва ижод таронасини, улғу меҳнатда қаҳрамонлик симфониясини қамраб олади. Шоир инсоннинг меҳнатда, жангда, интилишда, яратишда чиниқишини жажжи шеърларидан кенг кўламли достонларигача — ҳамма асарларида мадҳ этади.

Мис ҳеч қачон тилла бўлганми?  
Ипак қуртсиз пилла бўлганми?  
Ҳеч ким оғир синовдан ўтмай,  
Бемаиаққат мулла бўлганми?

Шу тўртлик сўз бошининг аввалида келтирилган саккизяликка ҳамоҳанг бўлганидай, шоирнинг бир шеъри иккинчисига, бир достони иккинчи достонига, бир таъбири иккинчи таъбирига ҳамоҳангдир. Бир-бирига узвий боғланган шеърий ижод мантиқий силсиласи шоир услубининг бутунлигидан, ижодининг яхлитлигидан далолат беради.

Рамаз Бобожон — баҳор, севги, вафо куйчиси. Айниқса, унинг устод Ғафур Ғулом назаркарда бўлган рубоийлари севиб ўқилади, ёдланади.

Шоирнинг дostonларидан мен «Бобом билан суҳбат» ва СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Оби ҳаёт»ни алоҳида қайл эгишни петаيمان. Бу икки асарда янги ҳаёт ижодкорлари — коммунистлар образи тилиб берилган. Социалистик революция, В. И. Ленин тилиари, Совет Иттифоқидаги буюк инқилобий ўзгаришлар, сун ушун кураш, коммунистик қурилиш фидокорлари — мана шу нузли ҳаётбахш мазмун шоирни илҳомлантиради. Бу дostonлар шоир ижодининг камол топганини яққол кўрсатиб турибди.

«Танланган асарлар» соҳиби таниқли шоир бўлиш билан бирга етук публицист, драматург, таржимон ҳамдир. У барча асарларида Совет Ватанимизни, жонажон Коммунистик партиямизни, халқлар ўртасида қарор топган ленинча интернационал қардошликни куйлайди, илҳамлайди.

«Бобом билан суҳбат» — дostonида шундай мисралар бор:



Янгра, шеърим, тиглан, қаламим,  
Қалбга тинчлик берма, ҳаяжон.  
Қад кўтарса ижод ғарамим,  
Ушалади орзу ва армон.

Рамз Бобожон — шеъри доим янграб, қалами тигла-  
ниб турган, ижод ғарами қад кўтараётган шоир. Шеър  
мухлислари ундан янги рубоийлар, лирик-фалсафий тур-  
кумлар, дostonлар кутмоқдалар.

Ҳамид Фулом



# ШЕЪРЛАР



## СЕНИ ШАРАФЛАЙМАН

Мен

сени шарафлайман!  
Сенга эътиқодим,  
меҳру муҳаббатим,  
ҳурмату иззатим,  
ақлу заковатим;  
Бутун фикру уйим,  
инсоний ҳиссиётим...

Гурурим,

шуурим,

кўз нурим,

Яхшига илтифотим,

Дўстлигим,

саҳийлигим,

диловарлигим;

Ёмонга ёмонлигим,

беомонлигим,

Узсўзлигим,

аҳдимда барқарорлигим,

Хужумкорлигим,

Хатто

табиатдан

не ниятда

Ҳаққу ҳалол теккан  
мукофотим —

Қисматим,  
ҳаёт — мамотим —

Қўлимдаги ушбу қалам ҳам,  
Элимдаги тўю байрам ҳам,  
Ев кўнглидаги алам ҳам,  
Барн

сен туфайл!

Сени шарафлайман,  
эй, она партиям!

Мен

сени ардоқлайман!

Кўз очиб,  
бошим узра кўрганим  
сенсан!

Мургакликдан

камол тондирган:

Рост йўлга йўллаган,  
Йўлда қўллаган,  
Судралсам,

чопдирган,

Чопсам,

авайлаган,

Тойсам,

ҳай-ҳайлаган

Меҳрибон,

мураббий,

Бешигим устида турганим  
сенсан!

Таажжуб қилмайман!

Сени  
онам деса,

Онаи зорим ҳам...

Бахтимга

у тирик,

Етмишдан ошса ҳам,

Ҳали бақувват,

сиёқи тетик,

Юрак зарби ўз мақомида,

Кампирлар орасида сўзамол,

ўктам...

Бу ҳам

сен туфайли —

Сенинг мурувватингдан,

азму қудратингдан,

Нима ҳам дердим,

Имон келтираман холос,

Шеър айёмида!

Сен

ҳамиша шоир илҳомида

Онаи калон!

Юракдан юракка

мисоли уммон

Оқади ихлос;

Сенга,

Сенинг ихтиёрингга

Шеърим тугул

ўзимни бердим,

Не қилсанг, қил!

Бахтлиман ярасам, ҳолу корингга!

Истасанг,

ўтга сол,

Истасанг,

сувга!

Бардошим етади,  
йўлла мангуга!  
Майли,  
бемалол!..  
Сени шарафлайман  
онам,  
онагимам...

1971

## ИҶҚ, ЕШЛИК УТГАНМАС

Ешлик ўтди десанг, розимас юрак,  
Талашар, тортишар, баҳслашар ҳатто,  
Ҳангу манг қилгудай сўйлайди эртақ,  
Ешликнинг ортидан чопгудай шайдо...

Ешлик ўтди десанг, кечалар ойдин,  
Утлоқларда дурдай шудринг томчилар,  
Дарё шарқирайди, денгизда тўлқин,  
Оқ булут осмонда отин қамчилар...

Ешлик ўтди десанг, сенга сен ёйиб,  
Нечун баҳор келди ошиб тоғу тош...  
Нечун шум кампирдай қиш биқсиб, қойиб,  
Заҳрини сочгудай олиб кетди бош?..

Ешлик ўтди десанг, бол ташир ари,  
Капалак қаноти алвон-алвон ранг...  
Ешлик ўтди десанг, кўнгил дафтари  
Булбул чаҳ-чаҳига нечун ҳамоҳанг?

Ешлик ўтди десанг, нечун шаббода  
Ёқимли эсади, ундайди боққа?

Нечун муаттар ис анқир ҳавода,  
Ҳамон бўй бермайдн сочинг тароққа?

Ёшлик ўтди десанг, рөзимас ўйинг,  
Рөзимас сен гулдай барг ёзган тупроқ!  
Рөзимас опичлаб ўстирган бувинг,  
Бувилар ичида ҳали шамчироқ...

Йўқ, ёшлик ўтганмас, ёшлик сен билан,  
Юрак сўзларига қулоқ сол, майли!  
Ёшлик ўтди десанг, нечун ер чаман,  
Нечун мен Мажнуну ҳамон сен Лайли?!

1971



(Сонет)

Ешлик!

Қалбим қолди сенинг бағрингда,  
Муҳаббатнинг амри шу бўлди,  
шундай!

Умрим сайқал топиб тақдирингда,  
Ўз жамолин кўрсатди кундай.

Элик деган бу нима ўзи?

Адашмасам,

бир доvon ошиш,  
Е чашмадай бир қайнаб тошиш,  
Туйғу теранлиги,  
ақлнинг кўзи.

Ешлик! Олиб қочма ўзингни мендан,  
Сенсиз яшолмайман қариганда ҳам,  
Кўзимдан нур ариганда ҳам...

Бу куним бошланади аслида сендан:  
Паймонам ҳам, омонлигим ҳам,  
Яхшилигу ёмонлигим ҳам!

1971

3628



## КУЗИНГ ҚОРАЛИГИ ЕТМАСМИ?..

Нечун кўзларингда қора кўзойнак,  
Кўзинг қоралиги етмасми ўзи?  
Кўз қоранг голиблик қилдимми, малак,  
Қорага муҳтожми ё тонг юлдузи?

Қорага шунчалик ўчми кўзларинг,  
Балки сир бермаслик учун уринар.  
Қора кўзойнакка тиниқ кўзларинг  
Булут қирғоқлаган ойдай кўринар.

Сенга ярашади қора кўзойнак,  
Менга ҳам ёқади, тақсанг, тақавер!  
Парпираган нурнинг ошиғи юрак,  
Дилни ишқ ўтида ёқсанг, ёқавер!

Қора кўзойнагинг айлансин сендан,  
Барибир қалбингни кўраман аниқ,  
Шунча яширсанг ҳам кўзингни мендан  
Тун яширолмаган юлдуздай ёниқ.

1971

## 14 НОЯБРЬ

Кел,  
азизим,  
умрим эркаси,  
Қалбим бекаси,  
Бир ёстиққа бош қўйилган кун —  
Қутлуғ кунга берайлик салом.  
Қўлларда тўй куни тўлдирилган

жом,

Қалбларда ўша кун  
жўш урган тўлқин,

Салом,  
ассалом!!!

Кунлардан  
кунларнинг фарқи бор.  
Баъзисига қарайман лоқайд,  
Баъзисини зору интизор  
Кутаман бир пайт —  
Кечаси бедор,  
Кундуз беқарор...

Календарь варағин йиртаман  
шешиб,  
Баъзан адашиб,

Унутмай ўтган умримни;  
Баъзан бош қашиб  
Айтгандай бўламан узримни  
Узим ўзимга...  
Эҳдо!

Гашлаб кетди-ку йиллар,  
фасллар,

Парво қилмай, кирмай сўзимга.  
Балки, манглайдаги икки йўл ажин,  
Балки, сочимдаги уч-тўрт тола оқ  
Табиат ҳазили —  
қалтис ҳазиллар...

Эҳтимол ҳазил эмас,

чин!

Ешлик денгиздан кўринган қирғоқ  
Оёқларим остида эди...

Наҳотки,

толиқдим,

довуллаар енгди!

Иўқ!

Иўқ!

Қулоғимда денгиз шовқини  
ҳамон,

Қўнглимда мавжлари уради тугён...

Ҳолбуки, умрим теваси

Довон ошаётир,

Шошаётир...

— Кел,

Қайдасан қалбим эгаси!—

Янгради садо...

Минбарда офтоб,

Айни ёз,

Бўл, баланд парвоз!

Тилакларим



Нур ёғилса ҳам,  
Канда бўлмас боғ-кўча сайри,  
Ошиқлармиз ҳамдод, ҳамқадим...  
Ёнибгдимаи ҳамини,  
ҳамнафас.

Бегараз...

Аммо

Туй кундаги сарҳуш оқшомдан,

Алёр, мақомдан,

Қўлимизда янграган жомдан

Сеҳргар севги-ю,

селдай илҳомдан

Ҳамон маст-аластман

Худди майпарастман,

Найлай!

Найлай!!!

1971

## СУРАЙЕ БЕТОБЛИГИДА ЕЗГАН ШЕЪРИМ

Деразам ортида қуярди ёмғир,  
Ернимас қалбимни ўярди ёмғир.

Ёмғир қамчисидан кузги дов-дарахт  
Юлинган-юлқинган жондордай, карахт...

Кўкда на юлдуз бор, на бир табассум,  
Табиат инграрди, йиғларди юм-юм.

Кўнглим ёримасди ёқса ҳам чироқ,  
Кечаси тубсиздай, узундан-узоқ...

Офтоб ётогида ётар бемордай,  
Давога, дори-ю дармонга зордай.

Деразам ортида қуярди ёмғир,  
Ернимас қалбимни ўярди ёмғир...

1971

(Совет)

Сени дўст деб юрардим,  
эвоҳ!

Душманлигинг билиниб қолди.  
Бўлганидай юлдуз зимзиё —  
Ишонч йўқолди!

Қора ишга керакми гувоҳ?!  
Қилгилигинг етмасми ўзи!  
Куймасмикан виждонинг юзи,  
Дилингдан ўт сачратса гуноҳ!?

Безовтасан бевақт, бсфойда,  
Самимийлик, дилкашлик қайда?  
Шуҳрат шунча этдими сарҳуш?

Кузингни оч, сақлан уйқудан,  
Ҳижолатдан, аччиқ кулгудан!  
Дабдабалар, эҳтимол, бир туш.

1971



Ёшликдаги суратим —  
Унутилган сурат  
Тилга кирди,  
Қалбимга солиб қўйди ғашликни!  
Ақлим ёқа йиртиб қилгудай ҳайрат...  
Таажжуб!  
Бу суратни менга қайтариб ким берди?!  
Қайтариб беролмади аммо ёшликни...

1971

## УМРИМИЗ БОҚИЙ

Чорак аср —  
                    йигирма беш йил!  
Умри боқий  
                    бир йигит ёши...  
Ғалаба жомини лим-лим қил,  
  соқий!  
Зилзилага келсин сарою қаер,  
Қалъалар девори,  
  тоғларнинг тоши...  
Найлай!  
                    Лоқайдликдан тумтайган тимсоҳ,  
Кунга  
                    ювош интилган гиёҳ,  
Хаёл каби сирли кўлмаклар,  
Тонгда  
                    чала қолган эртақлар  
Тилга кирса,  
                    Солса айюҳаннос,  
Бу қандай ҳол!  
Келтиргил имон,  
Барига сен кафил  
Ўзингсан масъул,  
Кўраш гирдобидан

Бахт топган ғаввос!  
Сен ўзинг тангрисан,  
Пайгамбарлар қул!  
Борми бир овоз?..  
Кекса тарих борар кўчин орқалаб,  
Йигирма биринчи аср ёқалаб,  
Юлинган-юлқинган,  
оёқ изи қон,  
Лекин минг бир жон,

полвон,  
наҳлавон,

Елкалари кенг,  
Геркулесга тенг!  
Ушқирар,  
Эртанинг қопқасин қоқар,  
Бир қўлида қилич,  
Бир қўлида чечак,  
Кўз ўнгида ёрқин келажак...  
Аммо нотинч,  
Юзи шувут,

ийманиб боқар:

Эр қурбон,  
Хотин тул,  
Никоҳ тўйин беагаган гул  
Тупроқда ётар,  
Юракларга тикани ботар..  
Чорак аср —

йигирма беш йил...

Йўқ!

эллик йил,  
Ундан ҳам кўпроқ,  
Қисмат  
гумбазида ёқилган қандил  
Кун оша,

Иел оша  
мунаввар,

Порлоқ!..

Қай ёнга боқмайни —

9 Май!

Рақамлар ичнда тўққизни атай

Кўргандай,

кўзларим жавдирар,  
ёнар,

Бошқа рақамлардан

гўёки тонар...

Кўкдаги еттимас,

тўққиз қароқчи,

Манзилга қарасам,

тўққиз чароқчи,

Тўққиз айғоқчи

тўққиз кўз билан,

тўққиз сўз билан...

Ҳафталар еттимас,

тўққиз кун худди,

Офтоб юзидаги етти ранг —

етти хил кулки

Вожаб!

тўққиз хил товланса

нетай!

Бу ҳолдан довдираб,

садаганг кетай,

Етти гўзалга

тўққиз шеър битай!

Шодман!

Рўпарамда пайдо тўққиз зот,

Ҳаммиша барҳаёт,

Тўққиз алп...

Тўққиз чинор —

Зукко,  
    пурвиқор  
Падари бузруквор  
    Навоий,  
    Жомий...  
    Ҳикматли Хайём...  
Шекспир,  
    Пушкин —  
    нодир нуктадон...

Устоди қадрдон  
Маяковский,  
Севгипараст Сергей Есенин,  
Хужумкор Ҳамза,  
Оташнафас Ғафур-ал-Ғулом...

— Сен кимсан?

— Мухлисман,  
    жомий...

Архивдан чиқди-ю мудроқ мунаққид,

Кўзлари ғилт-ғилт,

Мушти туюлган,

Ақли суюлган,

Ғоят ҳайратда

Сўқинар сатта:

— Йўқ!

Наҳотки, қўл беришга ҳақли!?

— Мисралар бахтли!

Устозга

    шогирддан

Эзгу одат-ла,

Меҳру садоқат-ла

Чин юракдан —

Саломлар,

Эҳтиромлар,

Шеърый инъомлар,

Қайноқ илҳомлар...

Хаёл олиб кетди,

хаёл,

Баҳри камол...

Ўзимни эслолмай шўнғидим,

чўмдим,

Ўй уммонига,

Вужудим

бўйсунди қалб фармонига...

Ноғиҳон

Жунжикдим,

тўнғидим...

Тушимми-ўнг?

Билолмадим,

Ақлим

меҳваридан чиққудай

худди,

Идрок қилолмадим...

Ҳолбуки,

Инсон тийрак,

зийрак,

бардам

Ҳар қачондан ҳам...

Лекин

ҳали топмаган барҳам

Қабоҳат,

ғараз,

Мунофиқлик,

бадбинлик,

нараз...

Аmmo

Тошни ёриб чиққан

чечакни кўрдим,

Табиат сеҳрига

тасанио!

Яна хаёл сурдим,

Соқов тошдан уққандай маъно...

Чечаклар унганда ер яшил бахмал,

Чечаклар,

чечаклар баҳор эркаси,

Хиёбон бекаси...

Чечак унса,

дала гўзал,

тоғу тош гўзал...

Ҳатто чўл,

чўл эмас,

гўзаллик ўлкаси,

гўзаллик ўлкаси...

Чорак аср —

йигирма беш йил

Салобатли,

салмоқли сана!

Чечаклар очилди йигирма беш хил,

Йигирма беш марта

яна-ю,

яна...

Кел, вафар жомини лим-лим қил,

соқий!

Мавлоно айтгандай

(уфқларга боқ!)

«Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,

Умримиз боқийдир,

умримиз боқий!»

1970

Санамасдан ўтдим хушнуд кунларни,  
Эндиги кунларим эса саноқда,  
Қалбим қийнэқда,  
Соғиндим қадрдон дилбар унларни  
Узоқда,  
Фироқда.

1969



## ГУЛНИ КИМ ОЛАДИ

Ажаб!  
Камолами ёки Қорасоч?  
Иккиси ҳам чиройли исм:  
Қорасоч гўёки болаликка тож,  
Асли  
    болалик ҳам пошшолик,  
                                қизим!

Сен ҳамон гўдаксан, отанг наздида,  
Ҳолбуки  
    ирмоқдай чувалган хаёл,  
Туйғуларнинг кураш авмида  
Камолингни кўриб,  
                                қолгудайман лол...

Камола  
    десам гар,  
                                ярашар балки,  
Камол топиб, бўйинг ўсибди,  
Киприкларинг кўзни тўсибди,  
Лабларингда қувиноқлик,  
                                кулки...  
Сенга ном изладим туғилганингда,

Бириси ёқдию  
бири ёқмади,  
Бамисоли сен кулганинда,  
Мен топган ном кулиб боқмади.  
Сенга ном изладим,  
топмадим гўё,  
Сенга бахт излайман,  
топсам аҳтимол.  
Билсам,  
кўзларингга яширинган ҳаё  
Бахт экан —  
сеҳрли соҳиби жамол!

Бахтлисан, жигарим!  
Бахт ўзи келмас,  
Сен,  
ёшлик қалбига тўлқин солгансан!  
Ким бахтни ўйламас,  
ким орзу қилмас?  
Мен эмас,  
сен уни енгиб олгансан.  
Мен сени эркалаб,  
дейман Қорасоч,

Гувоҳномаларда эса Камола...  
Шарқираб оққандай тоғдан шалола  
Ҳамиша болалик китобиягни оч,  
Қизим,  
Юлдузим!  
Камола — етукликдан даракчи, элчи,  
Наврўзни хабарлаб учган қалдирғоч...  
Уйлайман:  
бахт синаб чиққанда гулчи,

Гулни ким олади очиб кенг қулоч,  
Камолами ёки Қорасоч!

Иккиси ҳам қалбимга яқин:  
Жажжи Қорасочу  
                                    кўркам Камола.  
Мен шунчаки қиламан талқин,  
Тақдир исмигамас,  
                                    бахтга ҳавола.

1969

Мабодо

севгига боқсанг бепарво,  
Анвойи гулларга қарасанг лоқайд,  
Фаҳмига етмасанг, ўқилганда байт,  
Билки, ётган жойинг нариги дунё!

Мангу яшай десанг, майли, бўл нотинч,  
Душман юзланса гар аждар бўлиб ют,  
Дўстга юрагингни кафт устида тут,  
Вафога ваъда қил, ваъдага онт ич!

Мабодо

уддалай олмасанг, дўстим,  
Сенсиз ҳам ёшини яшар бу олам.  
Аммо беиз ўтар сен қўйган қадам,  
Ким билсин, қулаган сичми ё устун?!

1968

## ЮРАК ВА АҚЛ

Ўз юрагини  
ўзи кўрганми инсон,  
Бегона бир қалбга олмашлаб,  
уни?  
Йўқ!  
Тарих билмайди,  
кексалар ҳайрон —  
Юрак омонатми ёки мангуми?  
Жарроҳнинг пичоғи бермаган бардош,  
Юракка борганда қайрилган,  
синган!  
Кўкрак қафасига қамалган қуёш  
Инсонга бўйсунмай чақнаган,  
сўнган!  
Инсон доғда қолган табиатнинг бу  
Макру ҳийласидан,  
найрангларидан.  
Наҳот,  
қўнганида лабларга кулгу,  
Дарз кетса қалб  
севинч жарапгларидан?  
Она сут мазасин  
ҳалол,

бегуноҳ  
 Тамшаниб,  
 пайқаган гўдакдай  
 энди  
 Ҳаёт лавзатини тотганда,  
 эвоҳ!  
 Азамат юраклар уришдан тинди!  
 Нақадар даҳшат бу!  
 Нақадар шумлик!  
 Илонни қўлида ўйнатса инсон,  
 Қошида тиз чўкса йиртқич,  
 ўлимтик,  
 Унга  
 ҳатто бағрин очса-ю осмон,  
 Узининг кўксига урган юракка  
 Узи хўжайинлик қила олмаса,  
 Сиру асрорини била олмаса,  
 Тагин ҳам  
 бошини суқмас тувакка!?  
 Эй, юрак!  
 Узингсан шеъримга бонс,  
 Сен бонси —  
 ушбу толемнинг ҳам.  
 Сен асли ошиқсан,  
 севгига ворис,  
 Севгисиз ёнмайди  
 юрак тугул,  
 шам!  
 Ким у,  
 шак келтирган  
 Сино намига!  
 Танида жон бўлса,  
 қалқсин оёққа!  
 Энди меҳробгамас,

фаннинг азмига

Топинсин,

юз суртиб хоку тупроққа!  
Жаҳонни ҳайратга солди тафаккур!  
Бир инсен юради ўзга қалб билан...  
Бу қандай мўъжиза!

Ҳаёт тўла нур,  
Уйлаганимдан ҳам дилрабо экан!

Таажжуб қиламан,  
биров юраги

Бировнинг кўксига яшаса,

аммо

Таажжуб қилмайман биров тилаги  
Бировнинг қалбида янграгса садо!  
Узоқ Кейптаундан

доктор Бернардиннинг

Овозаси етиб келди элимга.

Ақли

чақмоқ чақиб

инсониятнинг

Қўшиқ бўлиб ўтди тилдан тиланга...

Утиниб сўрайман,

эй профессор,

Истиқбол эшиги очилса-ю ланг,  
Мабодо

юракни олмонлаш бир қур

Мода бўлиб қолса,

гўски сатанг —

Хетинлар кўйлакни ечиб кийгандай,

Сиз эса ўшанда сира адашманг,

Ифлос юракларни

қийратнинг бийдай,

Покиза,

қордай оқ қалблар барқ урсин,

Ҳайқирсин,  
кўпайсин  
ва тегиб турсин!  
Мен ҳам юракпараст  
ошиқи зорман,  
Унга сизинмасам,  
қайдан қофия!  
Ҳаяжонга ўчман,  
тўлқинга борман,  
Эй, ақл!  
Тошларга урилсам,  
ая!  
Бу шовқин идрокнинг тантанаси-ку!  
Гулчамбар киймоқда голиб тафаккур.  
Эй юрак,  
яшашга ҳақлисан мангу!  
Ҳар бир уришингда минг-минг ташаккур.

1968



## ЙУҚ, МУНГЛИ ЭМАСМАН

Бир боқсам,  
Дўстларим,  
                    ўртоқларим кўп,  
Сомончи йўлидай сочилган бироқ,  
Бир боқсам,  
Ёнимда ҳулкардай тўп-тўп,  
Қоронгу кўнгилга ёққудай чироқ.  
Йўқ!  
Мунгли эмасман  
Бу кун,  
Бу оқшом...  
Қалбимда жўш урар ишқ шалоласи.  
Найлай!  
Тинч қўймаса, серташвиш илҳом —  
Сатримнинг меҳрибон,  
                    мушфиқ дояси!?  
Киши гул узарми қўрқса тикандан,  
Шеър-ку туғилмайди бедард, беалам!  
Хаёлчан кўринсам,  
                    демак, ўшандан,  
Ушандан паришонхотирлигим ҳам!..

1968

## СЕН ОҲУСАН

Эй, лўли қиз!

Эй, соҳибжамол,  
Сени кутдим Сир соҳилида,  
Қиё боқмай қочирдинг хаёл.  
Севгинг ўйнар кимнинг диланда!

Сен гўзалсан,  
шамолдай шўхсан,  
Эркинликда дарё тўлқини.  
Ошиқ қалбга отилган ўқсан,  
Қайдан билсин ноошиқ буни?!

Найлай!

Афсус қиламан, холос,  
Оҳуни ҳам қийратгучи бер.  
Меъдасига ким қўйса ихлос,  
Қалб дардидан, аҳтимол, безор!..

Сен оҳусан соҳилда кезган,  
Сен оққувсан дарёда сувган.  
Сен дилбарсан кўнгила торини  
Баъзан чертиб, баъзида узган...

Ҳаммасига чидайман ўзим,  
Қилиқларинг  
  менга ёқади,  
Шўхликларинг чақмоқ чақади,  
Шуъласидан ярқирар кўзим!  
Қаролмайди сенга алвасти!  
Ушқиради тўқай тўнғизи...  
Эй, лўла қиз,  
  чўчимма асти,  
Қадалади ерга мўғизи!..

Гўзалликни бўтган қўл қурур...

1968

## КУЛАМАН

(Сонет)

Ошиқ қалб шеърят ишқида шайдо,  
Илҳом парниси юз ўгирмаса бас!  
Ҳамдard юраклардан чиқса-ю садо,  
Кошки, бадқовоқдан ёғмаса ғараз...

Бир вақт шоирлиқни қилмасдим даъво,  
Ёзганларим эса гўё бир ҳавас...  
Ҳавас ўзигина кифоя эмас,  
Ишққа боқолмайман энди бепарво!

Ҳолбуки, севгининг кушандаси бор,  
Нодон дўст рақибдан баттар дилозор.  
Лекин тик келолмас, қочар кўзимдан!

Ҳавас деб юрганим — муҳаббат экан,  
Гул эмас, кўксимга санчилган тикан,  
Куламан, ноошиқ кулса сўзимдан!

1968



(Сонет)

Чашма тубин кўрганинг борми?  
Юм-юм оқар ернинг кўз ёши!  
Ширин сўзга шунчалик зорми?  
Наҳот етмас сабру бардоши?!

Ернинг бағри шунчалик торми?  
Туртиб ётар чашманинг тоши...  
Табиатнинг моҳир наққоши  
Навбатдаги таъқидга зорми?

Нега кўз ёш тўкар она ер?  
Юрагига қулоқ сол, не дер?  
Шунча зўрми дарду алами?

Алами йўқ, дарди бор холос!  
Қалби тўла севги, аҳтирос...  
Янчмаса бас мурдор қадами!

1968

## МАСХАРАБОЗ

Бас,  
уйининг,  
эй, масхарабоз!  
Башарангга бүүк суртиб,  
кулдирма!  
Кулги учун керак  
жүшқин эхтирос,  
Сен  
пучак ёнгоққа қўйин тўлдирма!  
Гўдаклик йилларнинг ўз шуқуқи бор,  
Балки,  
гўдакларга сен яхши эрмак...  
Гоҳи яланг оёқ,  
гоҳи оч-наҳор  
Ортингдан чопардим бўлиб жонсарак...  
Маҳалламга келган масхарабознинг  
Даврага киришин қутиб турардим.  
Гўё сўққа бир бош қизил пиёзининг  
Ўзгинасин кўриб,  
қаҳ-қаҳ урардим.  
Бөлаликни  
энди эслайман холос,

Болалик ажойиб,  
анвойи дунё!  
Ешини яшаган,  
эй, масхарабоз,  
Рўпарамда бевақт бўласан пайдо!  
Иуқ!

Энди сохталик сингмас қалбимга,  
Масхарбозлик-ла кулдиролмайсан!  
Макру ҳийлаларинг ёқмас таъбимга,  
«Алдар Кўса»ликни дундиролмайсан!  
Найлай!

Болалигим —  
бепарволигим  
Қайга ғойиб бўлди  
сокин бир тундай...  
Тонгдай ярқиради  
ёшлик,  
толеим,  
Нурли қирғоқларга сапчиб тўлқиндай!

Болаликда  
тунлар ўтарди бедор,  
Кошки,  
дердим,  
одоқ бўлмаса эртак!  
Оғзидан ўт сочса ялмоғиз,  
бадкор,  
Куйгудай бўлса ҳам осмону фалак,  
Моҳитоб ишқида бедов уйнатиб,  
Кўксиди мисоли қозон қайнатиб,  
Майдонга кирарди шерлар,  
шерзодлар.  
Жангга ташланарди синмас қанотлар!

Учар гиламларни тушимда кўрардим аён...  
Лекин сарвиқомат паризодларни  
Англолмасдан ногоҳ бўлардим ҳайрон.  
Беғам болалигим — соддадиллигим  
Қулоқ тутиб, баъзан ҳангомаларга  
Баъзан мукка кетиб жангномаларга,  
Камол топди — ўткир,  
бурро тиллигим!

Бас,  
етар ўйининг,  
эй, масхарабоз!  
Сен пучак ёнгоққа қўйин тўлдирма!  
Теранликдан қўрқиб,  
қидирма саёз,  
Башарангга бўёқ суртиб,  
кулдирма!

Мен ҳамон севаман латифаларни,  
(Мулла Насриддин дадам исми ҳам...)  
Қўймайман кулгили саҳифаларни,  
Барида донолик ўзи бир олам...  
Мен ҳамон севаман афсоналарни,  
Нақду эртақларга соламан қулоқ.  
Мен ҳамон севаман қаҳқаҳаларни,



Мен ҳамон  
аския,  
чистонга чанқоқ!..  
Масхарабозликдан безорман фақат.  
Сен бачки ишни қўй,  
гўдакликка хос!..  
Елғон қулғиларга  
йўқ сабру тоқат,  
Бас қил ўйинингни,  
эй, масхарабоз!

1968

## ОҚ ИЧАЙ, ОНТ ИЧАЙ

Янги йил кечаси —  
нашъали кеча,  
Юракда ўрлайди ҳислар қуюни...  
Бунча орзиқмасам,  
шошмасам бунча!

Найлай!  
Табиатнинг сеҳри,  
ўйини

Эсимни олганми,  
Йўлдан урганми,  
Намунча шошмасам,  
Қанот қоққудай!  
Биров кўзларимга сув уфурганми,  
Кўзларим адашар —  
ғилай боққудай...

Соат милларига қарайман такрор,  
Аммо хилватдаги ошиқлар каби  
Ҳали қовушмаган,  
зору интизор.  
Ҳали тегмагандай лабларга лаби...  
Соат милларига қарайман такрор,  
Ҳали урилган йўқ  
ўн иккинчи заиг!

Ҳали айтилган йўқ на сўз,  
на алёр,  
Ҳали янграган йўқ қадаҳдан жараиғ...  
Соат милларига қарайман такрор,  
Бунча ошиқаман!..  
Холбуки,  
Йиллар  
Манглайимга ташлаб кетгуси ажин,  
Сочларим оқига қўшилгуси оқ!  
Кошки, рози бўлсам,  
йигитлик тожия —  
Бошдан отишликка!..  
Қалтис бу синоқ?

Наҳотки,  
Дамларни севишиб кутиб,  
Ўзи билар-билмас қариса киши?  
Наҳотки, ёшлик ҳам сездирмай ўтиб,  
Энди  
Оғиз ошга етганда тиши —  
Тўкилса,  
Бу қандай шафқатсиз ҳазил!  
Қандай мунофиқлик!  
Соддадил инсон  
Гўё ўлимга кўтарса қадаҳ!  
Йўқ!  
Рози эмасман  
Бунга ҳеч қачон!..  
Ҳали ичилган йўқ бир пиёла май,  
Ҳали сархушликдан йироқман,  
йироқ...  
Соат ўн иккинчи урганда,  
Найлай!

Кўзим қароғида чақнади чақмоқ!  
Оёққа қалқиди азалий курра,  
Меҳваридан  
Балки чиқиб кетгудай.  
Осмонда  
Рўмолча силкиди Зухра,  
Қўл чўзсам,  
Севинчдан, қўлим етгудай  
Баралла янгради  
Ун иккинчи занг,  
Қутловлар тўлқиндай қиргоқдан ошди.  
Ун иккинчи зангга

қалбим ҳамоҳанг,  
Туйгулар қалбимга сигмади,  
тошди.

Соқий!  
Қани, узат лим-лим қадаҳни,  
Кечикмай,  
Майлига, ёшим ўтса ҳам!  
Бу лаҳза,  
Бу кунга етганга одам,  
Не десин,  
Не етсин!  
Хурсандман!

Топтамай,  
босмай гиёҳни,  
Боғнинг тўридаги очилган гулга  
Балки, етганим шу,  
Бахтнинг ўзи шу!  
Эртага дебоча —  
Вақтнинг ўзи шу!  
Янги йил кечаси —  
нашъали кеча,

Юракда ўрлайди ҳислар қуюни...  
Лаҳзага панд бериб гул очилгунча,  
Эҳтимол ечилмас тақдир тугуни?!  
Баралла яиграйди ўн иккинчи занг.  
Ахир,

янгради-ку ўн иккинчи бор.  
Қалбимнинг тубига энг сўнгги жаранг  
Етиб борар-бормас,

қалб бенхтиёр  
Кўкрак қафасидан чиққудай бўлди.  
Балки бу табиат қонунига хос...  
Қонун паймонаси,

эҳтимол,  
тўлди!

Энди қонунлар йўқ!  
Севги,

эҳтирос  
Оламни тутгудай,  
Олам мунаввар,

Соқий!  
Қани, узат лим-лим қадаҳни,  
Оқ ичай,  
Онт ичай,

Бўлсин бехатар!  
Сармаст юрсам юрай,  
Аммо гиёҳни  
Оёқости қилмай,  
ясай гулчамбар.

Нобуд қилмасликка қутлуғ сиёҳни  
Онт ичай,  
Оқ ичай!

1968

Баъзи танқидчилар шер билиб ўзин,  
Оҳуни изидан қувиб қолади,  
Йиқиб ғажигудек чангал солади —  
Бир ўлжа топгандай, қайноқ қалб сўзин...

Баъзида мисралар кулгидан тинмас,  
Баъзида қон йиглаб қолар юраклар.  
Биров кафанласа, биров йўртаклар...  
Шеир йиқилса ҳам қалами синмас!

1967—68

## ЭЙ, УЛИМ!

*Ойбек хотирасига*

Не иш қилиб қўйдинг,  
эй, бадкор ўлим?

Наҳотки,  
шумликдан куймаса юзинг!

Наҳот,  
тиёлмасанг ўзингни ўзинг!..

Кошкийди бўғзингга етса-ю қўлим,  
Исканжага олсам гирибонингдан,  
Аждодларга тўккан кўз ёшим ҳаққи...  
Айрилиб қолдим-ку меҳрибонимдан,  
Дўсту устодимдан..

Оёққа қалқи!

Не иш қилиб қўйдинг,  
жавоб бер,  
жавоб!

Қора курсида деб ўзингни ҳис эт!  
Машъум гуноҳингни қилиб эътироф,  
Бир умр кўрмасга юзингни беркит,  
Ўзингни,

ҳаттоки изингни беркит!

Менга Ойбегимни —  
Жигаримни бер,

Адиблар адиби —

севаримни бер!

У тирик!

Тер тўкиб толиққан холос,  
Эҳтимол, чувалган ўйлар билан банд,  
Жингалак сочлари ҳамон сарфароз,  
У ўзи яратган ҳайкалдай баланд!  
Адашма,

эй ўлим,

жазаванг тутиб!

Зарурат бўлсанг гар,

зарурларга бор!

Хатога йўл қўйма,

имонни ютиб!

Мабодо бўлсанг ҳам имонсиз,

беор,

Яхшидан сақлану,

ёмонларга бор,

Адашма зинҳор!

1968



## БУВИЖОН

Бувим —  
    болалигим,  
Утган кунларим...  
Кўз очиб,  
    ақлимни таниганимда  
Илк марта кўрганим:  
Кекса — кайвона,  
Онамдай меҳрибон  
    муштипар она.  
Бувим,  
    бувижоним  
    жилмай ёнимдан —  
Тунлари ухлатган,  
Чошгоҳ йўқлатган  
Қўли очиқ,  
Сочи сочиқ,  
Ширин сўзлим!  
Ойимга тикилсам,  
    сени кўраман,  
Юзлари ўхшайди  
    худди юзингга,  
Чўпчак эшитгандай  
    хаёл сураман,

Сўзлари ўхшайди  
  сенинг сўзингга,  
Кўзлари — кўзингга,  
  ўзи — ўзингга!

Умрим  
  умр кўрди  
Меҳрингга ёлчиб,  
Ташаккур садоси —  
  қалб тўлқинларим,  
Мисрама-мисра,  
  бобма-боб,  
  достон...

Сен,  
Ниҳол умримга  
  бағрини очиб,  
Қора сёвуқлардан  
  асраган боғбон,  
Сенсиз  
  кечмишимни ёд этолмайман!  
Сени унутмайман,  
  унутолмайман  
Унутмаганимдек  
  олтин ёшликни!

Менга  
  раво кўриб қаламқошликни,  
Ўзинг қайга кетдинг,  
  бир пиёла чой —

Ичмасдан  
  невара, келин қўлидан!..  
Ўзингга сигмасдинг,  
  бувим,  
  ҳойнаҳой

Айтганинг келгандан —  
  бахтнинг мўлидан!..

Бувим,  
Бувижоним,  
очмай фолимни,  
Орзу,  
хаёлимни,  
истиқболимни  
Олдиндан кўролган —  
Тийрак кўзалигим,  
Иссиқ юзлигим!..  
Кошкийди  
бир кўрсанг,  
қандай файзли жой!

Соғинчдан,  
Ўпардинг девору тошни..  
Туйнукмас.  
дарчадан тушганда ҳам ой,  
Лаган деб,  
ойдинга сузмасдинг ошни,  
Ўчоқбоши  
энди шоҳона сарой!

Пазанда бувим,  
Арзанда бувим!  
Бувижон,  
сен айтган эртақдай  
гўзал,

Бепеён бўстонинг ошиғи ўзим.  
Дилда бир олам ишқ,  
тилда минг ғазал,

Эл дарди —  
дардимдир,

Эл сўзи — сўзим!

Сенсиз  
йиллар ўтди мисоли карвон,

Суратинг

                    зилол бир чашмада гўё  
Акс этган сиймодай

                    ёдимда ҳамон,  
Кўзим қароғида сирли бир зиё,  
Қалбимнинг тубида

                    туб меҳриғиё!

Бувим,  
            Бувижоним,

Иссиқ юзлигим,  
Ширин сўзлигим!

1968

Доғуллиқ

ташна қилди қонимга,  
Ширин сўзлигингда халоллик, юз йўқ!  
Сохта табассумлар тегди жонимга,  
Кулган кўзларингни кўргани кўз йўқ!

Нечун катта йўлни қўйиб,  
сўқмоқдан

Туртиниб-суртиниб,  
эмаклаб юриш!..

Агар керак бўлса ўтиш синоқдан,  
Шарт эмас баланд-паст  
жарлик,  
бурилиш...

Аччиқ сўздан дилга озор етса ҳам,  
Бегараз бўлса у,

етар бардошим.  
Кўксимни ўқ каби тешиб ўтса ҳам,  
Эгилмас,  
бу мағрур, серташвиш бошим.

Майли,  
қўрқмасдан айт дангал,  
бепардоз,  
Узлатга чекинсин бепанд найраглар!..  
Яшасин ҳақгўйлик, ишонч ва ихлос,  
Битсин мунофиқлик, асабий жанглар!

1967

## НУРНИНГ ҒИШИНИ СҮНДИРИБ ҚҰЙМА

Олмос қиррасида жилоланар нур...  
Уткир қирраларда нурнинг манбаи.  
Нодон бўлма, дўстим,  
(ўтинч ва узр!..)

Қўли кесишидан қўрқиб,  
атайи

Қиррани текислаб,  
Тиғни ўтмаслаб,  
Нурнинг ғишини сўндириб қўйма!  
Қирралар қимматин ўйлаб кўр  
дастлаб,

Буни сен бачки бир савдога жўйма!

Балки кўзи бордир қирраларнинг ҳам,  
Йўқса, өғри қўли кесади нечун?!  
Тўғри қўл қиррадан чўчимас,  
бардам

Юзма-юз келади — ўтайди бурчин.  
Тўмтоқ ничоқ бепарқ қўл кесар холос,  
Эҳтиёт бўлсанг бас  
ўтмас ничоққа!

Номард киши унга қўяди ихлос,

Кўнгил берганидай босар қучоққа...  
Олмос қирра эса нурга беланчак,  
Қиррада чайқалар бир олам зиё...  
Фаҳму фаросатсиз қўл чўзса,  
бешак,

Қўлдан ажраши мумкинди ҳатто!  
Шуълалар мавжида сиру асрордай  
Олмос қирраларнинг тигланган юзи.  
Маразни кесгудай,

бурчга тайёрдай...

Бир қирра нуқтаси —

бир юлдуз ўзи!..

Қирралар қимматин ўйлаб кўр  
дастлаб,

Буни

сен бачки бир савдога жўйма!

Қўлни кесади деб,

кўрқиб,

ўтмаслаб,

Нурнинг ёнишини сўндириб қўйма!

1967



## ОҚ ҚАЙИН

Ўрмонда адашини ҳеч гапмас,  
осон...  
Дарахтлар ўхшайди бири-бирига.  
Аммо оқ қайинини кўраман аён,  
Илинса кифоя кўзим қирига.  
Тўнгахнинг ҳасаддан тийилмас тили,  
Арғувон рашк қилар, қарағай ҳавас...  
Тундай қора бўлса бировнинг дили,  
Бахтимга шукурки, биров беғарая...

Мен сени севаман,  
не десалар ҳам,  
Бағримда асранган иссиқ беқийёс.  
Дейдиларки,  
тангри эмиш бекўст-кам,  
Мен тангри эмасман, ошиқман холёс...  
Эҳтимол ўжарман,  
балки шартта сўз...  
Шарт эмас ҳаммага ёқиш-ёқмасим!  
Бир ён ўрмон бўлса, бир ён дала — туз,  
Мумкинмас дарёдай тошиб оқмасим!  
Баъзан қирғоқларга ураман ўзни,

Тошларнинг забтига бераман бардош.  
Фақат чиқармасам бўлгани кўзни,  
Фақат ёрилмаса бўлгани бу бош!..  
Оқ қайин, севаман сени жон-жондан,  
Сенсиз ўрмоннинг йўқ менга кераги!  
Қалбим қийналади ишқий тугёндан,  
Мабодо йиқилсам, ўзинг тирагим..

1967

## ЮЛДУЗГА БОҚ

Юлдузга боқ, жоним, зериксанг агар,  
Мен ҳам танҳо қолсам, унга боқаман.  
Фарқи йўқ — эртами, кечми ё саҳар,  
Ошиқ юрагимни ўтда ёқаман.

Юлдузга боқ, юлдуз олис бўлса ҳам,  
Ҳамдарддай титрайди нурли лаблари.  
Баъзи бир дўстлар бор яқин, ҳамқадам.  
Афсуски, ўликдай совуқ қалблари.

1967

## ТУШ

Тушим таъбирини айтиб бер, ойим?  
Туш кўрдим,  
тушимда ҳамма йўллар берк,  
Гўё ер юзида қиёмат-қойим  
Тириклар ўлигу, ўликлар тирик!

Чучидим,  
лабларим устида учуқ,  
Юрагим орқамга тортди десам гар,  
Ойим, айблама ёлгонлагим йўқ,  
Найлай,  
қуруқликдан қиламан ҳазар!

Ўликдан қўрқаман, тирикдан эмас!  
Тириклар сафида доим ҳушёрман.  
Биламан: ўлик-ку хавфсиз, бегараз...  
Курашга яроқли тирикка борман!

Ҳаёт ўзи кураш, интилиш демак,  
Дунёдан ўтгаилар буни англолмас.  
Ўликка бор-йўғи уч газ ер керак,  
Кенг ерда безаҳмат ўзин ўнглолмас.  
Яланглик ярашар тирикка фақат,

Парвез етар бўлса,  
бу кенглик ҳам тор!  
Билмаганга ўлим ҳақу барқарор.

Туш кўрдим,  
тушимда ҳамма йўллар берк,  
Гўё ер юзида қисмат-қойим:  
Тириклар ўлигу ўликлар тирик!  
Тушим таъбирини айтиб бср, ойим?

Кўз очсам бир олам умид, эҳтирос...  
Ўлимга юзма-юз келоламан тик,  
Таажжуб!  
Ўликдан қўрқаман холос.

1967

## ТАБИАТ МАКРИГА УЧМАНГ

Олтин ўрмонзорда тонг отар палла  
Қўзиқорин излаб дайдиған қизлар —  
Қўзи осмони ранг, юзи қирмизлар,  
Сизни чалғитмасин қурвақасалла!..

Табиат макрига учманг бир нафас,  
Гисҳлар ранго-ранг кўринганда ҳам,  
Баридан ўзингиз гўзалсиз, кўркам,  
Мунис шаънингизни сақланг муқаддас!..

1967

## БИР ЖУФТ ГУЛ

Совға-салом

юборганингни...

Анору беҳилар ичра жуфт гул  
Жилмайиб боққанда,

қувонганимни —

Афсуски, кўрмадинг,

азизим, бир йўл...

Бир жуфт гул наздимда бир даста гулдай,

Бир боғу чамандай кўринди ҳатто.

Бир жуфт гул товланди бир олам нурдай,

Япроқлар қатида андиша,

ҳаё...

Гўдакдай

қувончдан ёнди кўзларим,

Қалбимни забтига олди ҳаяжон:

Гўёки қовушмай қолди сўзларим,

Ташаккур айтишни унутдим,

ишон!

Аmmo ишқимни сир тутмади қалам,

Илҳом парисига ошналимдан...

Ҳамон довдирайман,

ёшим ўтса ҳам,

Севги шаробига ташналигимдан.  
Маиа, сен юборган бир жуфт хушбўй гул:  
Бириси оташ ранг, бириси оппоқ..  
Бу сенми ёки гул?  
Англолмас кўнгил!  
Бағримга босай деб, очдим кенг қучоқ.

1967



## ДУЭЛЬ

Куз фасли,  
                    ўрмонзор нақадар гўзал!  
Оёқлар остида барглар поёндоз...  
Лаҳзани ҳис этсанг,  
                    ўзи бир ғазал,  
Эй, қалам,  
                    синмаган бўлсанг қани ёз!  
Нега хаёл суриб қолдинг, азизим,  
Олтин кузни кўриб, эсладинг кимни!  
Зулфизар қиздай у сўрамай изн,  
Ёдингга солдими буюк Пушкинни!..  
Ошиқ бўлсанг,  
                    юрак, яра дуэлга!  
Чўчима,  
                    севгининг йўли серташвиш...  
Кучсизга даф қилиб, мақтанма элга,  
Зўрни енга олсанг, сенга минг олқиш!

1967

## УМРИМДАН РОЗИМАН...

Умримдан розиман —  
тўхтаб қолмаса,  
Ё олга кетдим деб, орқада чангиб,  
Қарвондан адашган бўтадай гангиб,  
Судралиб,  
довдираб,  
ҳориб-толмаса!

Розимасман,  
дўстга чап берса агар,  
Дўстин қоқилтирса, чалса йўлида,  
Қиттай ҳасад кўрсам унинг кўнглида,  
Ўз умримдан ўзим қиламан ҳазар!

Умримдан розиман,  
бўлмаса бадкор,  
Ҳалоллик,  
ҳақгўйлик ёнса лабида,  
Мисли меҳригиё ошиқ қалбида  
Ҳамиша қулф урса севги ва баҳор.

Розимасман, умрим бахту саодат —  
Топгандай бировнинг ичса қонини  
Ва кулиб, пахтада олса жонини...

Бу қандай юзсиялик!  
Қандай қабодат!  
Умримдан розиман —  
бўлса соддадил,  
Лекин, бу деганим эмас — гўл, лақма!  
Иғво, фисқ-фужурдай маразу оқма —  
Жонига қилмаса бўлгани жабр!

Розимасман,  
мукка кетиб шуҳратга,  
Беш кулик роҳат деб ўтса дунёдан,  
Ўзгага коса сув бермай дарёдан,  
Кошки, олиб кетса уни охиратга!

Умримдан розиман —  
қиймалаб дилин,  
Тилин кесганда ҳам, кечмаса аҳдан!  
Билмам, юз ўғирар ким бундай бахтдан,  
Мен юз ўғирмайман, аммо, севгилим!..

1967

## БАЛКИ ЗЕРИКАРДИМ

Тинч оқар дарёга қилмайман ҳавас,  
Мавжларида қуёш ўйнамаса гар!  
Уни кўлмак сувдай этаман фараз...  
Юрак тўлқинга ўч,

                                тўлқинни севар!  
Бепарво умримдан бўлмайман рози,  
Бепарво боқмайман шовқин-суронга!  
Синмаса кифоя кўнглимнинг сози,  
Чидаш бермагандай бир тош бўронга!  
Мевали дарахтга

                                тош отилади,  
Ўғри ҳам тешади газнанинг турмин.  
Имонсиз,

                                бетавфиқ қалб сотилади,  
Олчоқ қуритади бировнинг умрин...  
Аммо

                                қурбим егар —  
                                тўса оламан

Бадният,  
                                шумқадам ўғри йўлини,  
Дафъ қилса,  
                                йўлбарсдай боса оламан,  
Дафъатан шарт узиб қонли қўлини!

Қайтара оламан отналганда тош,  
Мабодо,  
тегса ҳам бераман бардош!  
Ҳайҳот!  
имонсиздан сақла,  
эй худо!  
(Мен даҳрий бўлсам ҳам,  
бу беистеҳзо!..)  
Тириклар қатори  
мен ҳам бекўст-кам:  
Душманим йўқ эмас,  
дўстим беҳисоб!  
Умр —  
умр эмас беташвиш, бегам,  
Кўникиш —  
кишининг жонига азоб!  
Баҳра ололмаса биров меҳримдан,  
Биров соломмаса дилга ҳаяжон,  
Балки,  
зерикардим лоқайд умримдан,  
Паст-баландсиз йўлдан ўтгандай қарвон!

1967

## СЕНИНГ ГУЛИНГ

Тонгда бир гул кўрдим боғда,  
Бу сенинг гулинг.  
Яна ошди гул саногда,  
Келмасми кўргинг!

Гулзорга чиқ, очилган гул  
Ушар ўзингга.  
Адашмаса бўлди кўнгил,  
Кулма сўзимга!

Бу гулни сен экканмидинг,  
Бунчалик хушбўй?  
Е, ноз ила текканмидинг,  
Бунчалик хушрўй?

Айтгил, сеими ё гулраёно  
Тонгда кўринган!  
Сенмисан ё хушбўй сабо  
Ювга урилган?

1967

Найлай!  
Шеъриятга асирман,  
Асир!  
Банди банд қилгандай  
Ошиқ дилимни.  
Хатто қочолмайман,  
Кўзларим басир,  
Узига ўргатиб олган  
Тилимни.

Ўзи ардоқлайди  
Қалбимни,  
Ўзи  
Бир нафас жилдирмас  
На кеч,  
На кундуз,  
Гўё  
Кўзим — кўзи,  
Сўзим ҳам сўзи,  
Кундузи қуёшим  
Кечаси юлдуз...  
Шеърият гўзали  
Ҳолу жонимга

Қўймайди,  
Севгиси,  
Рашки зўр экан.  
Йўлатмайди  
«Қора сўз»ни ёнимга,  
Бегона кўзига санчгудай  
Тикан!

Висол дамларини  
Зору интизор  
Кутганда  
Учрашсанг,  
Ажралиш қийин!  
Эй илҳом париси,  
Бўлма беқарор,  
Садоқат олдида  
Сен ҳам эг бўйин!

1967



Маёқдай порлади ўн еттинчи йил,  
 Курашга чорлади ўн еттинчи йил.  
 Зафар жабдугини ортиб елкага,  
 Дадил илғорлади ўн еттинчи йил.

Уша тонг яигради «Аврора» зални,  
 Гуёки Россия денгиздай қалқди.  
 Қутлуғ қон тўкилди жанговар йўлда,  
 «Қора манглай»ларда бахт нури балқди.

Халқ турди оёққа, Лениннинг ўзи —  
 Бош бўлди, таралди элларга сўзи.  
 Бир парча ерга зор инсон амрига  
 Бўйсунди қайрилмас замин мўғизи.

Капитал юрагини титратди ўн кун.  
 Наъра тортиб кўкка самчиди тўлқин,  
 Россия кўтарган Ленин байроғи —  
 Башарият йўлини ёритди ёрқин.

Ушанда туну кун Питердан хабар —  
 Кутардик, яхши сўз элга мўътабар.

Бизга етиб келди Нева бўйидан  
Ленин қўли билан ёзилган Асар.

Октябрь китеби — кураш қомуси,  
Халқларнинг толеи асрий орауси.  
Бу китобни ўқиб жангга кирганлар  
Ғолиблар сафида мангу қолгуси...

Жанг деган қурбонсиз бўлмас ҳеч қачон!  
Ленин гоёсига келтириб имон,  
Қўрқмадик, қайтмадик қалтис йўлда ҳам,  
Қон учун қон олдик, бир жонга минг жон...

Тўплар гумбурлади Туркистонда ҳам,  
Дашту саҳрода ҳам, бог-бўстонда ҳам...  
Икқилоб забтига олди тарихни —  
Тор-танғив ерда ҳам, кенг майдонда ҳам.

Дастгоҳлар тўхтади кўтариб исён,  
Поездлар юрмади — темир йўл вайрон.  
Утмишдан юз буриб, бари турди терс,  
Ҳатто оқмай қўйди дарёлар равон.

Курашга тоб берди инсон юраги,  
(Шарҳу илованинг борми кераги!!)  
Сув келса симириб, тошни кемириб,  
Темир қанотини ёзди тилаги.

Лениннинг ёнидан Фрунзедай эр,  
Куйбишев сингари афсонавий шер —  
Бизга олиб келди бағрида офтоб,  
Бизники мамлакат — завод, сув ва ер...

Ҳали жабҳаларда борарди синов,  
Ногоҳ панд бермоқчи бўлди маккор ёв!

Тиз чўкмай йиқилди ўн тўрт комиссар,  
Аmmo, яна баанд кўриди ялов.

Қизил ялов қўадан қўлларига ўтди,  
Халқ уни асради, кўзига суртди.  
Минглаб Очил бобо, Султонхўшалар  
Табаррук байроқни мустаҳкам тутди.

Байроқлар, Октябрь байроқлари бу,  
Ҳилпирар сафларда, ҳилпирар машгу,  
Кремль устидан,

Москва сари —  
Тикилган кўзларга сочади ёғду.

1967

## АМАКИ

Қавму қариндошининг ўз унвони бор:  
Бири тога бўлса, бири амаки...  
Бири зиқна бўлса, бири диловор,  
Меинг амаким ҳам эмасдир чакки!..

Бошидан кечгандир талай саргувашт,  
Оғир курашларда қолгандир омон.  
Аскарйй аргумоқ минганида дашт  
Уни ардоқлаган мисли меҳрибон.  
Босмачи галалар Бойсуп тоғидан  
Уқ узганда, ўқни қайтарган дадил.  
Разил ёвни суриб юрт тупроғидан  
Бу кунга йўл олган манзилма-манзил...

Уни ҳурматлайди яқин ва йироқ,  
Еру дўст, маҳалла, қавму қариндош.  
Кексага қўшилса кексадай, бироқ  
Ешлар даврасига кирса, худди ёш...  
Ташна бўлсанг, тутар чинни ниёла,  
Кўнгил май хушласа ҳушёр косагул!  
Меҳру муҳаббати жўшқин шалола.  
Ажойиб табиат, орзулари мўл...

Нажим ака дейман яқин тутгандан  
Амаки дейишга бормайди тилим.  
Баъзан гаплашамиз ўтган-кетгандан,  
Баъзан учрашмасак, ўксийди дилим.  
Баъзан вақту бевақт эшигин қоқсам,  
Очиқ чеҳра билан чиқади ишвоз;  
Ойнинг шуъласида кўзига боқсам,  
Табассум қилгандай бўлар сахий ёз...

Мана, хушвақт турар голиб жигарим,  
Юзида нур балқир худди офтоб.  
У очган қоққадай шеърий дафтарим,  
Мисралар қатида зафар беҳисоб...  
Утмишдан ҳикоя бошдаса агар,  
Ногаҳон тутаман жон қулогимни...  
Тинглайман, эринмай кечми ё саҳар,  
Тонггача ўчирмай шамчироғимни.

Эҳтимол изи бор гўдаклигимнинг  
Опишлаб юргандан елкаларида.  
Эҳтимол ўзи бор гўдаклигимнинг  
Содда диллигида, кулкиларида...  
Сочининг оқлиги — Чотқол ўзлиги,  
Кўнглини тиниқлиги Кўли қуббондай.  
Оламга татийди ширин сўзлиги,  
Тирикка дармону ўликка жондай...

Ҳа, менинг амаким — шундай амаки,  
Иши ҳам, феъли ҳам эмасдир чакки!

## МЕҲМОН БЎЛИБ КЕЛДИМ, АММО...

*Максим Танкка*

Шеърят баҳона бўлди-ю, дўстим,  
Арғумоқ устида кўрдим ўзимни.  
Эҳ-ҳе!

Йўл боссам ҳам, жуда мўл босдим,  
Ҳайратдан тополмай қолдим сўзимни.  
Йўлларнинг поёни кўринмади ҳеч,  
Қирлар ўрмонларга бориб тугашар,  
Ўрмонлар тоғларни елкалаб ошар,  
Кўлу дарёлардан ўтдим эрта-кеч...  
О, Белоруссия, муқаддас тупроқ,  
Соҳибжамол ўлка, паҳлавон диёр!  
Азиз зиёратгоҳ, сўнмас шамчиरोқ,  
Шону шуҳратга бой қаҳрамон диёр!  
Меҳмон бўлиб келдим,

аммо ўзимни

Меъзондай ҳис қилдим қучоқларингда.  
Табаррук хокингга суртдим юзимни,  
Сув ичдим шифобахш булоқларингдан...  
Двина бўйида ётган ҳар бир тош  
Гўёки кесилган бошларга гувоҳ.  
Дарёнинг тубига ботганда қуёш,  
Селдай оққан қонини эслатди ногоҳ!

Тарих тилга кириб,

шоир қалами —

Қурбонлар номидан сўйлашга ҳақли.  
Уруш «худоси»нинг қайтариб дамни,  
Жонга жон олганлар яшасин бахтли!  
О Белоруссия,

Белоруссия!

Табиат қизининг жаннат макони.  
Қадаҳдэй лабингга лабимни қўя,  
Севгинг шаробидан сархушман, жоним...  
Найлай,

бир кўрганда урдинг юракдан,  
Ошиқ бўлиб қолдим, тутолмайман сир.  
Сени топган борми ҳатто эртақдан?!  
Мана, мен тондимү ва тушдим асир!..  
Сенга бериб қўйдим ихтиёримни,  
Тотли хаёллару ширин уйқумни...  
Сенга бериб қўйдим қалбда боримни,  
Ишқимни,

шеъримни,

ҳису туйғумни,

Ошиқ қолмас эмиш эл назаридан...  
Бахтлиман — тан олсанг шоирлигимни  
Аҳли шеърятга доирлигимни...  
Ун кун —

Ун саҳифа дил дафтаридан,  
Сенга бағишлайман мисраларимни,  
Боғдан тутганингдай гулу гулдаста.  
Даҳлсиз сақлайман хотираларингни,  
Қалбни асрагандай кўкрак қафасда.

## С У З

«Тошкент ҳақиқати», ўртоқ муҳаррир,  
Утиниб, сўз учун сўраймай минбар!  
Кошки қутловимни сатрма-сатр —  
Нотиқдай айтолсам, ўраб-чирмаб зар...

Бугунги йиғинга, уйғониб саҳар,  
Елкага тўн ташлаб келганман атай.  
Лекин сарпарҳезни бузаман, нетай,  
Бир қултум шаробдан қилолмай ҳазар.  
Бир қултум шароб не? Одам жоними?  
Ё турфа гулларнинг муаттар бўйи?  
Ё қалбнинг армони, ҳаяжоними?  
Ё севги найининг янграган куйи?..  
Бугун тарк этолмай ҳайронман, ҳайрон,  
Бир қултум шаробсиз ўтса бўлмасми?!  
Бир қултум шаробсиз кўнгил тўлмасми?!  
Қуёшни қадаҳдай кўтарса осмон,  
Арш — аъло қонунин таҳқирлаб, бузиб,  
Нега олтин жомни тутмасин инсон,  
Ғалаба маррасин ипагин узиб?!  
Сўз беринг, деҳқонининг бахтидан сўйлай,  
Қўл билан яратган тахтидан сўйлай!

Дала қучоғида кезар тўкин куз,  
Чаккаларда эгиз кўсакдан чечак



Бўз йигит ўзини қилгудай кўз-кўз,  
Ким экан, билмадим, бахтли келинчак.

Ким экан севгиси, ёруғ юлдузи,  
Зангори кеманинг суворийсими?  
Ким экан, кеккайган куёвнинг ўзи,  
Қўриқ заҳматкаши, чўл ворисими?  
Иккиси ҳам ўша она қишлоқдан,  
Иккиси ҳам қувноқ, эркин, соддадил,  
Вафодор, меҳрибон, ўз сўзли, дадил  
Меҳнатда тобланган, ўтган синоқдан.  
Каналдан сув бериб чўлнинг бағрига,  
Симдан нур оқизган азим дарёдай.  
Меҳр ила қўл уриб ернинг қаърига,  
Гавҳар сандиқ очган сирли дунёдай.

Сўз беринг, деҳқоннинг тўйида сўйлай,  
Файзу баракали уйида сўйлай!  
Тўйга ярашади ҳамма нарса ҳам,  
Хурсандликка, майли, қўчқор сўйсанг сўй!  
Байрамдан қишлоқлар яна ҳам кўркам,  
Пахта хирмон-хирмон, суру-суру қўй...  
Боғлардан мўралар ҳусайни, чарос,  
Анорзорга кирсанг, қўша-қўша уз!  
Чаман ичра ёшлик, севги, эҳтирос,  
Баҳордан қолишмас олтин сочли куз.  
Қалбларда жўш урад завқ шалоласи,  
Тоиготарлаб меҳмон кутади қишлоқ.  
Дўстларнинг қўлида бахт пиёласи,  
Байрам шарафига оқ урайлик, оқ!..  
Сўз беринг, даврага кирмасам бўлмас,  
Бир қултум шаробсиз кўнгни ҳеч тўлмас.

## Я Н Г И

Янги йил кечаси қадаҳлар лим-лим,  
Қирғоқдан тошгудай денгиз мисоли.  
Аслида жуш урган май эмас, кўнглим!  
Майда жилоланган севгим жамоли.

Янги йил келтирган тонготар янги,  
Ҳаёт манглайида балқди янги кун;  
Ҳаттоки қуёшнинг етти хил ранги  
Гуё касб этгандай янгича мазмун.

Янгидан туғилди ҳамма нарса ҳам,  
Янгича кўринар яқин-йироқлар.  
Қайта яралгандай қадимий олам,  
Кўкда юлдуз эмас, балки чироқлар...

Кўзларим қувонар атрофга боқсам,  
Ям-яшил кийинган қишлоқлар янги.  
Муҳаббат ўтида қалбимни ёқсам,  
Алпоминш билмаган синоқлар янги.

Атиргул исидан сархушман, холос,  
Май ичиш шарт эмас, фақат баҳона.

Янги асримиёна қалғудай қисс,  
Ҳар янги тонг оташ — янги вишона.

Баҳор куртагидай бўртиб, янги урган  
Фикру ўй, иниятим, сарбахтим янги.  
Зиёзила зарбидан йиқилиб турган  
Тошкентдай азамат пойтахтим янги.

Эшиги ғирч этган уйимиз тугул,  
Ер янги, кўк янги, эфс ҳам янги.  
Қадаҳлар янграган тўйимиз тугул,  
Чол-кампир ўқиган дуо ҳам янги...

Столим устида янги саҳифа,  
Қалбимдан оқадн янги мисралар.  
Қаламим учнда яна бир дафъа  
Янги тонг нуридан янги қирралар.

1966

Кул,  
севгилим, яйраб-уйпаб кул,  
Қувнаб-қувнаб кул,  
Чиройингга қўшилсин чирой!  
Кулги — қалбга сигмас тошқин сой...

Ҳаммага ҳам ярашар кулги,  
Ярашади, айниқса, сенга.  
Ҳар кулгингда бир дунё севги  
Тортиқ этган бўласан менга.

Кул, азизим, офтоб бўлиб кул,  
Эртакдаги моҳтоб бўлиб кул!  
Чарақлаган юлдуз бўлиб кул,  
Кундуз бўлиб кул!

1966

## УЗИНГ ТАНЛАИ..

Денгиз соҳилида турардик икков,  
Сен бир тош устида, мен бошқасида...  
Тонг сувдан кўтариб чиққандай ялов,  
Офтоб жилолмайди тоғ қашқасида.  
Юр десам, юрмадинг, сен қолдинг танҳо,  
Мен мавжлар қўйнида чўмилдим, суздим.  
Тўлқинлар даф қилса толиқдим гоҳо,  
Гоҳо чап бердим, тўлқиндан ўздим.  
Барибир узоққа кетолмадим ҳеч,  
Оҳанрабо тортган темир парчадай.  
Наздимда тонг эмас, сочин ёйди кеч,  
Сенсиз ўтган фурсат худди анчадай...  
Сен сари интилдим, чиқдим қиргоққа,  
Севгингни сир тутиб, турардинг ҳамон.  
Зумрад тошни ўйнаб отдинг йироққа,  
Бир кичик заррадан денгизда тўфон...  
Ажабо! Талай вақт англай олмадим,  
Денгиздами ёки қалбимда бу ҳол.  
Сенга қайси манзур, танлай олмадим,  
Қайси бири ёқар, ўзинг танлаб ол!

1966

## БАЪЗАН

Хислатинг мураккаб! Билмас акаман,  
Табиат қўйнида пайқадим, нетай...  
Кечир, балки парво қилмас акаман,  
Денгизнинг ўзисан, садағанг кетай!  
Баъзан газабланиб, отасан тўлқин,  
Баъзан бир гўдаксан йўргакдагидай.  
Баъзан ўйга чўмиб қоласан сөкин,  
Сирли кўривасан эртақдагидай.  
Баъзан рашкинг қўзғаб, шамол ўйнаса,  
Тошларга бош уриб, қиласан тугён.  
Баъзан севги сени тилсиз қийнаса,  
Дардингни айтолмай бўласан шиҳон.

1966

## ПАХТАКОР ВА ОФТОБ

Эй, офтоб! Коинотнинг элчиси, чароғбони,  
Ҳар кун илҳақ кутамиз, бошингдан сочгудай зар.  
Она ернинг онаси, азизу меҳрибони,  
Тонготарлаб келтирдинг яна қандай хушхабар!

Зарафшон соҳилида ғалаба таронаси,  
Самарқандлик дўстларга чин кўнгилдан ассалом!  
Эй, пахтакор жўралар, мардларнинг мардонаси,  
Сиз ўстирган чаноқдан гўё ясаб олтин жом,

Унга шарбат тўлдирдим ҳосил тўйи тонгида,  
Қутлашга руҳсат этинг, зафарингиз муборак!  
Қўлингиз баланд келди буюк меҳнат жангида,  
Сиз ярата олдингиз жангномадай бир эртак.

Эй, Самарқанд, кашфиёту афсоналар макони,  
Улуғбек маърифатга дарча очган диёрсан.  
Эй, Самарқанд, аллома-ю фозилларнинг армони,  
Кексаликда нуронийсан, ёшликда навбаҳорсан.

Асрлар оша улуғ Навоийнинг нафаси  
Зарафшон бўйларига етиб келса мушарраф,

Жумаибулбул янграган думбиранинг пардаси  
«Самарқанд ушшоги»га жўр бўлса, не ажаб!

Далалар қучоғида олтин куз азиз меҳмон,  
Эрта-индин ижозат сўрамай жўнаб қолар.  
Ҳали пахта мўлу кўл, пайкалда хирмон-хирмон,  
Қор-ёмғир ёғиб қолса, юракка ташвиш солар.

Эй, офтоб! Уз еринга бугун ўзингсан ошмиқ,  
Субҳидамдан кечгача беҳаловат, беқарор...  
Фасли куз ҳам дилрабо санъатингга яраниқ,  
Богларга мўраласанг пишиб ётибди анор:  
Пишиб ётибди ноку нашватилар дур бойлаб.  
Зангори кема пахта даласини ютгудай.  
Колхоз гулчиси ҳамон марра бошида пойлаб,  
Совруни олганларга гулдасталар тутгудай...

1966



Юлдузлар, ёнмасдан туринг бир нафас,  
Севгилим кўзлари кулсагина, бас!  
Сирли нуқталарга суқли боққандай  
Қалбга рашк ўтидан ташламанг гараз,  
Юлдузлар, ёнмасдан туринг бир нафас!

1965

## ШАҲРИМ ЖАМОЛИ

Тошкент жамолига тўймайсан қараб,  
Яшил япроқларда ўйнар олтин нур.  
Шаббода гулларни қучар эркалаб,  
Гўзаллик қалбларга бахш этар ҳузур.

Салқин тонготарлаб чиқсанг кўчага  
Жўш уриб оқади ҳаёт дарёси.  
Навбат бергуси йўқ кундуз кечага,  
Кўзларда чақнайди меҳнат зиёси.

Бахтиёр ёшликни этиб намойиш,  
Йигит-қиз кезади хиёбонларда:  
Тошкент жамолига берар оройиш —  
Меҳнат самараси дастурхонларда...

Биринчи ёв меваси, меҳнат меваси,  
Бари кўнгил тўқи, рўзгор савлати.  
Шаҳарга ярашиқ қишлоқ шеваси,  
Қадоқ қўл инсоннинг мулку давлати.

Бир қафт дон-ла ўйга олам нур кирар,  
Бир бурда нон ила ҳаёт тўқлиги.

Меҳнаткам ўз ризқин киприк-ла терар,  
Қалбида мавж уриб бола шўхлиги...

Кел, дўстим, шаҳримнинг жамолига боқ,  
Қўвларинг қувонсин меҳнат завқидан,  
Юрак тепишига тугиб кўр қулоқ,  
Эртанинг садоси янграшавқида...

1965

## УН ЕТТИ ЕШИНГДА

Бугун

ун еттига тўласан,  
қизим!

Сенга

гул тутади ун етти баҳор.

На сендан,

на мендан сўрамай изи,

Шамол деразангни чертади наҳор.

Тура қол,

жигарим,

тонг сенга маътал!

Қўйлак тўқиб келган қуёш нуридан.

Олтин куз уфуриб бўйи муаттар,

Сенга

жой кўрсатар боғнинг тўридан.

Боққа чиқ,

ранго-ранг барглар поёндоз,

Сочингдан тортқилаб,

қутлайди еллар...

Қушлар муборакбод қилар хушовоз,

Узига чорлайди ёрқин соҳиллар.

Сени

табриклашга қолган ўроқ ой

Исирга бўлай дер қулоқларингга.



Иигит қизни севарди кўпдан,  
Дардини сир сақларди бироқ.  
Кетар олдда ўпди-ю лабдан,  
Кун ботишдай қизарди ёноқ.

Кетар олдда тонмади илож,  
Бардошини оширолмади.  
Ҳислар дарё каби урди мавж,  
Севгисини яширолмади.

1965

Сенга ойни олиб берайми,  
Е дасталаб юлдуз терайми?  
Ажабланма шижоатимга,  
Меҳр нурксанг бас қўш қанотимга,  
Дулдул минган каби учаман,  
Етти қават кўкни қучаман.

Майли, сенча бўлсин бу хаёл,  
Шоирлик деб кулиб қўя қол,  
Аmmo кулма орзуларимга,  
Гўдак янглиғ ёзувларимга...

Қалб амридан чиқмай, азизим,  
Фақат сеидан сўрайман изи,  
Биласан-ку, бахтим қўлингда,  
Умидларим сенинг йўлингда.

Мададкор бўл, қуёшга чорла!  
Элга доврўқ солиб баралла.  
Юксақликка интилсам агар,  
Илк зафардан ўзинг бер хабар.

1965

Қизлар кетди лола тергани,  
Йигитлар ҳам улар кетидан.  
Аён бўлди кўнгил бергани —  
Йигит ўпди қизнинг бетидан.

Лола янглиғ қизарди ёноқ,  
Еноқ каби ёнди уфқ ҳам.  
Қуёш ботма, чароғингни ёқ,  
Ошиқларининг йўлини қил кўркам!

1964



Сен ёшликни тарк этмасанг бас,  
Илк муҳаббат сенга ҳавола.  
Майли борда гул қилсин ҳавас,  
Ҳавас қилсин тоғда шалола.

Қам деганда яша икки бор:  
Икки ёшлик икки қуёшдек.  
Қўзларингга нур берсин такрор,  
Қалбингга ўт ёқсин оташдек.

Сен учун мен ўлимга тайёр  
Мен учун сен яша икки бор.

1964

Иложинг йўқ, тақдир беёмон,  
Хусну жамол мангулик эмас,  
Ишқ йўлида ўткинчи ҳавас,  
Зотан, қочса қалбингдан имон.

Сен мақтанган гўзаллик ўтди,  
Фақат қолди ўзинг билмаган,  
Назарингга ҳатто илмаган —  
Оддий инсон кўнглининг мулки.

1964

## КУПРИК

К. Чугуновга

Соҳилдан соҳилга ўтаркан сайёҳ,  
Оёқ остидаги кўприкка нигоҳ —  
Ташлайди-ю бирдан ўйланиб қолар,  
Хаёл гирдобида айланиб қолар:  
Кўприк бўлмаганда у не қиларди?  
Эҳтимол, оқ елкан олиб еларди,  
Балки қулоч отиб сузиб кетарди,  
Балки тўлқинлардан ўзиб кетарди,  
Балки сув забтига беролмай бардош,  
Ғарқ бўлиб, тошларга урар эди бош...  
Шукурким, бахтига, бор экан кўприк,  
Қиргоқдан қиргоққа ўтиб борар тик.  
Пастда дарё оқар, соҳиллар туташ —  
Дўстликни куйлаган дилларга ўхшаш!

Ҳиндистон сафари ёдимда ҳамон,  
Айниқса, кўприклик қилган таржимон.

1964

## МУҲАББАТ КУЧИ

Агар он турки Шерозий ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

*Ҳофиз Шерозий*

Тобим қочиб қолди Бомбайда,  
Пешонамнинг шўрлигиданми,  
Е севгининг зўрлигиданми,  
Юрагимнинг эгаси қайда?!

Эй севгили Сурайё, сенсиз,  
Босиб ўтдим қанча йўлларни,  
Тоғ-тошларни, дарё-кўлларни,  
Масофалар кўринди сўнгсиз.

Йўллар олис, аммо юраклар  
Тоғдан оққан ирмоқдай туташ,  
Кўзлар эса юлдузга ўхшаш...  
Барқ уради севги, тилаклар.

Тобим қочди соғинч зўридан,  
Ҳаёт сенсиз татимас менга,  
Муҳаббатнинг ҳурмати, сенга —  
Жой берганман қалбим тўридан.

Ёлғизликни билмаганман ҳеч,  
Ёлғизликни сездим Бомбайда,

Юрагимнинг эгаси қайда,  
Хаёлимда ўзинг эрта-кеч...

Сени кўрсам, бир висол учун  
Воз кечардим бутун Бомбайдан,  
Бомбай тугул, нақ Ҳимолойдан!..  
Кўрсатмоқда муҳаббат кучини.

1964

## ҲИНД БОЛАСИГА

Қўрқма, бола, келажак ойдин!..  
Тонг отмоқда, уфқларга боқ!  
Юртинг нафас олади ҳорғин,  
Манзилларда ёнади чироқ.  
Катта йўлда иккиланма ҳеч,  
Олдинга юр, фақат олдинга!  
Эй ҳинд ўғли, зулумотдан кеч,  
Ғафлатни йиқ, интил ойдинга!

1964

## ИНТЕРНАЦИОНАЛ

Асримиз бошида бугунги куннинг  
Сеҳрли шарпаси қоқарди қанот.  
Капитал дунёси кучли тўлқиннинг  
Зарбига чидаммай солар эди дод;  
Марксдан кўрарди қора тақдирин,  
Марксни ўзига гўрков биларди.  
Марксдан яширмоқ бўларди сирин,  
Марксга туну кун ўлим тиларди.  
Дарвоқе, Маркс йўқ!  
Уни қаритган,  
Таққирлаган олам ўзи ташвишда.  
Аммо ўлимни у гўё унутган,  
Қайта туғилгандай ётар оғушда,  
Она ер бағрига босгандай ўғлин...

Лондон қоқ йиғлайди, қуйида боши.  
Темза оқай деса, тополмас йўлин,  
Темзани бўғарди мусибат ёши.  
Хайгет қабристони билмайди, афсус,  
Бадният мезбондай кимни кутади,  
Машъум даҳад оғзи кимни ютади.  
Исёнкор тарихнинг кўзлари маънос...  
Севикли эрка қиз Элеонора ҳам

Умрида бунчалик алам чекмаган.  
Маркс тортган ғамни қилинганда жам,  
Бунчалик зўр ғамки қалам чекмаган...

Дунёда ўлимлар бўлади ҳар кил:  
Биров ўлим билан шуҳрат топади,  
Биров ўлим билан лаънат топади,  
Биров ўлим билан қилади ҳазил...  
Маркс ўлим билан ўйнашгани йўқ,  
Ўлим Маркс билан ўйнашди холос.  
Ўлим даҳшат солиб, қилган билан дўқ,  
Уни мағлуб қилди, барибир, устоз!  
Маркс мангу тирик! Яшайди ҳамон,  
Давру давронларга отахон бўлиб,  
Коммунист инсонга чин виждон бўлиб —  
Десам, адашмайман, қалбдаги имон!  
У бутун жаҳоннинг қиммату қадри,  
У Ленин сўзининг дебоча сатри!

Мен яқин кунларда Лондонга бордим,  
Маркс юрган ерни қилдим зиёрат.  
Ҳамон қовоқ солиб турар мамлакат,  
Совуқ мрамор каби тонглар отарди.  
Қайга қадам қўйсам унинг овози  
Узоқ-узоқлардан эшитилгандай,  
Хатто «у дунё»дан етиб келгандай,  
Мағрур гавдаланар башар устози;  
Мана у «Манифест»нинг сўнгги варағин  
Тўлдириб, ишонч-да қўяркан нуқта,  
Биров қўлга олиб ўтмас ярогин,  
Уни қилмоқ бўлар майиб — гўрсўхта...  
Йўқ, йўқ! Маркс битган муқаддас сўзлар  
Бебош «тахрир»ларни сингдиrolмайди.



Қарич-қарич тиллар, бегона кўзлар  
Метин мисраларни синдирилмайди.

Маркс даҳосига содиқмиз қалбдан,  
Сўнмайди биринчи Интернационал.  
Уша утди қўшиқ тушмайди лабдан.  
Қора қанотини ёвса ҳам ажал.  
Уша қўшиқ билан кучлимиз жангда.  
Уша қўшиқ билан ишимиз йирик.  
Ёв билан яккама-якка ялангда —  
Олишган чоғда ҳам қолурмиз тирик...  
Уққа айланади қалбдаги қўшиқ,  
Найзага айланар қўлдаги қалам.  
Марксни қарнгиб, қариган олам  
Маркс ғоясидан ёшарар қутлуғ!

1964

## ЎҒЛИМГА

Ўғлим, ўхшар эмишсан менга,  
Шундай дейди кўрган-билганлар.  
Ҳеч таажжуб қилмайман бунга,  
Зотан, англар ота бўлганлар.

Сен ўхшамай ким ўхшасин, айт!  
Яралгансан минг бир жонимдан...  
Лол қолганман ҳаяжонимдан,  
Сен туғилиб кўзинг очган пайт.

Дейдиларки, худди ўша кун,  
Кўшилганмиш бўйимга бир бўй,  
Олисларга етакламиш ўй...  
Кўзларингга қарасам мамнун:

Чеҳрангда барқ урар келажак  
Бамисоли ойнаи жаҳон.  
Сен олгансан қалбимдан имон,  
Сен олгансан севгимдан чечак.

Ўғлим, ўхшар эмишсан менга,  
Билки, умид, бахт-иқболимни,

Юзимдаги ҳатто холимни  
Юрагимдан берганман сенга.

Лекин сенга бермайман сира  
Умримда юз берса кўсту кам.  
Кўзларимни ёшлаганда ҳам  
Ўнгаримни қилиб минг пора,  
Уша ғамни бермам, начора!

1963

Баъзан қийналамаи кўнглим ёзолмай,  
Қушлар шевасига қулоқ соламан.  
Гуллар ишвасига қулоқ соламан,  
Қалб хазинасидан олтин қазолмай.  
Шунда мени сўкма, уришма асло,  
Шоирликдан чиқиб қолибсан дея,  
Аксинча севгинг-ла, меҳринг-ла суя,  
Илҳом ташлаб кетса, сен қилгин вафо.  
Баъзан шеър келмаса хафа эмасман:  
Майиб-маймоқ бола кимга ҳам керак?!  
Ҳар гал кўриб уни эзилар юрак!  
Зеро, туғилмаса афсус эмасман.  
Сен буни, азнэм, яхшиликка йўй!  
Шўх илҳом париси қилганда араз,  
Елвориб, бир яхши мисра топсам бас,  
Кунга интилгандай фикрим чўзиб бўй!

1963

## ДИАЛОГ

— Севасанми, йўқми?

Бермайсан жавоб.

Йўқ, десанг, кесилур шафқатсиз тилинг,

Ха, десанг, куяди севгидан дилинг

Иложинг қанчалик, этгил эътироф!

— Соф виждон амридан чиқмайди юрак!

Севгига яраса, ёнгани яхши,

Тил эса ёлғондан тонгани яхши,

Уддалай олмаса, яшаш не керак?

1963

Ғафлат кечасининг қувғиндисиман.  
Безовта, бедорман, кечир, эй кўнгил!  
Ҳаёт ошиғиман — қалб ўғрисиман,  
Шеърят париси туғишган сингил.  
Болалик йилларни эслайман баъзан;  
Ғунча очилишни пойлаганларим,  
Ўзимни учинга шайлаганларим...  
Ўйласам, болалик — шоирлик экан:  
Қуёшни чорлардим кичик хонамга,  
Сигмаса нетайин, иложим борми?!  
Шикоят қилардим баъзан онамга:  
— Бобомдан қолган уй шунчалик торми!  
Адашмай ҳаётнинг йўл-йўриғида,  
Йилларни қувладим, ета олмадим,  
Қуёшни хонамга беркитолмадим,  
Аммо у кўзимнинг қорачиғида!

1963

Йигит ишқи юракда ёнар,  
Севги ўти қуёшдан ҳам зўр.  
Аmmo дардин сир тутар, тонар,  
Инонмасанг, ўзинг келиб кўр.

Эй, моҳрўй, бағри тош бўлма!  
Ширин сўзинг дардига даво.  
Севгидан гунг ошиқдан кулма,  
Қалби булбул,  
қалбида наво...

1963

Дейдиларки, эркем, қалбинг тош эмиш,  
Эримас эмиш у унча-мунчага.  
Балки билмаганлар шундайин дермиш,  
Эҳтимол ўхшайди гулу гунчага...

Гунчани зўрлик-ла ким очибди, айт!  
Нақадар бағри бўш, нозик бўлса ҳам.  
Гунча очилгуси булбул ёнган пайт,  
Иссиқ қучоқ очиб келганда қўклам.

1963



## АЙБИМ ШУКИ...

Кечалари дайдиб, кўчалар кездим,  
Буни сен айбга ҳам санамагил ҳеч.  
Баъзида ўзимни телбадай сездим,  
Айниқса олтин куз, опшоқ ойдин кеч.

Хиёбон учраса, тўхтаб олдим тин,  
Йўлингда кутгандай кўзларим муштоқ.  
Узоқ-узоқлардан келяпгандай сен,  
Шарпангни сезаман, учса бир япроқ.

Хаёлга алдашиб, ўлтираман тек,  
Аммо сендан, жоним, бўлмайди дарак.  
Нечун келмайсан, айт, ё йўлингми берк!  
Шундай бўлса, ойдин ким учун керак!

Севншганлар доим ойдинга илҳақ,  
Ой ҳам ошиқ-маъшуқ йўлини пойлар.  
Ошиқ қадам қўйса, яйрайди ўтлоқ,  
Бағрини очади далалар, сойлар...

Баъзан ёлғиз қолиб бир тол тагида  
Тонгларни оттирсам, шубҳага борма.

Баъзан мудраб кетсам боғ этагида,  
Дарбадар экан, деб кўнгилга олма.

Айблаб, ўзгаларга қилмагил ошкор,  
Фақат илк учрашувда нелар деганим —  
Едингда сақлагил, гар айтсам такрор:  
Айбим шуки, сени чиндан севганим...

1962

Уша куни — сен келган куни  
Емөн әди саломатлигим.  
Аммо қалба севги ёлқини  
Мавж урарди,  
қияматлигим —  
Естиқдошим, азиз Сурайё.  
Шариа сезсам, қулоқ тутардим,  
Уша куни сени кутардим,  
Излагандай дардимга даво...  
Шамол бўлиб урилардинг сен  
Ҳароратим ошган маҳали;  
Офтоб бўлиб кўринардинг сен  
Совуқ терлар жўшган маҳали.  
Уцкам сиқиб, етмаса нафас,  
Ҳаво бўлиб кирардинг таңга.  
Йўтал тутиб, чиқмай қолса сас,  
Мадад бўлиб турардинг манга...  
Уша куни келтирдинг шифо.  
Уша куни олдинг дардимни.  
Аммо ростин айтсам, Сурайё,  
Яна ўзинг ёқдинг қалбимни.

1962

Икки дарахт ўсар ёнма-ён,  
Ялангликнинг бўлиб чиройи.  
Бир терак, бири аргувон,  
Севишганлар каби шайдойи.

Бўм-бўшликда фақат иккиси,  
Дейсиз гўё ошиқу маъшуқ.  
Билмам, қайдан улар севгиси,  
Бир-бирига жуда ярашуқ.

Эл кўзидан нари, хилватда —  
Учрашгандай оловли қалблар.  
Ел ўйнаса кечки соатда,  
Лаблар каби сўйлашур барглар.

Ел ўйнаса, бири бирига  
Эглишар бўса олгудай;  
Қучоқ очиб, сиғмай терига,  
Ачомлашиб мангу қолгудай...

Севги кучли, севгида виқор,  
Хатто терак бўйин эгади.  
Ялангликка сеп ёзиб баҳор,  
Аргувон гул-гунча тугади.

1962

Иўқ! Мени айблама, қалбга ўт ёқма,  
Ҳақ бўлсанг, «ҳа» дердим, иродам стар.  
Ҳеч қачон менга ёт кўз билан боқма,  
Сенсиз бутун умрим ташвишда ўтар.  
Сир эмас, биласан, бахт-иқболимни,  
Юрагимни сенга бериб қўйганман.  
Тақдирим қалитни, истиқболимни,  
Тилагимни сенга бериб қўйганман.  
Бу, ақлу идрокдан на озганимдан,  
На қалбим ортиқча бўлгандан эмас!  
Сени севганимдан, қизганганимдан,  
Уйлайманки, буни ҳеч ким айб демас,  
Сен ҳам айблама!..

1962

Узоқ йўлга чиқдим денгизлар ошиб,  
Болтиқ ортда қолди, Шимол денгизи...  
Денгиз худосининг шўх, ўйноқ қизи  
Ошпоқ кучоқ оғди, тўлғаниб, тошиб...  
Салом, эй тўлқинлар, билмайсиз ором,  
Сизда йўқ беғамлик, сизда йўқ сукут.  
Ер бағирлаб қанот қоққандек бургут  
Юракка соласиз ҳаяжон, илҳом...  
Мен сизни севаман, кумуш тўлқинлар,  
Мен сизни севаман, севаман қалбдан.  
Энг нозик туйғулар учгандек лабдан  
Сизни кўрганимда шисърим учқунлар.

1961

## ТОНГОТАР ОЛДИДА

Денгиздай чайқалар қалбда меҳримиз...  
Йўқ, йўқ, «Эстония» теплоход эмас,  
Бегона элларда уйғотар ҳавас,  
Мисоли бир парча она еримиз.

Ҳали портга етмай, кутиб олади  
Манзил-манзилларда сув парилари.  
Нотаниш ўлканинг ёш-қарилари  
Қадрдон дўстлардай назар солади.

«Эстония» сари шамолдай елган  
Кемалар ошиқи, денгиз элчиси —  
Лоцманга ёр бўлсин қалб севинчиси!  
У бизни қаршилаб биринчи келган...

Бу асрий анъана нақадар гўзал,  
Нақадар дўстона туйгуларга бой.  
Ногоҳ кўкка боқсам, янги ўроқ ой  
Янги уфқларда тонг учун маҳтал.

Тонготар олдида келибмиз, демак,  
Сафаримиз қутлуғ экани аниқ.  
Хозир-чи? Йўлларда юлдузлар ёниқ,  
Йўлчига ҳам юлдуз, ҳам қуёш керак.

1961

## КҮР СКРИПКАЧИ

Ям-яшил хиёбон олдида бир кўр  
Скрипкачини кўриб қолдим мен.  
Санъатда булбулга бўлолгундай жўр,  
Ҳайратда лол бўлиб туриб қолдим мен.

Билмадим, ошиқми, шунчалик қуяр,  
Кўзин кўр қилган ҳам балки шу севги.  
Куй деган мисоли жаладек қуяр,  
Дардининг бормикан давоси, эви...

Ҳеч ким шафқат қилмас шўрлик ҳолига,  
Хонимлар, жаноблар ўтар бепарво.  
Фақат ўзи йиғлар ўз иқболига,  
Ўзи ўз дардига топгудай даво.

Кошкийди йигласа ўзи учун у,  
Алами бунчалик бўлмас эди зўр.  
Швед эли учун чекади қайғу,  
Она юрт дардида икки кўзи кўр.

1961



## ШИМОЛ ЭРКАСИ

Денгизларнинг дағдағасига  
Бардош бериб борардим дадил.  
Стокгольм бўсағасига —  
Яқинлашдим, кўринди соҳил.

Швеция боқарди сокин,  
Шимол қизи, сув париси у.  
Йиртқич тишдек сочарди заҳрин  
Баданига қадалган инжу.

Биринчи кун — биринчи манзил...  
Чет элдаман, ватандан узоқ.  
Йўл-йўлакай қилишиб ҳазил,  
Зерикмадик, дўстлар хушчақчақ...

Аммо бунда оз вақт бўлсам ҳам  
Кўпга ўхшаб кўринди менга.  
Зеб-зийнатга беланган одам  
Чўпга ўхшаб кўринди менга.

Ёш-ёш қизлар мурдадек рангпар,  
Қовоқлари кўкарган, қон йўқ.

Ориқ-туруқ, қилгудай ҳазар,  
Ҳолида ҳол, жонида жон йўқ.

Гўзалларнинг нусхасимиш бу,  
«Тавба» дейсан тутиб ёқангни.  
Бадавлатдай кўринган «сулув»  
Тиши билан олар чақангни...

Англолмайман, нима гап ўзи!  
Кўрганим бу — бойликми, шўрлик!  
Гўё бўри оғзида қўзи,  
Қуюшқондан ташқари зўрлик!

Буюк Петр ҳавас-ла бир вақт  
Боққанини эслайман ногоҳ.  
Швеция, қани ўша бахт?  
Кимлар сенга қазимоқда чоҳ.

Кимлар сенга тилайди оқ йўл,  
Биласанми, азизим буни?  
Халқлар берсин, майли, қўлга-қўл,  
Яллиғлансин кураш учқуни!

Швеция — шимол эркаси,  
Табиатинг баҳордай гўзал.  
Эй, ороллар, тоғлар ўлкаси,  
Эрк учун қўй ўзингга ҳайкал.

## МАЖНУНТОЛ

Мажнунтол кўп экан Копенгагенда,  
Кўлларнинг буйида таъзим-ла турар.  
Хордиқ иштиёқи туғилса сенда,  
Бошингга соябон бўлиб хуш кўрар.

Сен аста борасан мажнунтол сари,  
Икки ёш ногаҳон бўлади пайдо.  
Қувлашиб ўтади қувноқ, сарсари,  
Муҳаббат кўйида қалблари шайдо.

Сен ҳам ёшлигингни эслайсан шунда,  
Ёшликдан ёшликнинг фарқи бор, лекин,  
Бизнинг ёшлик кучи фақат қуюнда,  
Кўкка парвоз қилса, тонг қолар лочин.

Бизнинг илк учрашув, биринчи севги  
Мажнунтол тагида эмас эҳтимол,  
Жангларда ўтгандир, аммо кипригинг  
Кўксимга кўланка солган мажнунтол.

1961

## ШАРПА

Дания устида кезар бир шарпа...  
Биров ишонади, биров ишонмас.  
На бўрон, на тўфон чўчитмас, тавба!  
Енар тогдан ошиб ўтса ҳам ёнмас.

Бу кимнинг шарпаси, нима шарпаси?  
Марҳум Гамлет яна нотинчми гўрда!  
Денгизни тўлқинга солар нафаси,  
Наҳотки, шунчалик зўр бўлса мурда!

Йўқ, йўқ! Бу ўликлар ишимас асло,  
Тириклар қўлида юртнинг тақдири.  
Шаҳзода Гамлетга минг-минг тасанно!  
Тож-тахт ўгрисининг фош бўлди сирри.

Гунг кеча қўйнида янгради овоз,  
Қалъа-ю қасрга етди зилзила.  
Муҳаббат жарчиси солди айҳаннос,  
Эсидан озганда маъсум оқила,  
Гўзал қиз Офелия — севги париси...

Шундан бери ўтди қанча асрлар,  
Қанча сувлар оқди, қанча кўз ёшлар...

Хувиллаб туради кўҳна қасрлар,  
Фисқ-фужурга гувоҳ дсволу тоши.

Дания, ёш Гамлет айтгандай чиндан  
Қоронғи бир зиндон, эркининг қафаси,  
Мен уни яқинда кўрдим яқиндан,  
Ерқин келажакнинг кезар шарпаси!..

1961

## ЛОНДОН

Лондон тошдай қотиб, безрайиб турар,  
Киборлар боқиши сингари совуқ.  
Парламент устида калхат чарх урар —  
Қарам элда кўрса, ҳатто бир товуқ...

Шунчалар очкўзлик лордлар, жаноблар!  
Англия шаънига муносибми бу?!  
Шоҳона саройда заррин кимхоблар,  
Аммо қалбларида йўқ инсоний туйғу.

Лондон деганингда ҳар кимда ҳам зўр —  
Тасаввур яралар кўргунга қадар.  
Тумшайиб турибди, керак бўлса кўр!  
Гўзалликдан унда топмайсан асар.

Харсанглар устига харсанг уйгандай,  
Қалашиб ётибди униққан уйлар.  
Қабрлар устига лавҳа қўйгандай  
Утмишдан ҳар бири ҳикоя сўйлар.

Шаҳарни қоқ кесиб оқади Темза,  
Авлод-авлодларнинг дарди, кўз ёши.

Ишонманг, дарёнинг таги тош деса,  
Исёнкор улуснинг кесилган боши?

Вожаб! Мария, Елизавета —  
Иккиси мисоли опа ва сингил.  
Ёнма-ён ётади гўру лаҳадда,  
Аммо бири шаҳид, бириси қотил...

Қанча қон тўкилди тожу тахт учун!  
Қанча бошлар кетди қасос йўлида.  
Баъзан ўғил олди отанинг ўчин,  
Баъзан ота ўлди ўғил қўлида.

Машҳур Пикадилли оҳанрабодай,  
Ўзига тортади олифталарни,  
Пул билан ўйнаган гўрсўхталарни...  
Гўзал магазинлар боқар зебодай,

Витриналарда ҳарпа муҳайё:  
Ҳаттоки, хотинлар ярим яланғоч.  
Тириклай кетириб қўйилган гўё,  
Ўткинчи беҳаё кўзлар унга оч.

Эй, Лондон, азалий рицарлар ери  
Кекса Бернард Шоунинг азиз тупроғи.  
Шекспир бешиги, Байроннинг эли,  
Қани, қалбингдаги ижод булоғи!

Қоралар яшайди «оқ»лардан бўлак,  
«Оқ»лар эса қора ишлар билан банд.  
Негрнинг уйида тугилган гўдак  
Эҳтимол бўлса ҳам ажойиб талант,

Оқ танли сўтакча қадри йўқ унинг,  
Қадри бўлмагандай файзиёб туннинг!

Афсус, ватанфуруш қочқинлар сенда  
Бошпана топади, нақадар аянч!  
Бадният қиличлар туролмас қинда  
Сен эса уларга илҳомбахш, таянч!

Нега тошдай қотиб турасан жонсиз,  
Сенда на ҳарорат, на эҳтирос бор!  
Қачонгача шундай орзу-армонсиз —  
Яшайсан, худбинлик билан беқарор.

Лондон, тупроғингда кездим жуда кам,  
Эй, гадолар шаҳри, шоҳлар пойтахти.  
Дўстлик қўрғонига ғиштлар қўй сен ҳам  
Ҳозир уруш эмас, тинчликнинг вақти!

1961



## ОСКАР УАЙЛЬД МОНОЛОГИ

Ўз юртимга ўзим сиградим, афсус!  
Қалбим Англияда,  
                        қабрим Парижда...  
Зўрлик зиндонида гуёки маҳбус,  
Ғазабим вулқондай тошди ич-ичдан.

Қадим Россияни куйладим илк бор,  
Қардошлик ҳисларин туйдим юракдан.  
Ўзга диёрларни этдим ихтиёр,  
Ваҳий келгани йўқ аммо фалакдан.

Ақлу заковатим, ишқ-муҳаббатим  
Бургут қанотидай бўлиб кўринди.  
Аммо жаҳолатда ёрқин санъатим  
Кўкка кўтарилмай ерга урилди.

Қўлимда гул эмас, бир қисм тупроқ,  
Бошимда тож эмас, тухмат-маломат.  
Қалбимни қиймалар ҳақорат, қийноқ...  
Наҳотки, шунчалар кучли адоват!

Наҳотки, гўзаллик париси сўнса,  
Наҳотки, саробга алданса кўзлар.

Наҳотки, шаффефга чанг-губор қўнса,  
Наҳотки, дард чекиб, сарғайса юзлар!..

Мен Оскар Уайльдман, қувгинди руҳман,  
Азобни кўрганда қаҳ-қаҳ ураман.  
Ташвиш тортган билан, ўлгудай шўхман,  
Йиғи қайда дейсиз, кулиб тураман.

Самимий қаҳқаҳа, кулги бебаҳо,  
Кулги инсон учун қуёшдек зарур.  
Йиғисиз яшамоқ мумкиндир, аммо  
Кулғисиз ким этар умрин тасаввур.

1961

## МУҚАДДАС ДЕВОР

Бир даста гул қўйдим девор тагига,  
Бу оддий девормас, чиндан муқаддас!  
Юракка энг яқин халқ эртагига,  
Мардлик қиссасига кирган чамбарчас.

Муқаддас аталган жой кўп дунёда:  
Эзгу Магдалина, Сан-Мишель, афсус!  
Нақшбанд лавҳалар ундан зиёда,  
Бириси авлиё, бириси Иус!

Мен гул қўйган девор улар учун ёт,  
Серҳашам, бачкана безакдан холи.  
Бу девор тагида ётганлар ҳаёт,  
Ҳеч қачон ўлмаган каби бахт-толи.

Бу девор тагида ётибди мангу  
Париж Коммунасин байроқдорлари.  
Гўёки уларнинг кўзида уйқу,  
Бошида турибди биродарлари.

1961

Сена дарёсининг салқин бағрига  
Юлдузлар имлайди қисиб кўзини.  
Мен ҳам отланаман оқшом сайрига,  
Ошиқ англагандай севги сўзини.  
Табиат санъати қилади мафтун:  
Дарё сирли оқар, чўзиб тилини  
Ёр бўса олгандек хилватда бир тун  
Икки лабдай ўпар сув соҳилини.  
Тикилиб қоламан: ўнгимми ё туш?  
Рашк ўти куйдирар ошиқ қалбимни.  
Романтик хаёлда тураман хомуш,  
Илҳомга фарқ бўлиб, тишлаб лабимни...  
Оқшомлар кезишни қилмайман канда,  
Баъзан узоқларга кетиб қоламан.  
Париж бульварлари жонга текканда,  
Сенага бораман — ҳордиқ оламан.  
Аммо таъқиб этар айгоқчи кўзлар,  
Исковуч ит каби йўртиб ортимдан.  
Чорраҳа устида учратган кезлар  
Билсам ҳам билмасга оламан зимдан.  
Майли, аҳмоқ бўлиб тура берсин у,  
Мен мисра излайман, у эса тухмат...  
Соядек судралиб юра берсин у,  
Шеърият ҳеч кимдан сўрамас муҳлат.

1961

## ЮЗМА-ЮЗ

Мен Парижда яшаганимда  
Зўр изтироб сездим танимда:  
Фавқулодда қилгандай гуноҳ  
Бир кишига дуч келдим ногоҳ.  
Кимлигини билмадим яхши,  
Сирли эди унинг қараши...  
Русми десам, ўхшамас русга,  
Кўпроқ ўхшар у французга;  
Икки тилда сўзлашар, аммо  
Ким экани менга муаммо...  
Шубҳа билан қарайман унга,  
Боққан каби қоп-қора тунга:  
Англолмайман аввал бир нафас,  
Сўнг пайқайман гапида ғараз.  
Дудинцевни эсга олади,  
Пастернакни сўраб қолади...  
Гоҳ ўзгага буради сўзни,  
Гоҳ анқовга солади ўзни.  
Тилда тотув, лекин дилдан ёв,  
Дипломатик жанг қилдик икков.  
Йосусми, деб, ўйлайман, бироқ  
На чўчийман, на тоқатим тоқ...  
Чунки жосус деганда ҳар вақт

Кўз олдимга келарди аблаҳ,  
Балки таъқиб этиб юргандир,  
Емон ният билан тургандир.  
Шундай бўлса, илк бор куп-кундуз  
Аблаҳ билан турдим юзма-юз.

1961

Атлантук лавҳаси ўйимни  
Бир рассом сингари безади,  
Қалбимдан тошириб куйимни  
Хаёлим уфқида кезади.

Табиат ҳуснига тасанно!  
Қўл билан яралган эмас у.  
Ҳар тошда синганда бир зиё  
Кўзини очади дур-инжу.

Тўлқинлар ёввойи мушукдай  
Сапчийди, кўникдан ёли бор.  
Тўлқинлар тўлқинга ошиқдай  
Қувлашиб ўйнашар, беқарор.

Чайкалар гоҳ сузар океанда  
Кемалар изидан қолмасдан.  
Гоҳ чапак чалгандай осмонда  
Учишар қаноти толмасдан.

Кўнгиллар гўёки ҳалқача,  
Дўстона туйғулар занжирдай.  
Денгиздан тортиб то халққача  
Бариси севгига асирдай.

1961

Оқшом етаклади ғалати хаёл,  
Ўзим ҳам билмайман, қайга йўл олдим.  
Бевақт имлагандай бир соҳибжамол,  
Соҳилга бордим, балога қолдим:  
Денгиз қалқиб, нотинч турарди,  
Тулқин урарди,  
Сени сўрарди.

Денгизга дедимки қилмагил араз,  
Дам бер, узоқ йўлдан толиб келганман.  
Соддадил ошиқман, йўқ менда ғараз,  
Севгимни юракда олиб келганман.  
Денгиз гунгдай сокин турарди,  
Салқин урарди,  
Сени сўрарди.

Кечир, дедим унга, англай олсанг бас,  
Қўшиқ бўлиб ёнган лабида — ўша!  
Уйлайсанки, нега ёнимда эмас,  
Йўқ! Сен-ла сўйлашган қалбимда — ўша!  
Денгиз ҳайрат билан турарди,  
Хаёл сурарди,  
Сени кўрарди.

1961



## ЯЛТА КЕЧАСИ

Минг-минг чироқ ёнади тунда,  
Ялта ялт-ялт ётар олтиндай.  
Нур товланиб ўйнар тўлқинда,  
Сув устини босган ёлқиндай.

Портга келиб тўхтар теплоход,  
Янграб учар салом садоси.  
Элчи қушлар қоқади қанот —  
Сув ошиғи, ҳаёт шайдоси.

Шамол эсар ўйноқи, майин,  
Боғчалардан уфуриб хушбўй,  
Кимдир чалар кўнгилинг найин,  
Ошиқ бўлсанг муҳаббатга жўй!

Мен кезаман денгиз соҳилин,  
Суқим кириб, қарайман сувга:  
Минг-минг чироқ ювар кокилин  
Юрагимни солиб гулувга.

Қошки, турса нур сочин йиғмай,  
Тўлқин бўлиб уни қучардим.

Қувонардим теримга сиғмай,  
Худди қушдай енгил учардим.

Шўхлик қилгим келади ҳамон,  
Болалигим ўтган бўлса ҳам.  
Қаримайди юрак ҳеч қачон,  
Қаримаган сингари олам.

Ялта гўзад кўринар тунда,  
Ялт-ялт этиб ёнган олтиндай.  
Нур товланиб ўйнар тўлқинда,  
Сув устини босган ёлқиндай.

1961

Хаёл алдади-ю, кетдим узоқлаб...  
Ҳаёт алдамаса бўлгани, жоним.  
Севгига мубтало юракни доглаб,  
Бевақт томирларда қуриб дармоним.

Мен нима ёмонлик қилибман унга!  
Йўқ! Ҳаёт алдамас, имоним комил.  
Қалб бардош беролса басдир тўлқинга,  
Тўлқинсиз, ташвишсиз не мурод ҳосил!

Бизни чорламоқда мунаввар қиргоқ,  
Кечувдан ўтамиз, дадил бўл, шайлан!  
Эй юрак, ортгамас, фақат олға боқ,  
Тўлқинга кирганда даргага айлан!

1961

## АЙВАЗОВСКИЙГА

Рассом, бӯёқларни олгансан қайдан,  
Денгизданми ёки камалак-ёйдан!  
Табиат ҳуснига шунча ўчмисан,  
Ёки нафосатда тенгсиз кучмисан?  
Тасвиринг денгизда рашк уйғотади  
Пўртана қўзғатиб тўлқин отади.  
Оқ мрамар кўпиклар қўкка тил чўзар,  
Эҳтимол булутлар денгизда сузар.  
Билолмай қоламан қанча боқсам ҳам,  
Хаёлда денгиздай чексиз оқсам ҳам...

Баъзан борлиқ сокин, гунгдай туради,  
Денгиз ҳам сирли бир тундай туради.  
Сен унга ёқасан ой фонарини,  
Гўё сув айтгандай сенга зорини.  
Санъатинг денгизга ором бахш этар,  
Юрак қатларингдан оқиб, нақш этар.  
Сеҳрли чизиқнинг қудрати шунча,  
Тўфон тургандаги минг-минг тўлқинча!..  
Адашиб кетаман, бўлса хабаринг,  
Қора денгизми ё сенинг асаринг!

1961

Эй сарв! Нега ел ўйнаса ҳам,  
Қимир этмай, лоқайд турасан?  
Нега, сенинг шўхликларинг кам,  
Нега бунча хаёл сурасан?

Бир замонлар шоирлар сенга  
Гўзалларни қиларди қиёс.  
Бу туришинг ёқмайди менга,  
Илҳом сели қўймади шаррос.

Афсус! Сенга мен севгимини,  
Истасам ҳам ўхшатолмайман.  
Сенга очиб ошиқ кўнглимни,  
Ҳасратимни юмшатолмайман.

Менинг ёрим сендай гамгинмас,  
Денгиздай шўх, қушлардай қувноқ.  
Эл олдида юзи шамгинмас,  
Қуёш янглиғ нурафшон, порлоқ.

1961

## МЕН УНИ ТОПМАДИМ

*В. Луговской хотирасига*

Эй, минбар шоири, соҳиби қалам,  
Кечир, тилга олдим денгиз бўйида.  
Чуқур ўйга чўмиб деди бир одам:  
— Уни кўрмадингми Ижод уйида?  
— Йўқ... дедим, инсофсиз, ҳазилингни қўй,  
Марҳумнинг руҳига бермагил озор...  
— Ҳазил эмас, буни яхшиликка жўй.  
Ижод уйида у тунларни бедор  
Ўтказгани, балки эсингда бордир?  
Ҳозир ўша тунлар ҳисобига у  
Ухлайди, уйқуга жуда ҳам зордир...

Дарвоқе, ўлим ҳам мангу бир уйқу!  
Майли, ухлайберсин... баҳслашма кўнги,  
Бориб кўр, мамнунми ётган еридан,  
Литфонддан шикоят қилмайдими ул,  
Ё нотинчми чала қолган шеъридан?..

Денгиз соҳилини тарк этиб,  
юрдим —  
Чехов номидаги Ижод уйига.

Уни мафтун қилган қояни кўрдим,  
Хаёлга гарқ бўлиб, тушдим қуйига.

Шоир йўқ! Мен уни топмадим, аммо  
Қалби қоя ичра мангу қолибди.  
Сўрашга тортиндим, билмам, ажабо!  
Бу гал путёвкани қайга олибди!?

1961

Едингдами ұттан гүзал өз,  
Бирга бұлган әдик Қримда,  
Бу йил эса бир ұзим холос,  
Ҳамнафассан аммо шеъримда.

Ҳатто денгиз йўқлайди, эркам,  
Гоҳ чирмашиб олар буйнимга...  
Йироқлигинг унутдим бир дам,  
Тулқин бўлиб кирдинг қуйнимга.

1961



## ЖАНУБИЙ СОҲИЛДА

Менинг элим, сенинг элинг бўлгандек,  
Сенинг она еринг, менинг ҳам ерим.  
Ўзбекистон қуёш янглиғ кулгандек  
Жанубий соҳилда туради Қрим.

Мен бунда дам олиб эсладим сени,  
Сен юрган, сен турган жойларда бўлдим.  
Табиат гўзали имлади мени,  
Чашмалар бўйида, сойларда бўлдим.

Мен бунда тингладим дўстлик куйларин,  
Украин қўшиғин, рус музикасин.  
Мен бунда ҳис этдим Чехов ўйларин,  
Пушкиннинг ўйноқи қалб лирикасин.

Айпетрига чиқдим, узоқлаб кетдим,  
Боқчасарой йўли — ажиб йўл экан.  
Уша тун ухлолмай, мисралар битдим,  
Илҳом мўл экан...

Кел, дўстлик қўшиғин бирга айтайлик,  
Денгиз долғаларин босиб кетсин у.  
Ҳаётни ҳис-туйғу билан бойтайлик,  
Буюк дўстлигимиз яшасин мангу!

1961

## СЕНСИЗ

Сенсиз ўтди қирқ кеча-кундуз,  
Сенсиз ўтди гўзал, олтин ёз.  
Сени излаб кетгандай юлдуз,  
Кўкка боқсам, кўринарди оз.

Сени излаб кетгандай ел ҳам,  
Юзларимни силамас эди.  
Ёзай десам юрмасди қалам,  
Гўё у ҳам эламас эди.

Яхши ҳамки, севгилим, сен бор,  
Яхши ҳамки, биргамиз ҳар вақт.  
Ёлғизликдан безорман, безор,  
Ёлғиз яшаб, ким кўрибди бахт?!

1961

Мен кутаман тўрт бўлиб кўзим,  
Сен билмайсан, шуниси ёмон.  
Мен кутаман, ёруғ юлдузим,  
Сен келмайсан, балки ҳеч қачон.

Мен севгимни этмайман ошкор,  
Сен билмайсан қалбим сирини.  
Афсус таъна қилгувчилар бор,  
Пайқаб қолса, кўзим қирини.

Майли, таъна тоши тегса ҳам,  
Ҳаммасига бўламан рози,—  
Қуёш бўлиб келсанг субҳидам,  
Нурга тўлса муҳаббат ёзи.

1961

## БАЛИҚ ОВИ

Куёш тұлқинларга ёнбошлаганда  
Балиқ тутганмисиз денгизга бориб?..  
Қайықдан қармоқни нақ ташлаганда  
Худди сув тубига киради ёриб.  
Тұлқинлар товланар, бахмал тұлқинлар  
Шабада эсганда әркалаб, қучиб...  
Баъзан чил-чил синган олмос учқунлар  
Қоялар багрига урилар учиб.  
Эшкакни бұш құйиб икки дўсту ёр  
Қайықдан нарига ташлаймиз қармоқ.  
Омадни мўлжаллаб тураман ҳушёр,  
Юракка ҳаяжон солади синоқ.  
Бир нафас хаёлга чўкиб қоламан,  
Хаёлни оқизиб кетади денгиз.  
Алдамчи тұлқинни сўкиб қолман,  
Овга бериламан, ёндиради ҳис..  
Қармоқни тортаман, лақма балиқлар  
Питирлаб чиқади — қочиб кетгудай;  
Кўзим қувонади, лаққа балиқлар  
Денгизнинг устида нарвоз этгудай...  
Ҳар қандай синовдан ўтиш бир шараф,  
Ҳар қандай ғалаба бахш этар севиш!  
Ростми, дейман овчи дўстимга қараб,  
Эътирозинг йўқми, Сергей Сергеевич?

Эндигина бориб соҳилга  
Уст-бошингни ечиб турган дам,  
Бирдан ҳаво айниса, дилга —  
Оғир бетар экан жуда ҳам.

Ҳамма ёқ сув — ер билан осмон  
Уртасида яна бир денгиз.  
Довдирайсан, бўласан ҳайрон,  
Табиатнинг ҳазили қалтис.

Гоҳ бўласан шундай шарманда,  
Чўмилмасдан қиясан кўйлак.  
Чақмоқ чақиб қилади ханда  
Қаҳ-қаҳ уриб қолар гулдурак!

1961

О, жануб қуёши, сеҳргар қуёш,  
Гар сенга интилсам, мажусий дема,  
Мен атом асридан, ғамимни ема,  
Ўтли жозибанга бераман бардош,  
Бардош берганидек тўлқинга кема.

Денгиз соҳилида оламан ҳордиқ,  
Ўзимни тоблайман аввал нурунгда.  
(Кўрганмисан шундай ишни умрунгда?)  
Сўнгра забт этаман, тақаман ёрлиқ,  
Афсона яратиб сенинг тўғрунгда!

1961

Енгил кийинибсан; ҳали ёз эмас,  
Энди тоғлар ошиб келди илк баҳор.  
Эгингда ҳилпирар гулгун хонатлас,  
Дийдираб кўриндинг, кўзлари хумор!

Ҳечқиси йўқ, жоним, чалгитмасин ғаш,  
Севгига кор қилмас баҳор салқини.  
Сен учун келтирдим бағримда оташ,  
Сўнмаса бўлгани қалбим ёлқини.

1961

Майли, шўхлик қилиб, дарёдай тошгил,  
Кулги, тегажоқлик, назокат билан.  
Майли, кези келса, ҳаддан ҳам ошгил,  
Ҳатто довдиратгил ҳарорат билан.

Аммо ҳазиллашиб севаман дема,  
Рост ганга ўрганиб қолганман, нетай.  
Ҳазилни билмасам, билмабман, нима?!  
Ишонсам, кулмагил, садаганг кетай.

1961



Баҳор ҳарорати олдини эсинг,  
Орқангда ёр туриб, қалбни ёқасан?  
Шунчалик кучлими севгидан ҳирсинг,  
Бевафо кўз билан кимга боқасан?

Баҳорга алданма, у шундай фасл,  
Ҳатто гул, булбулни ташлаб кетади.  
Севгига қилгандай қалтис бир ҳазил,  
Баъзан ошиқ кўзин ёшлаб кетади.

Баҳорга алданма, алданма енгил —  
Ҳису туйғуларга, бари ўткинчи...  
Балки, сен баҳорга тутунган сингил,  
Балки, сен ўзингсан баҳор севинчи.

Майли, гул бўлсанг ҳам, баҳор бўлсанг ҳам,  
Ваъдага вафо қил, кечма қарордан.  
Беҳуда ҳавасга алданма, эркам,  
Узинг ҳам алдама, фарқ қил баҳордан.

1961

Қалбим ором билмас, бахтим сўроқлаб,  
Бир лаҳза мизгимас, мен мизгисам ҳам.  
Беймзо шикоят ёзмас варақлаб,  
Бахиллик қилмайди мириқиб олсам дам.  
Виждон бурчин ўтаб, ким тўкмаса тер,  
Тун бўйи изғийди безовта, бадкор...

Эй, юрак! Бир нафас тинмай урабер,  
Беуйқу кечангга қолмайман қарздор.

1961

## НАРГИС БИЛАН ҚҰҒИРЧОҚ

Дўндиқ қизим, Наргисим,  
Жондан ширин, азизим,  
Уйнар әди қўғирчоқ,  
Кўзлари мунчоқ-мунчоқ,  
Сочи паҳмоқ, жамалак,  
Қоши эса кәмалак.  
Кўйлаги гул-гул шойи,  
Ҳеч кимда йўқ чиройи...  
Қўғирчоғи ўзидай,  
Кўзлари ҳам кўзидай...  
Ухламас әди узоқ,  
Наргис қизим, қақилдоқ,  
Аллаларди ёнбошлаб,  
Силаб-сийпалаб, қашлаб,  
Ухламасди барибир,  
Қўғирчоқ қизи қўғур...  
Кўзлари кетиб сал-пал,  
Ўзи мудраб қоларди,  
Пиш-пиш нафас оларди...

Ухлаб қолди экан ким?  
Мизғир әди Наргисим.

1961

## САРВЛАР ГУЛЛАГАНДА

Сарвлар гуллаганда Қримда бўлдим,  
Нақадар муаттар, нақадар сулув...  
Денгиз тўлқинларин севдим, чўмилдим,  
Қай томон қарамай — мовий, тиниқ сув.  
Қай томон қарамай — кўринар кўҳлик:  
Тўлқинлар юзимга томчи сочдилар,  
Тўлқинлар тўлқинни олиб қочдилар,  
Қай томон қарамай — эркинлик, шўхлик!

Сарвлар гуллаганда Қримда бўлдим,  
Урмонларни кездим, чиқдим тоғларга...  
Яхши дўстлар топдим, ўйнадим, кулдим,  
Ўзимнинг боғимдек кирдим боғларга:  
Олма ҳам пишибди, нашвати нок ҳам...  
Ўқандалак ҳидлари бурқиб ётибди.  
Меҳмон келса, ундан бир-бир тотибди,  
Дардига топгандай бўлибди малҳам.

Сарвлар гуллаганда Қримда бўлдим,  
Денгиз кечасини кузатдим узоқ.  
Умримда билмаган завқ-шавққа тўлдим,  
Қай томон қарамай — минг-минглаб чироқ,  
Қай томон қарамай — нурга ботибди.

Қай томон қарамай — хушнуд, дилрабо,  
Кўз илгамас водий гулга ботибди,  
Тонг қизин эркалаб уйғотар сабо.

Сарвлар гуллаганда Қримда бўлдим,  
Афсона, эртақлар тингладим тунда.  
Нақлу саргузаштга ботдим, кўмилдим,  
Шиддатли жангларни эсладим шунда.  
Ҳар бири бир қисса, бир катта дoston,  
Ҳар бири юракка солади тўлқин.  
Ҳар бири ўзига этади мафтун,  
Ҳар бири тарихга кирган қаҳрамон.

Сарвлар гуллаганда Қримда бўлдим,  
Соҳилларда юрдим, қалбимда гулу.  
Денгизни ютгудай бўлиб тикилдим,  
Ҳамиша ҳамроҳим илҳом, ишқ, туйғу.  
Бу илҳом, бу туйғу тўлқиндан баттар,  
Қора денгиздан ҳам аҳтимол кучлик.  
На кундуз, на кеча беради тинчлик,  
— Ез,— дейди,— азизим, ма, қалам, дафтар!

1961

Одамми,  
одамдан беҳабар одам?!  
Одамлар қалбига кирдим беғараз...  
Бир қалбда минг севинч,  
минг қалбда бир ғам,  
Минг-минг юракларда бир ишқ, бир ҳавас...  
Шодман!  
Миллионларга очиб кенг қучоқ.  
Қўлим  
шу миллионлар туфайли баланд!  
Ажабо!  
Бир қалбга ёқолсам чироқ,  
Минг жуфт кўз нуридан қалбим баҳраманд.

1960

## ЯНГИ ЙИЛ ТУҒИЛДИ

Янги йил туғилди — янги саодат,  
Азизим, қўлингга ол ҳаёт жомин.  
Довонлар ошайлик яна саломат.  
Эларга элтайлик эллар саломин,  
Йилларга элтайлик йиллар саломин...

Янги йил туғилди. Туғилиш, яшаш  
Янги ганмас ушбу эски дунёда.  
Аммо юракларда ёнмаса оташ,  
Утган умрлардан, айтгил, на фойда!

Эски йил яшади — ошин ошади,  
Меҳнат, кураш билан оқарди сочи,  
Лекин эр йигитдай ҳамон жўшади,  
Нуроний бошида галаба тожи.

Орзу-умидларга тўлгандай кўнгил,  
Қадаҳлар шаробга лиммо-лим тўлсин.  
Янги йил туғилди, аммо эски йил  
Кетолмай турибди... саломат бўлсин!

Биз билан озмунча курашдимиз у  
Меҳнат вахтасида гарқ бўлиб терга.

Ёвларнинг қалбига солдик-ку қўрқув,  
Неча бор космосга учдик-ку бирга...

Буюк съездни ҳам бирга ўтказдик,  
Улкан одим қўйдик келажак сари.  
Эркесвар қўлларга машъал тутқаздик,  
Шоҳ сатрларга тўлди умр дафтари...

Дўстим, қўлингга ол ҳаёт жомини,  
Ичайлик қадрдон эски йил учун.  
Тонгларга улайлик йиллар шомини,  
Янги бахт тилайлик янги йил учун!

1960



Наврӯз нафасидан қушлар хушовоз,  
Дарёлар чайқалиб, қирлар яйрайди.  
Аммо ҳасад билан бир эсан аёз  
Синган муз тишини яна қайрайди.

Бир ёнда шум кампир — қиш уадаси:  
Ирkit қор уюми, тўнғиган тупроқ...  
Бир ёнда келинчак — баҳор қаъдаси:  
Момақалди роқ-ла чақади чақмоқ.

Дала-туз товланиб, боғ-бўстон кулиб,  
Кўкламнинг кўксига қадар садаф, дур..  
Қари қиш оқарган сөчини юлиб,  
Кўз ёш-ла жўнайди — ёгади ёмғур.

Олам яшаради қуёш нуридан,  
Хаёт чапмасининг очилиб кўзи.  
Шарафли меҳнатдан, билак зўридан  
Ҳатто қайрилади ернинг мугузи.

1960

Чўққига интилсанг, тармашгил тоққа,  
Тошнинг тиғларига бардош бер олдин.  
Кўккамас, оёғинг турган тупроққа  
Назар сол ва сўнгра ташлагил одим.  
Чўққи жуда баланд, синоқли йўл бор:  
Олис, машаққатли, тик, ўнқир-чўнқир...  
Ўзни синаб кўриб такрор ва такрор,  
Комил ишонч билан чўққи сари юр!

1960

## ЙУЛДА

Йул узунми ё хаёл,  
Ҳал этолмай турдим лол...

Ҳазилакам йул эмас,  
Қичқирса, етмас нафас!  
Қушлар учиб ўтганда,  
Балки толар қаноти,  
Отлар чоғиб кетганда,  
Аён бўлади зоти:  
Тутқич берарми елга  
Ё етарми манзилга?!

Бу йўллардан Искандар,  
Чингиз ҳам ундан баттар,  
Ер титратган Темурланг,  
Қўшин тортган қилиб жанг.  
Бу йўллардан Бобир ҳам  
Олисга қўйган қадам;  
Бу йўллардан беомон —  
Ўтганди Шайбониҳон.  
Бу йўллардан ёв ўтган,  
Гўёки олов ўтган.  
Очилмай сўлиб чаман,

Қовжирамиш ўт-улан...  
Бу йўллардан дўст ўтган,  
Исёнкор улус ўтган.  
Бу йўллар шундоқ йўллар,  
Кўп қадим, узоқ йўллар:  
Шоҳ ҳам ўтган, гадо ҳам,  
Ишқ кўйида адо ҳам...  
Олисга кўз югуртдим,  
Хаёл этагин тутдим.  
Йўл узунми ё хаёл,  
Ҳал этолмай қолдим лол.

Ер бағирлаб лочиндай  
Машинамиз учарди,  
Ортимизда ёлқиндай  
Чангу тўзон кўчарди.  
Фикру уйим чувалди,  
Дилимга тўлқин солди.  
Ўтмишдан йўқдир нишон,  
Эртақдагидай бўстон —  
Қулф уриб кўринарди,  
Кўз олдимда турарди.  
Тикилиб тўймайман ҳеч,  
Чарчамайман эрта-кеч  
Бу йўллардан ўтсам мен...  
Олис-олис кетсам мен...  
Бу йўллар шундоқ йўллар,  
Ранг-баранг қувноқ йўллар:  
Уру қирдан ўтаман,  
Янги ердан ўтаман,  
Мавжланади пахтазор,  
Худди мангу навбаҳор.  
Боглар қолади ортда,  
Тоғлар эса одатда —

Кўрнар туман аро  
Баҳодир йигитнамо.  
Дарё, жардан ўтаман  
Ва шаҳардан ўтаман:  
Мўрилардан бурқсир дуд  
Кўкда кезгандек булут.  
Ҳордиқ оламан шуида,  
Балки қоламан тунда,  
Ошиаларим кўраман,  
Бир оз суҳбат қураман.

Бу йўллар шундоқ йўллар,  
Файзиёб, порлоқ йўллар.

Ширин хаёлга ботиб,  
Ҳис-туйғулар уйғотиб,  
Йўл бошига чиқаман,  
Олисга кўз тикаман,  
Уйланаман яна лол,  
Йўл узунми ё хаёл...

Хаёлниг туби йўқдир,  
Йўлларнинг қутби йўқдир.

1960

*Гарегин Севунцга*

Дўстим, қаламни бер,  
мен давом этай,  
Навбат менга келди, туropolмайман жим.  
Бугун тонг саҳарлаб уйғондим атай.  
Сатрлар қатига беркинсин меҳрим...

Бугун тонготарлаб арман элидан,  
Ширин ватанидан кутаман меҳмон.  
Бу ўлка тушмайди дўстлар тилидан,  
Бу ўлка таърифи битмас бир достон.

Сосунли Довудни эшитмаган ким?  
Фарҳодга қон-қардош, ботир, баҳодир.  
Бизнинг даврада ҳам лафзи ҳалол, чин  
Фарзандлар беҳисоб — ҳар ишга қодир.

Бир арман бўлса, бириси ўзбек...  
Қалбимиз, йўлимиз, борар манзил — бир...  
Сенда ҳам, менда ҳам меҳнат, тенглик, эрк,  
Бойлик — давлатимиз ҳеч кимгамас сир.

**«Оқ олтин» тоғлари, бу тизма тоғлар  
Қолишмас на Чотқол, на Араратдан!  
Кўзни қамаштирган яқин-йироқлар  
Бариси дўстликдан, шонли меҳнатдан.**

1960

## ҚАДАХ

Ерга оёқ боссанг, куйдирар чўгдай,  
Қуёш ҳансирайди чўзиб тилини,  
Дала худди денгиз, қирғоғи йўқдай,  
Бағрига олгандай ўзбек элини...

Биров офтоб излар, биров салқин жой,  
Бировни эркалар чўлининг шамоли.  
Кимга тоғнинг бағри, кимга кумуш сой,  
Деҳқонга маъқули — дала жамоли.

Ҳар туп гўзада у кўрар меҳнатин,  
Шоаларни санаб, бир-бир кузатар.  
Кўсакка саратон гўё ҳимматин —  
Тўлдириб деҳқонга қадаҳ узатар.

1960



## 22 АПРЕЛЬ

22 апрель, тонготар  
Уғлим билан боққа кирдик иккимиз:  
Жамбил, садарайхон қулф уриб ётар,  
Хавас-ла бирнга тегди илкимиз;  
Узиб олай десам, кўз деч қиймади,  
Ташлаб кетай десам, юрак қўймади.  
Туйғулар жанг қилди, босди ҳаяжон,  
Бир шона гул учун шунча тўполон!

Холбуки, боғ ичра гул чаман-чаман,  
Холбуки, боғ ичра жаннатнинг ўзи...  
Уғлим аркаланиб сўради мендан:  
— Нега бунча гўзал бугун наврўзи?  
Нега бунча гул кўп бугун боғчада?  
Нега бунча бугун қушлар сайроқи?  
Нега нур ўйнайди ҳар япроқчада,  
Боғбиннинг дўниси бугун қайтоқи?  
Нега бунча тиниқ осмоннинг юзи?  
Нега бунча бугун шарқирайди сув?  
Кўкда ўчмай қолган кимнинг юлдузи...  
Нега бунча бугун тонготар сулув?  
— Уғлим, бугун Ленини туғилган кундир,  
Тарихга нур йўғрилган кундир.

Шунинг-чуи кинот бугун ўзгача.  
Ҳовлимиздан тортиб дала-тузгача.  
Бугун боғимизда сеп ёзган кўклам,  
Сенга гул узатар қучогу қучоқ.  
Бугун Кремлнинг юлдузлари ҳам  
Ҳар кунгидан яна порлар равшанроқ.  
Бугун Етти йиллик наҳлавонлари  
Ҳар кунгидан яна ишлайди жадал.  
Пахтакор ўзбекнинг қиз-ўғлонлари —  
Тер тўкиб ҳосилга қўяди тамал.  
Бугун баланд учар ернинг йўлдоши,  
Ленини қутлашга эрта турар эл.  
Зафар билан қутлар юрт кекса-ёши,  
Сен ҳам мактабингдан «аъло» олиб кел,  
Уғлим, бугун Ленин туғилган кундир,  
Тарихга нур йўғрилган кундир.

1959

## САФАРБАР САТРАЛАР

Далаларда кеч куз,  
  учқунлайди қор...  
Сафарбар сатрлар яна шайланинг,  
Шошилинг,  
  халоскор кучга айланинг,  
Энг сўнгги кўрақлар сизга интизор.  
Қушдай қанотланинг,  
  нурдай парпиранг,  
Қар кўрақ бошида кундай ярқиранг!

Иситинг юракнинг ҳарорати-ла,  
Чин инсон меҳри-ла,  
  муҳаббати-ла!..

Халқнинг фармони шу  
  қалб фармони шу!  
Майли, билмасак ҳам ҳаловат, уйқу,  
Майли, қор кечсак ҳам,  
  совуқ қотсак ҳам.

Бурдимиз кетмасин!  
  Лафзимиз ҳалол!

Шу долзарб кунларда бўлайлик бардам,  
Даланинг ташвиши келмасин малол!  
Қани,  
  вақт ўтмасин, ҳар кун ганимат,

Чигит чигит эмас, муқаддас меҳнат.  
Меҳнатнинг меваси — нони шириндир  
Ватан осмонидай маъноси кенгдир.  
Эй, юрак!

Меҳрингга чапқоқ гўдакни,  
Онаси — қуёшсиз қолган кўракни  
Шошилиб,

авайлаб ўз бағрингга бос,  
Ҳар қандай офатдан айлагин халос.  
Бир чигит,

бир тола бўлмасин нобуд,  
Чекинсин ёмғир, қор, совуқ ва булут!  
Дарёлар томчидан лим-лим тўлади,  
Граммдан тонналар ҳосил бўлади.  
Сўнги кўракларни териб олайлик,  
Маррага жадаллаб отни солайлик!

Сафарбар сатрлар яна шайланинг,  
Ернинг йўлдошидек кучга айланинг.  
Бугун қор остида кутади кўрак,  
Эртага кутади муҳташам сарой —  
Йиғирма иккинчи катта қурултой,  
Ғалаба ҳақида етказинг дарак.

## БАРАКАЛЛА

Сирдарёнинг нарёғида ерингиз,  
Тожикистон отаи жаннат элигиз.  
Халқ йўлида дўстлик шеърин бошладим,  
Биродарлар жўр бўлайлик, келингиз.  
Шеърингизнинг бўлганидек Мирзоси,  
Пахтанинг ҳам бор экан хўб устоси:  
Ўринхўжа ака деса ким билмас,  
Пойтахтгача бориб етган садоси.  
Кўринган тоғ Ҳисор тоғи эмасми?  
Бир майзани дўстлар бўлиб эмасми?  
Азаматлар ишни қойил қилганда,  
Қон-қардошлар баракалла демасми?  
Куни кеча бўлган эдик сизларда.  
Йиғим-терим авжга чиққан кезларда.  
Сиз эришган ғалабанинг нишонин  
Кўрган эдик кундай ёрқин юзларда.  
Ҳосилингиз мўл бўлибди чиндан ҳам,  
Тожиқ халқи айтганидан эмас кам.  
Сир тутмайман сиздан сира, дўстларим,  
Бугун-эрта бизда ҳам катта байрам.  
Тоглар оша кўрнади бўйингиз,  
Қайроққумдай жўш уради куйингиз.  
Табригимни қабул қилинг, жўралар,  
Қутлуғ бўлсин ғалабангиз, тўйингиз.

1959

## МЕҲНАТ ҚУШИҒИ

Меҳнат! Бу, инсонни қилолган инсон,  
Инсонни тўйдирган,

кийдирган либос.  
Ақлни денгиз этиб, бошини осмон,  
Қалбига солган у севги, эҳтирос.

Бировлар меҳнатсиз ортирар давлат,  
Бировлар меҳнатсиз излайди обрў.  
Чин инсон меҳнат-ла тонади иззат,  
Меҳнат-ла ушалар ҳавас ва орзу.

Кечаги қўриққа кўз юғуртаман:  
Еш-яланг бетиним бугдой қонида.  
Ундан ишчи дўстлар сари йўртаман,  
Олимни кўраман дастгоҳ ёнида.

Пахтазор қўйнида бўламан узоқ,  
Теримга қўшилиб ботаман терга.  
Узимнинг уйимдай туюлар қишлоқ,  
Меҳнат нашъасини тотаман бирга.

Меҳнатсиз ҳаётни демайман ҳаёт!  
Меҳнатсиз, курашсиз тура олмайман.  
Меҳнатсиз ҳаёт у чин инсонга ёт,  
Меҳнат қилмагани кўра олмайман.

1959 \

## ГЕОЛОГ

Қизилқум...

кун иссиқ,  
тўрт томон иссиқ,  
Юрсанг нафас етмас,  
ҳар қадам иссиқ.  
Иссиқдан кўз тинар,  
ер-осмон иссиқ.

Ҳатто эсаётган шамол ҳам иссиқ.  
Бир қултум сув деган анқо уруғи,  
Тупук ташлаш тугул, ютишга етмас.  
Шундай ёқимсиздир саҳро қилиғи,  
Нозу карашмалар бу ерда кетмас!

Хўш, бизнинг геолог не қилди экан?  
Чўпон қизи эмас, на бир саҳройи...  
Балки оёғига кирмаган тпкан,  
Балки ўз уйининг бир эркатойи.

Йўқ,  
йўқ, шундай эмас! Сира тинмаган,  
Туя турганида отга минмаган,  
Қизларнинг сараси, тоғлар лоласи,  
Бахтига ўлмасин туққан онаси!



Мен уни биламан,  
   биласиз сиз ҳам,  
Сочлари бошида чамбарак, ўша!  
Йигитлар ишқида чекарлар алам,  
Ўсмасиз қошлари камалак, ўша!

Мен уни биламан,  
   биласиз сиз ҳам,  
Полвонтош бағридан нефть тонган, ўша!  
Ўқишни битириб, бўлмай хотиржам,  
Ватан чақирганда зуд чопган, ўша!

Мен уни биламан,  
   биласиз сиз ҳам,  
Газ излаб, Газлида юрган ҳам, ўша!  
Қизилқум ерини қатлам ва қатлам  
Китобдай варақлаб қўрган ҳам, ўша!

Геолог —  
   ер тилин билган таржимон!  
Асрларга уни қилгил таржима.  
Қизилқум саҳромас, энди битмас кон,  
Оча бер, етади сенда тажриба.

1959

## МЕНИ ДАВОЛОВЧИ ДОКТОРГА

Қалбим уришига соласан қулоқ,  
Хасталикдан нишон топмайсан бироқ,  
Бунга сен таажжуб қилма, азизим,  
Майли, боисини айтайин ўзим:  
Жигарим эзилиб бўлса ҳам пора,  
Балки тоилмаса бирорта чора,  
Бутун вужудимни қопласа минг дард.  
Ушанда ҳам қалбим тепади жўмард.  
Чунки у ҳарорат, ҳис билан тўлиқ.  
Унда жўш уради муҳаббат, қўшиқ.

1959

Муҳаббат ундайди келажак сари,  
Уйлаб кўр, ишончни оқлоласанми!  
Сен учун, азизим, кўзим гавҳари,  
Гавҳарни гавҳардай сақлоласанми?

Менинг севгим сенга беқиёс, тенгсиз,  
Юрагим тўхтаса, юраксан гўё.  
Демак, яшолмайман бир умр сенсиз,  
Юраксиз яшамоқ мумкинми? Асло!

1959

●

Сени излаб бордим денгизга,  
Сув ҳуснига тикилдим узоқ.  
Завқим тошди, берилдим ҳисга,  
Йўлларимга қўйилди тузоқ.

Мафтун бўлдим, кета олмадим,  
Қумлар кечдим, шўнғидим сувга.  
Тўлқинларга ета олмадим,  
Етолмаган каби сулувга...

Севги йўли, биламан, узун,  
Муродга тез етибди ким ҳам!  
Аммо керак денгиздай тўлқин,  
Денгиздай қалб, денгиздай чидам.

1959

## БОҚЧАСАРОЙ ЧАШМАСИ

Боқчасарой бордим ёдланди ўтмиш —  
Кўз ёши, муҳаббат чашмасин кўриб:  
Ҳамон икки кўздай боқар термилиб,  
Пушкин олиб келган икки гул хомуш...

Мен ундан ўқидим қайғу достонин,  
Ҳайвоний ишратга беланган кўшқни,  
Гарайхонни гаранг қилган бир ишқни,  
Дилора бекачнинг чеккан фиғонин.

Мен ундан ўқидим қалб шеъриятин:  
Асир туширилган уста Умарнинг —  
Қўли гул, кўзи нур кекса меъморнинг  
Яратган ҳайкалин ажиб санъатин.

Нега кўз ёшини тўкмасин мрамор,  
Тош бағирли, малъун хон йиғлаганда,  
Қирқ кеча, қирқ кундуз қон йиғлаганда,  
Нега кўз ёшини тўкмасин мрамор?!

Ҳамон икки кўздай боқар термилиб,  
Пушкин олиб келган икки гул хомуш...  
Эвоҳ! Эсга тушди мунгли ишқ, ўтмиш —  
Сирли Боқчасарой чашмасин кўриб.

1959

Қримда қимиз ичдим,  
Соҳилда қумлар кечдим,  
Кўрфавда тўлқин қучдим,  
Езнинг гўзал бир куни.

Шаббода-ла ўйнашиб,  
Тўлқин қувса, қувлашиб,  
Денгиз билан сўйлашиб,  
Бўлдим ушинг мафтун.

Кечқурун бордим боққа,  
Гуллар урди димоққа,  
Кўз югуртдим тўрт ёққа,  
Йўқлигингни унутиб.

Келмаслигинг билардим,  
Илож йўқ, не қилардим.  
Яхши умид тилардим,  
Йўлларингга кўз тутиб.

Шундай ўтди ҳар оқшом,  
Сўроқлаб келди илҳом.

Согиниб ёздим салом,  
Тўлдириб саҳифалар.

Сарвнинг шохини эгдим,  
Гўё қўлингга тегдим,  
Сени йўқладим, севдим,  
Энг яхши дақиқалар.

1959

## Қ О Я

Соҳилда турар қоя,  
Шоирдай мағрур, ўйчан.  
Денгизга ташлар соя,  
Қуёш тигидай бўйчан.

Соҳилда турар қоя,  
Гўё соҳибжамол қиз,  
Еллар сўйлаб ҳикоя,  
Чумилтиради денгиз.

Соҳилда турар қоя,  
Гўзал русалка янглиғ,  
Уни кўргандим боя,  
Нафосати — минг қўшиқ.

Соҳилда турар қоя,  
(Ботинолмас қароқчи)  
Гўё ёвдан ҳимоя —  
Этиб тургандай соқчи.

Соҳилда турар қоя,  
Дўстлигимиз рамзидай.  
Мисоли буюк ғоя  
Қудратидай, аъмидай.

1959



## ОНА РОССИЯГА

Эй, менинг Россиям,  
Она Россиям,  
Мен ўгай эмасман сенга,  
Меҳрибон!  
Ўз жигарбандингман,  
Ўз фарзандингман,  
Мен совет Шарқидан —  
Бахтли,  
Хур инсон.

Бобом туғилганда  
Қайси бир айём  
Биринчи рус келган  
Ўзбек уйига.  
Юзга кирар эди  
Ўлмаса бобом.  
Рус оғасин чорлаб  
Асрий тўйига.

Дўстлигимиз йпи  
Ниҳоят узун,  
Қардошлик тарихи  
Бир асрга тенг.

Россия,  
Россия,  
Мен сенга мафтун,  
Нақадар буюқдир  
Жозибанг,  
Севгинг.  
Сени деб кезганман  
Урмонларингни,  
Қаҳратон қишинга  
Берганман бардош.  
Ҳимода сезганман  
Армонларингни,  
Йигит-қизларинга  
Бўлганман йўлдош.

Сени деб шиддатли  
Жангга қирганман,  
Энг оғир дамда ҳам  
Қолганман омон.  
Босқинчи ёвларни  
Бийдай қирганман,  
Бурчингни ўташга  
Тайёрман ҳамон.

Россия,  
Эй, улуг она — Ватаним,  
Қай ерда йўқдасанг,  
Шу ерда борман:  
Дастгоҳда ишчиман,  
Далада деҳқон,  
Олимман,  
Чўпонман,  
Кўкда шунқорман...

Қай ерда йўқласанг  
Шу ерда борман,  
«Лаббай» деб  
Онажон, бераман жавоб,  
Бурчингни ўташга  
Доим гайёрман,  
Ҳар қандай мушқулга  
Бероламан тоб,

Чорлайбер,  
Йўллайбер  
Истиқбол сари,  
Манзил — манзилларга  
Еқаман чироқ,  
Буюк Етти йиллик  
Олтин дафтарин  
Шонга тўлдираман  
Варақма-варақ.

Буюк Етти йиллик  
Баҳодирларин —  
Бириман,  
Азизим,  
Ўз фарзандингман,  
Мен совет Шарқидан,  
Ўзбек элидан,  
Эй, она Россия,  
Жигарбандингман.

1958

## ИККИ ОФТОБ ЮЗ

*Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг  
Тошкент конференцияси қатнашчиларига*

Икки буюк қитъа, икки офтоб юз,  
Дўстлар даврасига, қани марҳабо!  
Ҳаҳон гумбазида иккита юлдуз —  
Қадимий Африка, она Осиё.

Мен ҳам осийлик, бахтли ўзбекман,  
Бугун кутмоқдаман шаҳримда меҳмон.  
Эзгу ниятларга қалбдан шерикман,  
Ҳурматим белгиси — тўкин дастурхон.

Қаламқаш қўшинмиз, санъаткорлармиз,  
Орзу-умидимиз денгиздай жўшар.  
Озодлик жарчиси, дўсту ёрлармиз,  
Бирдамлик туйғуси кучга куч қўшар.

Тошкент, азиз Тошкент, жонажон шаҳрим!  
Кўшиқдай янграйсан турли тилларда.  
Хусну жамолнингдан очилар баҳрим,  
Довруғинг юради бутун элларда...

Сенсан, шу кунларда шарқнинг пойтахти,  
Икки қитъа бўлмиш қучоғингга жо.  
Яшнаё берсин халқлар тақдир, бахти,  
Эй, қора Африка, кекса Осиё!

1958

## ЧУПОН БОБО

Қоракўл жилва қилар,  
Товланар кўз тиндириб.  
Чупон хушчақчақ кслар,  
Ўз ишини дўндириб.  
Еруғ тонгдай ёриган  
Совлигининг кўзи ҳам.  
Шу касб билан қариган,  
Аммо ҳали ҳам бардам.  
Аммо ҳали ҳам ёшдай,  
Чақримлаб юради йўл.  
Мушталари худди тошдай,  
Гавронидай чайир қўл.  
Чупон бобо яйловда  
Тугилган, ўсган-унган.  
Меҳри дили ғаровда  
Куй бўлиб учган-қўнган.  
Ҳар қоракўл қўзичоқ,  
Гўёки ўз боласи:  
Кўзалари мунчоқ-мунчоқ,  
Жуни япак толаси...  
Яйловга борсам баъзан  
Учратаман бобони.  
Айтиб беради ўлан

Маст қилиб паст-қиёни.  
Айтиб беради менга  
Бошидан кечганларини.  
Юртма-юрт кўчганларини  
Лаънатлаб мингдан-мингга...  
Бойда ишлаган бир вақт,  
Корни тўймасдан ионга.  
Мана энди кулиб бахт,  
Кирса ҳамки саксонга,  
Еш йигитдай кучи бор,  
Уа иши, ўз бурчи бор.  
Чўнон келади хурсанд  
Суриб даври давронини,  
Дейсиз, кекса бир талант,  
Қўлда меҳнат гаврони.

1958

## ЧЕГАРАДАН УТГАНДА

Чегарадан ўтмаганман,  
Биринчи бор ўтишим,  
Ватанимдан кетмаганман,  
Биринчи бор кетишим.

Ишонмайман ўз кўзимга,  
Чегарага ўхшамас.  
Ишонмайман ўз-ўзимга,  
Чегарага ўхшамас.

Чегара шу бўлса агар,  
Қани, ернинг қиргоғи?  
Чегара шу бўлса агар,  
Қани, гурбат тупроғи?

Кўз олдимда Тисса эмас,  
Гўё солдат камари.  
Кўз олдимда Тисса эмас,  
Дўстлик, тинчлик инлари...

Мен бораман қондош элга,  
Яхши ният дилимда.

Мен бераман жондош элга,  
Дўстлик куйи тилимда.

Чегарада ҳилпирайди  
Совет — Венгер байроги.  
Чегарада парширайди  
Қардошликнинг чароги.

Дахлсиздир икки тупроқ,  
Икки Ватан, икки халқ,  
Нуронийдир икки қирғоқ,  
Икки Ватан, икки халқ.

Тисса оқар, тўлқин урар  
Чегарада, ўртада.  
Соқчи эмас, ишонч турар  
Чегарада, ўртада.

1957



## Б У Д А П Е Ш Т

Карпат ортимдадир,

кўзим олдида —

Гўзал Будапештнинг панорамаси.

Қалбга мовий Дунай завқ-шавқ солди-да!

Қулогим остида янграр нағмаси.

Кўприк устида тураман танҳо,

Узоқ уфқларга ташлайман назар:

Қуёш кўтарилар таратиб зиё,

Ҳумо қуши гўё қанотин ёзар.

Парламент қуббасида ўйнаб қолар нур,

Готик нақшларда товланар бўёқ.

Меҳнат-ла сингиган маҳорат, шуур

Хаёлда ярқ этиб чақади чақмоқ.

Минг йиллик саргузашт бўлур намоён:

Стефан авлиё афсонаси ҳам,

Халқнинг юрагида етилган армон —

Кошут, Петефининг жаиғномаси ҳам.

Ҳайҳот! Биноларнинг деворларида,

Илма-тешик қилган ўқ изин кўрдим.

Қардошлик қабрининг мармарларида  
Совет жангчисининг юлдузин кўрдим.

Будапешт — шиддатли жангларга кириб,  
Ғалаба қовониб чиққан баҳодир.  
Контрреволюция вирусин қириб,  
Тинчликни тиклашга бўлолган қодир.

Будапешт — қадимий, антиқа шаҳар,  
Эрксевар венгерининг оловли қалби,  
Дунай водийсида порлаган гавҳар —  
Кўкда тонг юлдузи чақнаган каби.

1957

## ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИ

Дунай соҳилидан —  
Юксалган мағрур —  
Буда қаршисида  
Кўрдим бир ҳайкал.  
Қуёш ёнганда  
Мисоли машъал,  
Ҳайкалда порлади  
Энг биринчи нур.

Шу нур сўнг акс этди  
Мовий Дунайда,  
Биолар устида,  
Куча-қуйда ҳам,  
Меҳнат қучоғида,  
Ҳар бир уйда ҳам,  
Дала-дашт, баланд-паст,  
Ўрмон, тўқайда.

1957

## ҲАЁТ ҚОНУНИ

Тугруқхонада йиглар чақалоқ,  
Онанинг саломат ёриди кўзи...  
Ота табриклашга келмади бироқ,  
Келмади на гули, на бирор сўзи.

Отани сотқинлар осибди дорга,  
Ҳайҳот! Бахт устига қандай кўргилик?!  
Чеккан дард каммиди онаизорга,  
Нима гуноҳ қилмиш чақалоқ шўрлик?

Уч олган, ўлдирган бўлсалар уни,  
Ёв куйиб ўлсин деб туғилди ўғлон.  
Тугилиш ва яшаш ҳаёт қоиуни,  
Бунни ўзгартолмас ҳеч ким ҳеч қачон.

1957

## ШАНДОР ПЕТЕФИ

Фашистлар ўт қўйди Миллий музейга,  
Ендирди венгернинг нодир бисотин.  
Ваҳшийлар эркинлик бериб ўзига.  
Ўзгартмоқчи бўлди эркинлик отин.  
Шулар эмасиди Рейхстагга ҳам,  
Ўт ёқиб, бўҳтоннинг уругин сочган.  
Россия ерига қўйиб шум қадам,  
Эгинин йўқотиб, нишонсиз қочган!

Бебошлик, ур-йиқит — эркинликмин бу,  
Венгер тупроғида революциямин,  
Петефи ҳайкали тилга кирди-ю,  
Ифвогар қалбига санчиб қолди нини:

— Йўқ,— деди,— бу исён, шантаж, ғалаён,  
Контрреволюциянинг худди ўзидир.  
Озодлик маъноси бу эмас, ёлгон!  
Доллар бандасининг сохта сўзидир...

Вазмин қадам қўйди оташин шоир,  
Шопли Венгриянинг содиқ фарзанди.  
Дунай соҳилини кезиб чиқди бир,  
Янгради жанговар шеърининг банди.

1957

## Ч И Н О Р

Буда этагида кўрдим бир чинор,  
Барги товланарди қумушдек оппоқ.  
Бизнинг Тошкентда ҳам шундай чинор бор,  
Гўёки иккиси эгиз, қўшалоқ.

Дейдиларки, чинор эмиш мустақкам,  
Довул, бўронларга берармиш бардош.  
Салобат билан қад кўтариб кўркам —  
Турармиш бошидан нур сочиб қуёш.

Умри баробармиш филнинг умри-ла,  
Барча дарахтлардан яшармиш узоқ.  
Не ажаб! Халқлар ҳам дўстлик нури-ла  
Йўғрилиб, чинордек тинч ёвса япроқ.

1957

## ВЕНГЕР ДЕНГИЗИ

Балотовни кўрганам бор,  
Соҳилида юрганам бор.  
Кул эмас, у, кўм-кўк денгиз,  
Гуё чексиз осмон дейсиз.  
Венгер халқин қалбидан соф —  
Тиниқ сувдан чиқар офтоб  
Ва шу ерга яна ботар,  
Тонг кетидан тонглар отар.  
Аммо сокин туради у,  
На қушларга солар қўрқув.  
Шу тинчликда эрк, виқор бор,  
Қучоғида яшнар баҳор.

1957

## БЕТХОВЕН

Дейдиларки, буюк бастакор,  
Севган эмиш мадиёр қизин.  
Тонготарлар йиглаб зору зор,  
Кўз ёш билан ювганмиш юзин.

Қиз боқиши зухрога ўхшар,  
Гўзалликда худди ой эмиш.  
Ишқ йўлида гадога ўхшар,  
Лекин руҳан жуда бой эмиш.

Кечалари қизнинг кўйида  
Яратганмиш «Ой сонатасин».  
Ултирганмиш кўлнинг бўйида  
Ечмоқ бўлиб ишқ фалсафасин.

Севмаганда куярмиди у,  
Халқ гамини туярмиди у.

1957



## ГУЛЧАМБАР

Совет жангчисининг қабр тошига  
Хурмат-ла эгилдим бош яланг туриб,  
Гулчамбар қўйдиму унинг бошига,  
Узоқ қотиб қолдим ўй-хаёл суриб.

Қўйганим гул эмас, дўстлик нишони,  
Шунда қондошликнинг кучини тўйдим.  
Янграб эшитилди шуҳрату шони,  
Гул билан гўёки қалбимни қўйдим.

1957

## ДУНАЙ ОҚШОМИ

Мовий Дунай куйларини  
Эшитгандир ҳар ким ҳам...  
Гўзал дарё бўйларини  
Кўрган киши балки кам.

Жуда яхши бўлар экан  
Айниқса оқшом чоғи.  
Одам билан тўлар экан  
Унинг икки қирғоғи.

Дам олади кекса ишчи,  
Дам олади йигит-қиз.  
Қурилишдан келган гиштчи  
Узин эркин этар ҳис.

Галстуғи ҳилпирайди  
Дарёнинг шамолидан.  
Кўзи эса парпирайди  
Кечанинг жамолидан.

Ўтмишини эсласа у  
Ичга тортади қалби.

Кўзни қоплаб тим қоронгу,  
Қалтирайди асаби.

Фашист итдай ҳурар эди  
Гуноҳсизга уриб дуқ.  
Баъзан учиб турар эди  
Ногаҳоний дайди ўқ.

Ҳар қадамда даҳшат, қўрқинч,  
Ҳар қадамда хавф-хатар.  
Энди Дунай оқшоми тинч,  
Тинчлик билан тонг отар.

Уруш, қирғин, тўс-тўполон  
Борса келмасга кетган.  
Мовий Дунай оқар равон,  
Тутқуликни тарк этган.

Бу ерларнинг ҳусни ўзга,  
Дарё оқар, нур оқар.  
Баҳор ели урар юзга,  
Кўшиқ оқар, дур оқар.

1957

## ДУСТЛИК ҚАДАҲИ

Емғирлик кун эди, ҳаво жуда зах...  
Зал илиқ дўстликнинг ҳароратидан.  
Будапештлик ўртоқ кўтарди қадаҳ  
Венгер — Совет дўстлиги жамиятида.  
Деди:— Бу учрашув тасодиф эмас,  
Жангларда қуролдош бўлдик иккимиз.  
Тинчлик йилларида яна ҳамнафас,  
Янги галабалар меҳнат кўркимиз.  
Тинчлик, бахт-саодат тонги отмоқда,  
Дунай водийсига дўстим, назар сол!  
Ҳар тонг бир хушхабар қанот қоқмоқда,  
Опоқ тонг сингари ёрқин истиқбол.  
Озод Венгрия тупрогига боқ!  
Уруш азобларин кўришинг аён...  
Кеча оёқ ости этилган қишлоқ  
Тинчлик номи билан бугун гулистон.  
Бутун жаҳон аро кўз ташла, дўстим,  
Бутун жаҳон аро икки жаҳон бор:  
Бири уруш истар, бириси тинчлик,  
Москва тинчликка улуғ байроқдор.  
Дўстлик қадаҳини қўлга ол, дўстим,  
Бирга сипқорайлик меҳр офтобинин,  
Сен билан нақадар хушчақчақ кўнглим,  
Тўлдириб ичайлик бахт шаробини.

## ДАРЕДА БИР ТУН

«Мовий Дунай» пароходи  
Сузиб кетди йироққа.  
Сувнинг салқин хушбўй ҳиди  
Уриларди димоққа.

Палубада ўйландиму,  
Тикилдим бир юлдузга.  
Ярқ этиб кетди ёғду,  
Тушган каби кўз кўзга.

Балки шу пайт севгилим ҳам  
Шу юлдузга боққандир.  
Кипригига қўниб шабнам,  
Кўнглини ўтда ёққандир.

Тўлқинланди, роҳатланди  
Согинган қалб шу оқшом.  
Оқ қуш янглиг қанотланди,  
Жўш уриб кетди илҳом.

Мисраларни тиздим шу чоқ  
Хаёлимда, дилимда.  
Узимни ҳис этдим узоқ —  
Уз уйимда, элимда.

1957

## ТОКАЙ

Ичганмисиз «Токай» виносин!  
Виноларнинг гули экан у.  
Кўрганмисиз шароб шифосин,  
Умар Хайём айтгандек дору.

Кўз олдимда Токай водийси,  
Поёни йўқ узумзор боғлар.  
Кўз олдимда ҳаёт кулкиси,  
Чапак чалиб турган япроқлар.

Машинамиз учиб борарди,  
Мўжалимиз уфқнинг таги.  
Йўл-йўлакай дўстлар чорларди,  
Кооператив — бу ер этаги.

Машинадан тушдим бир нафас,  
Қириб бордим ям-яшил боққа.  
Унда тоқлар ишком-ишкоммас,  
Ёнбошлашиб ётар тупроққа.

Бир бош узум келтирди боғбон,  
Ўзбекларга ўхшаб кетди у.  
— «Токай» сорти,— деди,— бу, меҳмон!  
Лабларида дўстона кулгу.

1957

## ИУДА<sup>1</sup>

Иуда Исони ўлган сингари,  
Сотқин ўз юртига хиёнат қилди.  
Долларга сотилди, келди халқ қаҳри,  
Озод Венгрияга жинойт қилди.

Биров ўз лафзини, биров қизини,  
Биров бағридаги гўзал хотинини,  
Биров виждонини, биров ўзини,  
Биров ватанини сотаркан, сотқин!

Лекин гапиради кўксига уриб,  
Ўлгидай қизил сўз, жуда доғули.  
Оқни қора дейди, бир нафас туриб,  
Онтдан ҳам тоймайди, тили оғули.

Шамол келган ёққа бурилар, гўё —  
Аэродромдаги пуфакка ўхшаб.  
Хушомад, мақтовдан гангиди гоҳ,  
Гоҳо шаттаки еб қолади қақшаб.

<sup>1</sup> Иуда — ревоютларга кўла. Исонинг шогирди бўла туриб, уша хиёнат қилган. Шундан кейин Иуда сўзи сотқин маъносига қўлланила бошлаган (автор).

Сотқин панд беради ҳамма ерда ҳам,  
Бир ўзи мишларни ўтга солади.  
Лекин ел совуриб, топади барҳам,  
Фақат ундан ёмон бир от қолади —

Сотқин!  
Иудадек бадном ва олчоқ —  
Сотқин ўз халқига хиёнат қилди.  
Душманга топириб енг ичра яроғ,  
Ватани олдида жиноят қилди.

Шу куни қутурди тескаричилар,  
Аммо хуружларнинг бўлмади нафи,  
Ғалабани сақлаб қолди ишчилар,  
Сотқиндан содиқ кўп,  
мустаҳкам сафи!

1957



## ҚҰШИҚ

Мовий Дунай қирғоқларида  
Эрк баҳори, ҳаёт баҳори.  
Янги авлод дудоқларида  
Бахт-саодат, тинчлик шиори.

Ел эсади, сайрайди қушлар,  
Юракларда тўлқин урар ишқ,  
Дунай оқар, гўё олқишлар,  
Тикиламан, куйлайман қўшиқ:

«Широка страна моя родная,  
Много в ней лесов, полей и рек...»  
Қўшиғимга жўр бўлар Дунай,  
Куйламасдан туролмайман тек.

Қўшиғимга жўр бўлар ёшлар,  
Бизнинг қўшиқ, куйимиз бирдир.  
Қўшиқ бизни зафарга бошлар,  
Муддаомиз, ўйимиз бирдир.

1957

## МОСКВА — БУДАПЕШТ

Севиқан Москва —  
Она шаҳримиз,  
Дунай бўйларидан йўллайман салом:  
Сен билан очилган, кулган бахтимиз,  
Сен билан жуш урар энг кучли илҳом.  
Сенинг номинг билан яшнайти боғлар,  
Биёбон ўрида пахта даласи,  
Сенинг номинг билан ёнар чироқлар  
Колхоз қишлоғида оқшом палласи.  
Буюк келажакнинг нишоотлари  
Сенинг номинг билан кўтармоқда қад..  
Москва — Будапешт  
Бир-бирига эш,  
Ҳамоҳанг эшитилар,  
Юракдан пайванд.

Москва бахтимсан,  
Йўлчи юлдузим,  
Оводлик нурига тўлиқ пойтахт,  
Сен борки,  
Кўзларим кўрар ер юзини,  
Шаҳарлар онаси — улуғ пойтахт!  
Сендан ўз бахтини топади инсон,

Москва — Будапешт, Москва — София  
Москва — Берлин,  
Бир-бирига эш,  
Қўшиқдай янграйди

Москва — жаҳон.

Бизнинг сафларимиз шиддаткор, кучли,  
Босқинчи ёвларни этамиз тор-мор.

Москва — галаба,

Москва — тинчлик,

Тинчлик-чун курашда шонли байроқдор.

Сен билан очилган,

кулган бахтимиз,

Сен билан жўш урар энг кучли илҳом.

Севикли Москва —

Она шаҳримиз,

Дунай бўйларидан йўллайман салом!

1957

## ШЕЪР ҲАҚИДА

Узоқ ўлтирдиму, бир сўз ёзмадим.  
Ёзсам ҳам барибир тўлмасди кўнги.  
Ижод столида тонг отқизмадим,  
Зерикдим, бир кеча туюлди бир йил.

Шу кеча келмади сел каби илҳом,  
Чашмадек жуш уриб, тошмади юрак.  
Мисралар кўринди нурсиз, рангсиз, хом.  
Шеър учуи ҳарорат, ҳаяжон керак.

1957

«Мен севмасам, севармидинг сен?»  
Дея ҳазил қилдинг, Сурайё.  
Севмасанг ҳам, севар эдим мен,  
Муродимга етмасдан аммо...

Бахт шундаки, шодмиз иккимиз,  
Ташвишни ҳам тортамиз бирга.  
Ана шундай катта севгимиз —  
Сигмайди бир олам шеърга.

Ўз-ўзимдан сўрайман секин:  
Шундай севги борми эртақда?  
Таажжубда қоламан, лскин  
Жуш урар у муштдай юракда.

1957

Таажжуб қиламан, ўйланиб баъзан,  
Нега орзуларим бунча беқарор:  
Ахир болаликда, гўдакликда ман  
Тезроқ улғайишга эдим интизор...

Мана, йиллар ўтди, сочларимда оқ,  
Юздаги ажиндир кулгичлар эмас.  
Ёшим қирққа бориб қолганда, бироқ  
Энди болаликни қиламан ҳавас.

1957

## ДУБУЛТИ

Ҳар жойнинг ўз фазилати бор,  
Ҳар жойнинг ўз кўрки, одати.  
Дубултида ёққанида қор —  
Дейсиз худди жоннинг роҳати.

Қиш кўринар эртак мисоли,  
Тўнгиб ётар Болтиқда тўлқин.  
Юзин ялаб ўтар шамоли,  
Денгиз тип-тинч, ўрмонда шовқин.

Ерлар опшоқ, осмон зангори  
Кўнгил қушдай ҳис ётар ўзин.  
Гўзал эмиш қишдан баҳори,  
Кун Болтиқда ювармиш юзин.

1957

Болтиқ ёқасига бордим тонготар,  
Кечаги пўртана, тўлқинлар қани?  
Денгиз устин оппоқ муз қоплаб ётар,  
Тўлқинлардан сўрай olmadим сани.

Ваъдага келмадинг, билмадим нечун?  
Сен келсанг, музлар ҳам эриб кетарди.  
Сени кўриб денгиз отарди тўлқин,  
Бутун борлиқ тилга кириб кетарди.

Менинг назаримда сендан кучли йўқ,  
Сендан ҳароратли, сендан гўзалроқ...

1957



## Ю Л Д У З

Юлдуз, жилва қилардинг тунда,  
Кўриб қолдим негаҳон кундуз.  
Кўзим ёнди, юрак тўлқинда,  
Тилим эса тополмади сўз:  
Юлдузмисан, нима гап ўзи,  
Нега ерда бўлдинг намоен!  
Севгилимнинг қуралай кўзи —  
Эканингга қилмайман гумон.

1957

## КУЧАТ ВА ОРЗУ

Утган йили эккан кўчатим  
Шамалағдай гуллабди бу йил,  
Эрта-индин оламан ҳосил,  
Зое кетмас қилган меҳнатим.

Юксакликка интиларкан у,  
Буй чўзибди, йўғон тортибди,  
Баҳор келиб куртак бўртибди,  
Худди кўчат қалбдаги орзу.

1956

## КАНИКУЛНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Қорасоч, ҳой Қорасоч,  
Тонг отди, кўзингни оч,  
Ётогинг нурга тўлди,  
Мақтаб борар вақт бўлди,  
Уйғон қизим, тура қол,  
Теваракка назар сол,  
Боғингда кезар кўклам,  
Одатдагидан кўркам,  
Ким билсин, у аҳтимол  
Сени излар, тура қол.

Қизим сапчиб уйғонди,  
Кўзларида ўт ёнди,  
Шошиб-пишиб ювниди,  
Бир нафасда кийинди.  
Нонушта қилдик бирга,  
Кўп ўтмай ботдим терга.  
Иссиқ чойдан эмас бу,  
Бўлиб ўтди бир кулгу,  
Эсимга тушди бирдан:  
Бугун каникул экан...

1956

## ИСТИҚБОЛ

Ленин майдонида парад, намойиш,  
Уғлимни етаклаб борардим мен ҳам.  
Тонгетар ўзига бериб оройиш,  
Байрам либосида кўрениди кўркам.

Одам кўп, жуда кўп... ўғлимни шунда  
Баландроқ кўтардим, елкамга олдим.  
Халқ оқиб ўтарди буюк тўлақнида,  
Узоқ тикилганча тек туриб қолдим.

— Балки толгандирсиз, берайини ёрдам?—  
Деди шу пайт биров, учди хаёлим:  
— Шунини кўтармаса не қилди елкам,—  
Дедим,— бу ҳам ўғлим, ҳам истиқболим.

1956

Қўриқдаги боғимга боқ, жонгинам,  
Гулзоримдан гул узиб тақ, жонгинам,  
Сенга меҳру муҳаббатим дунёча,  
Майли, келиб кўнглимни ёқ, жонгинам.

Тонгетарлаб қуёш билан турайлик,  
Қўшиқ куйлаб, бег оралаб юрайлик,  
Сувнинг чўлда сқинини келиб кўр,  
Янги ерда давру даврон сурайлик.

Оқ каптарлар учиб ўтсин осмондан,  
Илгит-қизлар келаверсин ҳар ёндан,  
Кўп ичидан сени таниб оламан,  
Ахир, сени севаман-ку жон-жондан.

1956

## ТЕЗУ ТОЗА ТЕР

Далада кўринган тошқин сой эмас,  
Кўкда ярқираган тўли ой эмас,  
Минг-минг чаиоқдаги пахта жилваси,  
Тунни ёритган ҳам ўшанинг акси,  
Ўшанинг севгиси қулоғингга дер:  
Тезу тоза тер!

Кузак шаббодаси эсиб ўтади,  
Эгат ичларида сени кутади,  
Тонготар уйқусин тарк эт, азизим,  
Майли, сўрмасанг ҳам ҳеч кимдан изи,  
Кечаги ваъдага — пахтазорга кел,  
Тезу тоза тер!

Борлиқ кузатади, тилайди оқ йўл,  
Теримчи қизларнинг мақтовлиси бўл,  
Қўлу этагингга илашмасин хас,  
Кўрганнинг қалбида жўш урсин ҳавас,  
Кўнглингни ҳам ёрга, ҳам теримга бер,  
Тезу тоза тер!

Қуёш чиққунгача, бир-икки марта —  
Хирмонга элтиб, тўкарсан пахта.

Нурда товланади ипак толалар,  
Марварид мисоли шудринг доналар,  
Мулу кул пахтадан оппоқ ҳамма ер,  
Тезу тоза тер!

Уфқ четларида парпирар шуъла,  
Дала қучоғида янграр ашула,  
Басма-бас теришар бир тўп йигит-қиз,  
Эгатлар оралаб ким ўзарга, тез,  
Сен ҳам илғорларнинг қаторига кир,  
Тезу тоза тер!

1956

Даламизда қовун мўл,  
Тилми тилни ёрар,  
Палагига тегмай қўл,  
Бирдан дум бериб қолар.

Дехқон ишни эшибди,  
Қовун бўлибди қантдак,  
Етилибди, пишибди,  
Уйнайсизми, ширинак?

1956



Дўстим,

сенга тутдим дўстлик жомини,  
Қоғозга тўкнаган қалб илҳомини,  
Тилдан тилга кўчган эл саломини —  
Қабул эт, гулдай.

Совет Ватанида жуда бахтлимиз,  
Овод ва ҳуқуқли ўзбек халқимиз.  
Дўстлик удумини сақлаш аҳдимиз —  
Буюк Ҳимолёй...

Яхши қўшнилармиз, яшаймиз тотув,  
Тинчликни ҳимоя қиламиз мангу,  
Халқлар юрагида жўш урар орау,  
Янграр қўшиқдай.

1956

## ЮРАК СУЗИ

Тинчликни куйлайман,  
Тинчлик — қалб сўзи!

Шоир бўлганлигим туфайли эмас.  
Инсоний бурчим бу! Чин инсон ўзи  
Ўз бурчин,

Ўз бахтин билар муқаддас.  
Ватан мени шундай тарбия этган,  
Жонажон Партия ўргатган шундай.  
Қўзимга истиқбол нурин беркитган,  
Коммунизм ёрқин кўринар кундай.  
Тинч меҳнат бағрида оламан нафас,  
Меҳнат билан тенар инсоннинг қалби.  
Истайман — ҳар сатрим янграгилса сас,  
Душмanning кўксига теккан ўқ каби.

Сафларда бораман,  
сафлар мустаҳкам —

Дўстона боради жаҳон халқлари.  
Тинчлик армияси қўяди қадам  
Буюк салобат-ла, ғалаба сари.  
Уруш оловини ёқувчи мистер,  
Асабий қўл қўйса уруш аҳдига,  
Мана биз, бутун халқ имзо чекиб, дер:  
— Ҳеч ким чанг сололмас халқлар бахтига!

1955

## БАХТ ҲАҚИДА

Бахтиёрман дейман,  
Бахт нима ўзи?  
Онадан туғилиб, яшаб, ўлишми?  
Эл олдида қора бўлса ҳам юзи,  
Молу мулк орттириш, пулдор бўлишми?

Йўқ!  
Инсон юраги буни бахт демас,  
Бутунлай бошқадир бахтнинг маъноси.  
Қурт-қумурсқа ҳам олади нафас,  
Лекин бахт ҳақида борми даъвоси?!

Мен озод, ҳуқуқли инсонман, инсон!  
Тақдирим халқ билан боғлиқ чамбарчас.  
Ҳар қанча бахтиёр бўлсам ҳам, лекин  
Курашсиз, меҳнатсиз бахт керак эмас!

1955

## НАМАНГАН БОҒЛАРИ

Хоки анжир пишган кезлари кўрдим,  
Наманган боғида товланарди ёз,  
Хушбўй ҳандалакнинг лабидан сўрдим,  
Шириналигин болга этгудай қилс.

Йироқлар юзини ювганда шабнам,  
Боғлар қасб этади ўзга бир чирой.  
Тикилиб тўймайман, нақадар кўркам,  
Нақадар хилма-хил меваларга бой.

Баъзида ўтардим боғлардан боққа,  
Қизариб боқарди уятчан гилос,  
Баъзан кетиб қолсам анча йироққа,  
Сув бўйларида дам олардим өз-моз...

Кун кеча қаҳрамон бўлган келинчак  
Дўстидан олганда табрик хатини,  
Ўзини ҳис этди боғдаги чечак,  
Сўйлагандай бўлиб саодатини.

Севинчдан гул терди қучоқ ва қучоқ,  
Совға учун узди олма-ю узум.

Мен ҳам бориб қолдим унга яқинроқ,  
Ялт этган кўзлар-ла учрашди кўзим.

Хаёл денгизига чўкдим бир мафас,  
Инсон меҳнатини қилдим тасаввур!  
Ишчи станокда тўқийди атлас,  
Шоир ёзган шеърин завқ билан ўқир.

Пахтакор мўл ҳосил олиш ғамиди,  
Боғбон кўчат экиб яшнатади боғ —  
Совет кишинининг ҳар қадамида  
Боққа айланмоқда жонажон тупроқ.

Меҳнатдан сўнг бунда, оқшом чоғлари  
Қадрдон ошналар олади ҳордиқ.  
Наманган боғлари — инқ булоқлари  
Қалбим мафтун этар мисоли қўшиқ.

1954

## ДАЛАЛАР, ДАЛАЛАР...

Далалар, бепоен яшил далалар,  
Ер-суви, ҳавоси асл далалар  
Меҳрибон онадай иссиқ қучоғи,  
Эгиз фарзандларин йўқдир саноғи!  
Кўсақлар мушту мушт ҳар туп ғўзада —  
Жавоҳир тошлардай олтин кўзада,  
Мисоли дурларни уйиб қўйгандай,  
Бир ерга нурларни йиғиб қўйгандай...  
Эртага очилар кўзанинг огзи,  
Кошки, мўл ҳосилдан эл бўлса рози!  
Ушанда қувончга сиғмайди юрак,  
Ушанда амалга ошади тилак.  
Кўкка кўтарилар зафар садоси,  
Хирмонда акс этар юрт муддаоси...  
Пахта — ризқ-рўзимиз, ота касбимиз,  
У билан чамбарчас расми-русмимиз.  
Келин-келиндяклар сепи пахтадан,  
Дўстлик, қон-қардошлик ипи пахтадан.  
Пахта далаларда, чўлу саҳрода,  
Юлдуздай ярқирар ҳатто фазода.  
Дехқоннинг кийгани ўша пахтадан,  
Ишчининг егани ўша пахтадан,  
Пахтадан бошланар олим каломни,

Пахтадай барқ урар шоир илҳоми.  
Пахта халқимизнинг миллий ғурури,  
Кўз нури, қалб сўзи, кўнгил сурури...  
Пахтадан яшнайди ўзбекнинг боғи,  
Пахтадан Кремль тинчлик байроғи...

1954

## СИБИРГА МАКТУБ

Келажак ҳаётга умид уйғотган  
Пушкин мисраларин эсланг, дўстларим,  
Мағрур овозлари элни чулғаган  
Шеърларин ўқийман, тўймас кўзларим.  
Уни қўлга олсам, мафтун бўлиб,  
Санъатнинг қадрига яна етаман.  
Уни қўлга олсам, газабга тўлиб,  
Сибирь ўтмишини эслаб кетаман.  
Ўтмишда Сибирни ким тилга олса,  
Кўз олдига келар мудҳиш бир макон,  
Мана, энди унга ким назар солса,  
Қалбига сиғмайди севинчи, ҳаяжон...  
Сибирия — бепосён, бадавлат ўлка,  
Жавҳар сандиғини очса беҳисоб,  
Энди қора булут соломмас қўлка,  
Бахт ўзи чарақлаб порлаган офтоб...  
Йигит-қизларимиз очар янги ер,  
Меҳнат дарёсида отади қулоч,  
Манглайда марварид доналардек тер,  
У жар табнатга кийдирар гултож.  
Йигит-қиз ишлайди, ишлайди ёшлар,  
Ишлайди бульдозер, трактор кучи,  
Ҳаловат билмайди қавм-қариндошлар —



Очилган қўриқнинг кўринмас учи...  
Кун кеча хат келиб, ўртоқлар, сиздан,  
Мирзачўл даштида ўтди қўлма-қўл.  
Жавоб ёзини учун тўпландик тездан,  
Пахтамиз сингари саломимиз мўл.  
Узоқ Сибириядан Мирзачўлга  
«Шоҳи сўзана»да қолмайди ямоқ,  
Фикру ҳаслимиз шу кундуз-кеча —  
Биёбон ўрнида яширатиш гулбоғ.  
Маана, ўтган йили очилган ерга —  
Эккан пахтамизнинг ҳосилини кўринг!  
Сельхоз виставкадан машҳурдир элга,  
Бир чигит устида қанча баҳс, гурунг,  
Бир чигит устида ишлайди олим,  
Бир тала устида қотиради бош.  
Уйлайди: қай хилда ўзгарар иқлим,  
Қандай қилса унга бўйсунар қуёш.  
Фабрика қизлари кутади карвоң,  
Оқ олтин карвони жўнайди кузда.  
Киши ёқа ушлаб қолади ҳайрон:  
Наҳот, пахта битса қўриқда, бўзда!..  
Мирзачўл ерлари бугун ўзгача,  
Бугун ўзгачадир кечаги саҳро,  
Пахта даласида то кеч кузгача  
Ҳосил хирмонлари дунё ва дунё!  
Буида инсон нафас олади озод,  
Томирда кезар қон, қалбларда гурур,  
Узоқ-узоқларда қайнайди ҳаёт,  
Улканликда осмон, тиниқликда нур.  
Она-Ватанимиз фазилатга бой,  
Таърифи, шухрати фазодек чексиз,  
Гўзал баҳор унга мангу бир чирой,  
Қудрати мавж уриб турган зўр денгиз.  
Тинчлик солдатининг өзгу меҳнати

Ёрқин келажакни этади таъмин!  
Улуғ партиямизнинг меҳр-муҳаббати,  
Ақли расолиги зафарга амин!

Мирзачўл, Марказий Фаргона тезда  
Шоҳи сўзанага айланар тамом.  
Қураш ўти ёнар қалбларимида,  
Сизга, шу курашчи дўстлардан салом!

1954

## КУЗАТИШ

Кузатиб қўйганман дўстларни йўлга,  
Ўзим ҳам чиққанман сафарга кўп бор.  
Лекин ололмаган қалбимни қўлга  
Бунчалик ҳаяжон, орзу, ихтиёр...

Йўқ! Бу гал бошқача тепади юрак,  
Бошқача кезади томирларда қон,  
Бошқача кўринар, атроф-теварақ,  
Бошқача интилиш, бошқача армон.  
Паровоз пишқирир йўлга отланиб,  
Биров жўнар, биров кузатиб қолар,  
Бир қиз ўзида йўқ — жуда шодланиб  
Улуғ Москвани тилига олар.  
Оддий бир колхозчи шунча бахтиёр,  
Сельхоз виставкага боради шу чоқ.  
Меҳнаткаш учун бу ҳурмат-эътибор,  
Уни кузатади бутун бир қишлоқ.  
Уни кузатади кетмончи Ойшош,  
Сувчи Шокир ота, бухгалтер Қўзи.  
Уни кузатади қавму қариндош,  
Вақти зиқ бўлса ҳам рансинг ўзи.  
Уни кузатади фотомухбир ҳам,  
Ортидан юради, худди изма-из,—

Суратга олади қўймасдан бир дам,  
Эрта газетада машхур бўлар қиз.  
Ўзи соддагина, сочи жамалак,  
Кўзлари қуралай, ювлари дўшми  
Эғнида «хосиятхон» атлаасдан қўйлак,  
Бошида келишган ироқи дўшми.  
Пахтага миришкор, уста она қиз,  
Муъ ҳосил ундириб олади ҳар йил.  
Еш-қари олдида ҳурмати чексиз,  
Меҳнатига ҳамма қолади қойил.  
Москвани кезар унинг хаёли,  
Москва порлайди ёрқин кўзида.  
Москва туфайли бахту иқболи,  
Ташаккур айтади ҳар бир сўзида.

Шундай кузатаман дўстларни йўлга,  
Ўзим ҳам чиққанман сафарга кўп бор.  
Лекин ололмаган қалбимни қўлга  
Бунчалик ҳаяжон, орзу, ихтиёр...  
Мана, псевд жувар, у билан гўё  
Менинг юрагим ҳам бирга кетади.  
Москва менга ҳам дунё ва дунё  
Янги бахт-саодат нинъом этади.

1954

## БАҲОР ҲАҚИДА

Баҳор ҳақида шеъринг —  
Борми? — деб қилдинг сўроқ,  
Баҳорни куйламасдан  
Яшаб бўларми, ўртоқ!

Баҳор ёшликнинг рамзи,  
Ёшлик эса истиқбол,  
Мана, қуёш уфқда  
Баҳор кўрсатар жамол.

Пушкин, Навоий, Тарас,  
Кўрмаган умр бўйи,  
Фақат тараннум этган,  
Барг ёзиб фикру ўйи.

Ўтмишда ҳам қалбларни  
Мафтун этган навбаҳор,  
Аmmo ёмғирмас ёққан,  
Кўз ёш оққан шашқатор.

Далада экин эмас,  
Ўт ҳам ўсмаган ҳатто,

Бутун ёз ишлаб деҳқон,  
Яна нонга зор, гадо.

Баҳор куни камалак  
Кукда товланган каби,  
Очликдан гезаргандир  
Етим болалар лаби.

Ўсма қўйиб келинчак  
Ўз кўнглин ёзган бироз,  
Сўнган ҳуснига баҳор,  
Гўёки берган пардоз.

Паранжининг остида  
Ранги бўлган заъфарон,  
Ёруғ жаҳонга тўйиб  
Қаролмаган нотавон...

Яна қуёш уфқда,  
Баҳор кўрсатар жамол,  
Баҳор ёшликнинг рамзи,  
Ёшлик эса истиқбол.

Далаларда трактор  
Агдаради ер бағрин,  
Меҳнат қилар йигит-қиз,  
Тақдир кундай ёрқин.

Мен уларни танийман,  
Кўндан бери қадрдон,  
Бири юз центнерчи,  
Бири эса қаҳрамон.

Бири чигит саралар —  
Кўзи пишган пахтакор,  
Шаҳардан дўсти келса,  
Меҳмон кутиб бахтиёр.

Бири янги ер очиб,  
Чўлни этмоқда обод,  
Ёлғиз эмас у билан —  
Бутун янги ёш авлод.

Мана, дўстим, назар сол,  
Юртимнинг чиройига.  
Буюк коммунизмнинг  
Муҳташам саройига.

Ям-яшил қишлоқларда  
Кезиб юради баҳор.  
Янги колхоз ГЭСини  
Бориб кўради баҳор.  
Қанот қоқиб яйловда  
Подаларга боқади,  
Сулув қизлар кўксига  
Бинафшалар тақади.  
Тўқайларда, қирларда  
Еллар солади шовқин.  
Бепоен ўлка бўйлаб  
Баҳор кезади бугун.

Баҳорни куйламасдан  
Яшаб бўларми, ўртоқ!  
Баҳор илҳом келтирди —  
Менга ҳам қучоқ-қучоқ.

1954

Оқшомлар янграйди ҳинд таронаси  
Тошкент боғларида, ўзбек уйида,  
Пахтазор қўйнида, канал бўйида —  
Қардош қўшиқларнинг жон-жонаси.

Кучини кўрсатар эфир тўлқини,  
Қўшиқдан тепади кўкрак қафаси,  
Гуркирар чўнг халқнинг филдай нафаси,  
Бутун вужудим-ла тинглайман уни.

Ҳинд тилин билмайман, англайман аммо,  
Орзу-истаклари қалбимга яқин,  
Баҳор тунидаги чақмоқдай ёрқин  
Истиқболи шунда бўлур муҳайё.

1954



## ВАТАН ҚҰШИҚЧИСИ

*Ғафур Ғуломга*

Қўшиқлар дарёси оқа бер қалбдан,  
Дарёлар баҳорда тўлқин уради.  
Ватан қўшиқчиси бўлган сабабдан,  
Илҳомнинг сабри йўқ, тошиб туради.

Коммунистик эрта тонги отмоқда,  
Бепойн уфқнинг тагларига боқ!  
Ботир халқ шухрати қанот қоқмоқда,  
Олдинги сафларда қип-қизил байроқ.

Тарих ғилдираги айланар изда,  
Халқлар курашади келажак учун.  
Кўз очиб юмгунча ўтган вақт бизда —  
Кунлардан, йиллардан кўра сермазмун.

Ишчи станокда ишлайди бардам,  
Колхозчи билади ҳосил тилини.  
Ватан қучоғида кезади кўклам,  
Боғбон саралайди кўчат хилини.

Чегарада ҳушёр туради посбон,  
Бегона бирор хас учиб ўтолмас!

Одатда, лочинга тўлганда осмон,  
Калхатлар учишга журъат этолмас!

Мард киши майдонда, ишда синалар,  
Ҳосил ҳам билинар кузда, хирмонда...  
Чўлда сув, сувларда нур жилваланар,  
Шаббода эсади яшил ўрмонда...

Мисралар узилмас ҳеч қачон лабдан,  
Илҳомнинг сабри йўқ, тошиб туради.  
Қўшиқлар дарёси оқа бер қалбдан,  
Дарёлар баҳорда тўлқини уради.

1953

## ЯЙЛОВДА БИР КУН

Узоқ йўл босаман,  
тоғлар ошаман,  
Пахтазор ортимда қолар оқариб.  
Чорвадор ошналар сари шошаман,  
Суҳбатлар қураман яйловга бориб.  
Колхознинг фермаси шунчалар катта,  
Қишлоққа сиғмайди, тоққа чўзилар,  
Тоғлар этагида,  
даштар бағрида  
Утлашар,  
мағрашар қўю қўзилар.  
Бир чўпон сингари югуртаман кўз,  
Сону саноғига етолмайман ҳеч.  
Агар шу кенг яйлов осмон бўлса,  
Қўйлар унда минг-минг юлдуз худди кеч,  
Суру-суру бўлиб чашма лабига  
Сувсираб,  
тўлғаниб борганда, гўё —  
Бейхтиёр ўйлаб қоласан киши  
Тўлқинланиб тоғдан оқар бир дарё.  
Бу колхоз чорваси,  
колхознинг мулки,  
Кўз қорачиғидай асрар чўпонлар.

Қашқарлар даф қилиб, олиб кетолмас,  
Қириб ташлай олмас совуқ, бўронлар.  
— Қурей,

қурей,— деган ёқимли овоз  
Олис-олислардан эшитилиб турар.  
Колхознинг черваси бугина эмас,  
Наринги темида подалар юрар.  
Майсазор ичида ола бузоқнинг —  
Онаси говмишини кўрдим ўшанда,  
Эсладим: қаймоқ-ла пахтакор дўстини  
Меҳмон қилганини бир кун гулшанда...  
Узоқ йўл босаман,

тоғлар ошаман,  
Тоғлар этагида ййлов ва кўклам,  
Пахтазор ортимда қолар оқариб,  
Шунчалар бадавлат бу менинг ўлкам,  
Шунчалар беноён,  
шунчалар кўркам!

1953

## СЕН ТУҒИЛДИНГ

Йиллар олиб келди хушхабар,  
Боғдан узиб чиқдим даста гул,  
Уша куни, ўша тонготар  
Бениҳоя қувонди кўнги!

Қалб севинчи беҳуда эмас,  
Дўстларимдан сақламайман сир.  
Фарзанд бўлса,

        омон бўлса бас!  
Ўғилми, қиз? Менга барибир.  
Лекин менга барибир эмас,  
Боласизлик — беташвиш яшаш.  
Боласиз уй орзун билмас,  
Боласиз уй меворга ўхшаш.

Сен туғилдинг,  
        сен билан бирга  
Боғимизда баҳор туғилди,  
Май нафаси тегди-ю ерга,  
Гунча гуллар лабимдек кулди.

Сен туғилдинг тинчлик йиллари,  
Ўқиришдан тинганда тўшлар,

Қувончларга тўлиб тиллари  
Жангдан омон қайтганда кўнлар.

Сен тугилдинг, ўшандан бери  
Йиллар ўтди кунларни қувлаб,  
Иртқич денгиз ортидан сени  
Қўрқитмоқчи бўлади увлаб.

Йўқ, чўчима! Иқбол сеники,  
Ғам-кулфатлар соломас соя.  
Лабларингдан аримас кулки.  
Халқлар сени этар ҳимоя.

Ўсиб-улғай, эй жигарбағрим,  
Келажакка тўғри назар сол!  
Сенинг бахтинг — менинг ҳам бахтим,  
Бахт берганга содиқ бўлиб қол!

1952

## ТОШКЕНТ ФОНТАНИ

Чинорлар ортига беркинар қуёш,  
Уфқда шафақдан қолдириб излар.  
Фонтан атрофида юзлаб кекса-ёш  
Ишдан сўнг дам олар оқшомги кезлар.

Осмонга бўй чўзиб кўрсам театр  
Фонтан қаршисида турар басавлат.  
Саҳнада Зарема оҳ чекаётир,  
Гарайхон зулмидан дил тўла ҳасрат.

Мария ёнади ҳижрон ўтида  
Кўз ёши-ла ўтни ўчирмоқчи у.  
Аламли кўз ёшлар сувнинг бетига  
Ҳалқа-ҳалқа бўлиб тўкилганда дув —

Парда тушди...  
Тишда Тошкент фонтани,  
Нурда товланади ранго-ранг, кўркам,  
Чироғлар ёритар файзли кечани,  
Нақадар фусункор,  
бу менинг ўлкам!

Фонтан салқинида дам олар ишчи,  
Хотини боласи икки ёшида.  
Бахтли оиланинг бахтиёр кечи,  
Кундузги хаёллар кезар қонида.

Ҳар оқшом шу ерда меҳмондир баҳор,  
Оқшом қучоғида қайнайди ҳаёт.  
Студент йигит-қиз шўж ва бегубор —  
Олмос томчиларга тикилади шод:

Томчилар Мария кўз ёши эмас!  
Муқаддас меҳнатнинг дурдона тери.  
Боқчасарой эди ўтмишда қафас,  
Мана, роҳатижон советлар ери!..

Фонтан атрофида қанча кекса-ёш  
Ишдан сўнг дам олар оқшомги кезлар  
Чинорлар ортига беркина қуёш,  
Уфқда шафақдан қолдириб излар.

1952



## МУБОРАҚ КУНЛАРГА

Кремль куранти занг ураётир,  
Муборақ кунларга етдик саломат...  
Пойтахт вақти билан 12.00  
Янги йил туғилди,

янги саодат.

Шонли асримизнинг ярмидан бугун  
Довон ошиб ўтдик келажак сари.  
Бир йил ўтиш билан,

бир бет очилди

Улуғ коммунизм олтин дафтари.

Бир йил ўтиш билан,

бир йил қисқарди —

Олий мақсад йўли —

тонгдай равшан йўл.

Бепоён юртимиз ўзгариб кетди,

Бўстонга айланди ҳатто дашту чўл.

Ужар табиатни қўлга ололдик,

Бўйсунмас дарёлар фармонимизда.

Зухро, Олтин қозик юлдузлари-мас,

Чироқлар порлайди осмонимизда.

Буюк иншоотлар асри —

асримиз,

Эллик биринчи йил асл дебоча.

Волга-Дон дарёси юзма-юз келиб,  
Сув йўли солинар —

ям-яшил кўча.

Кечаги жанглarning оддий солдати  
Сталинграддай қаҳрамон шаҳар  
Меҳнат фронтининг илғор сафида  
Абадий тинчликдан беради хабар.  
Фидокор халқимиз тўккан томчи тер  
Улкани пахтага, донга тўлдирар.  
Уолл-стритнинг қаллақесари  
Аламга чиқолмай ўзин ўлдирар.  
Кореяли аёлнинг жанговар нутқи  
Неруда шеърида беради акс-садо.  
Нозим мисралари жаранглади овоз,  
Тинчлик мисралари голиб, бебаҳо...

Бир йил ўтиш билан яна улғайдик,  
Йилга йил қўшилди,

зафарга-зафар.

Ҳаёт тўла жомни тўлдириб,

азиз,

Жонажон юртимга ташлайман назар:  
Қутлуғ бўлсин, дўстлар,

янги йилингиз,

Ичайлик бахт учун,

ободлик учун,

Тинчлик,

қаҳрамонлик,

ватанпарварлик,

Одиллик,

голиблик

ва шодлик учун!

Ичайлик севиқли она-Ватанинг  
Яна шон-шарафга тўлиши учун!

Ичайлик,  
эркесвар халқлар бахтига  
Мангу тинчлик ва мон бўлиши учун!  
Шу кеча,  
шу нафас чорлайман сизни  
Стол атрофига,  
қанн, келингиз!  
Рухсат этинг, дўстлар,  
қўлимда қадаҳ,  
Қутлуғ бўлсин шонли янги йилингиз!

1951

## МАЙ КЕЛДИ

Май келди, ўртоқлар, ёшлик байрами  
Бизнинг ёшлигимиз қаримас асло!  
Муқаддас Ватаннинг фарзандларимиз,  
Сочга оқ кирса ҳам қаддимиз расо!

Кураш оловида тобладик ўзни,  
Тарих жилдларида шухратимиз бор.  
Меҳнат-ла ўтказдик кеча-кундузни  
Меҳнат-ла келтирдик эл-юртга баҳор.

Нақадар фусункор Май тонготари,  
Нақадар ям-яшил шаҳар, қишлоқлар.  
Баландпарвоз бугун шодлик каптари,  
Байроқлар кетидан борар байроқлар.

Ғолиблар сафининг кети кўринмас,  
Сафда беш йилликнинг шиддаткорлари,  
Бир байроқ остида борар ҳамнафас  
Ёрқин келажакнинг бинокорлари.

Май — баҳор эркаси, ғалаба рамзи,  
Шаҳар, қишлоқларда тантана, байрам.

Қуёш ёлқинидан уфқ қирмизи,  
Қуёш нурларидан далалар кўркам.

Табиат қалбида ёнар эҳгирос,  
Ҳаётнинг тилида кўклам шеваси.  
Девордан мўралар ним қизил гилос,  
Ўтган йил ўтқазган кўчат меваси.

Пахта водийсида пешона танғиб,  
Дехқон тер тўкади, ғанимат кунлар...  
Муаттар ҳид келар боғлардан анқиб,  
Кундуздан қолишмас оқ-ойдин тунлар.

Май — баҳор фаслининг етилган чоғи,  
Гул ҳидин тарқатиб шамоллар елди.  
Ҳар кун минг товланар Ватан тупроғи,  
Май келди ўртоқлар, гўзал Май келди!

1951

## САЙЛОВ ТОНГИДА

Кўчаларда байрам,  
Уйларда байрам.  
Байроқлар ҳилширар  
Тонг шамолидан.  
Содиқ фарзандига  
Овоз бергани —  
Халқ борар —  
Қувониб ўз иқболидан.

Халқ хизматкорига  
Овоз бергани —  
Бораман,  
Дўстларим учрайди йўлда:  
— Байрам қутлағ бўлсин!  
— Зафар муборак!  
Қизим севинадн,  
Талпиниб қўлда.

Ленин бобомизнинг  
Расмига қараб,  
Интилар —

Қийдираб,  
Қалби жушади.  
У ҳам  
Бахтли болалик учун  
Менинг овозимга  
Овоз қўшади.

1951

## КАРВОН КЕЛАДИ

Карвон келар салобат-ла бахт ортиб,  
Элнинг ризқу насибасин нақд ортиб.  
Манзилларда чироқ ёнар қувончдан,  
Тўй бошланар ғалабага ишончдан,  
Табриклаш-чун тўрт томонга чопилар,  
Янги буғдой унидан нон ёпилар:  
Бири ширмон, бири «нони осийй»,  
Яна бири «нони нўлот» буғдойи...  
Ҳаммаси ҳам бир-биридан мазали,  
Дастурхоннинг кенжа қизи жиззали  
Кулчаларни кўриб кўзлар яйрайди,  
Юракларда меҳнат шавқи қайнайди...  
Карвон келар қирлар ошиб, йўл юриб,  
Йўл юрса ҳам, анча-мунча мўл юриб,  
Ризқ карвонин кутар яқин-йироқлар,  
Бошоқ каби ҳилирайди байроқлар.  
Деҳқон бува соқолини сийпалаб,  
Ўз ўғлига оқ йўл тилар эрталаб,  
Қувонч билан алвон кирар шаҳарга,  
Буғдой ортиб карвон кирар шаҳарга.

1951



## ВОЛГАДАН ДОНГАЧА

Ерқин коммунизм  
Илк чироглари  
Волга-Дон устида  
Ёнди кун кеча.  
Кўзни қувонтирар  
Сув қирғоқлари,  
Волгадан Донгача,  
Тонгдан тонггача...

Кемалар қатнайди  
Ортиб катта юк,  
Унда халқнинг мулки —  
Пешона тери,  
Унда буғдой, кўмир,  
Унда куч буюк,  
Совет пароходи —  
Дарёлар шери.

Денгиздан денгизга  
Сафар чоғида,  
Волга-Дон канали  
Яқин кенг йўлак.  
Улкан кемаларнинг

Маёғидан нур  
Соҳилга таралар,  
Гўёки чечак.  
Цимлянск денгизи —  
Эўр кубок, гўё  
Сталинграддай  
Ғолиб қўлида,  
Ташиа лабларга ҳам  
Сув берди дарё,  
Халқ зафар қозонди  
Кураш йўлида.

Волга-Дон — дарёлар  
Кенг қулочидир,  
Қурувчи мардларнинг  
Жўшқин илҳоми,  
Эртанинг бугунги  
Қалдирғочидир,  
Икки қанотида  
Лениннинг номи.

Канал — тинчлик учун  
Янги бир қўрғон,  
Буюк иншоотлар  
Пионери у,  
Салют берди халққа  
Туғилган замон,  
Салют нурларини  
Акс эттирди сув.

Уни олқишлади  
Куйбишев ГЭСда  
Монтаж қилаётган  
Азамат ўртоқ,

Уни олқишлади  
Кеча-қундузда  
Гуллаб-яшнаётган  
Шаҳар ва қишлоқ.

Уни олқишлади  
Ташна чўлларга  
Сув келтираётган  
Совет кишиси.

Уни олқишлади  
Шараф йўлида  
Меҳнат қилаётган  
Завод ишчиси.

Уни олқишлади  
Эркесвар жаҳон,  
Чин қалбдан билдириб  
Меҳру муҳаббат.  
Уни олқишлади  
Москва жонажон,  
Уни олқишлади  
Бутун мамлакат.

1951

## МОСКВА

Қаҳрамон Москва — улуғ шаҳримиз,  
Сени бир ўғлингдай севаман мен ҳам.  
Сенсан ишончимиз, эрк ва фаҳримиз,  
Сенинг ҳар бир гиштинг азиз, муҳтарам.  
Юрий Долгорукий қўйган пойдевор  
Улуғ шаҳар бўлиб кўтаролди қад,  
Босқинчи ёвларни этиб тору мор,  
Бутун Россияга бўлолдинг мадад.  
Сенинг тупроғингда жангларнинг ёди,  
Ботир фарзандларнинг шараф-шони бор,  
Ҳалок бўлганларнинг ҳалол қони бор,  
Сенсан бахт излаган инсон муроди,  
Эй улуғ Москва,

шонли Москва!

Сени ардоқлайман, сақлайман омон,  
Сенсиз ҳаёт менга завқсиз, бемаъно.  
Сен асл мураббий, сен-ла пок виждон,  
Сен-ла ғурурланар бутун бир дунё.  
Сендан халқлар олар билим-маърифат,  
Сендан бошланади инсон тарихи.  
Октябрь туғилган буюк мамлакат —  
Кекса Россиянинг танидаги жон,  
Ажойиб сиймолар етилган шаҳар,

Халқлар мўътабар этилган шаҳар,  
Асрлар орзуси — муқаддас макон,  
Эй улуғ Москва,

шонли Москва!

Кун кеча Москва остонасидан  
Этигин йўқотиб қочган урушқоқ  
Бугун милитаризм молхонасидан  
Қутуриб бўкирган йиртқич ва олчоқ —  
Уруш истайди, тўкмакчидир қон,  
Шарқий ўлкаларга чўзиб қўлини,  
Дунёга бўлмоқчи ўзи ҳукмрон,  
Бегона элларга солиб йўлини.  
Корея, Вьетнамда озодлик учун  
Жон тиккан жонбозлар қулоғи сенда,  
Еруғ жаҳоннинг кўз-қароғи сенда,  
Мангу тинчлик учун, ободлик учун!  
Эй улуғ Москва,

шонли Москва!

Сенда мужассамдир орзу ва умид,  
Сенсан замонанинг тинчлик вахтаси,  
Сени тополмасдан ўтди Архимед,  
Сенсан ер куррасин таянч нуқтаси.  
Дўстона куйлаиған қўшиқда сен бор,  
Жаҳон халқларининг шонли пойтахти,  
Қаҳрамон Фучикка бўлдинг илҳомкор,  
Эркесвар инсоннинг юрағи, бахти.  
Пабло Неруданинг ўйлагани сен,  
Ёв билан юзма-юз турганида ҳам,  
Қувғинда дарғазаб юрганида ҳам,  
Жанговар мисрада куйлагани сен,  
Эй улуғ Москва,

шонли Москва!

Сен билан баланддир бизнинг қўлимиз,

Сен барча халқларнинг фахри, таянчи.  
Сен билан чароғон улуг йўлимиз,  
Сендандир ўзбекнинг бахти, қувончи.  
Сендан бошланади мангу бир ҳаёт,  
Халқларнинг тақдири сен-ла чамбарчас.  
Сен билан бепоён ўлкамиз обод,  
Водийда гул турар қизлар дастма-даст.  
Жонажон партиядан эллар миннатдор,  
Буюк рус халқига йўллаймиз салом,  
Салют нурларидан мунаввар оқшом,  
Истиқбол йўлида ўзингсан сардор,  
Эй улуг Москва,  
шонли Москва!

1951

## ЖОН УКРАИНА

Қўшиқ жаранглайди — дўстлик қўшиғи,  
Акс-садо беради боғ-роғларимда,  
Жангларда қуролдош,

меҳнатда ҳамреҳ,

Мангу жаранглайди қулоқларимда.

Мен уни тинглайман,

севиб қолганман,

Мен уни куйлайман, куйлайман қувноқ.

Мен уни қалбимга йиғиб олганман,

Қўшиқлар гўёки қайнар бир булоқ.

Қўшиқ истиқболни куйлайди авжда,

Қўшиқ шон-шарафга чорлайди халқни.

Таажжуб қилмайман, украин қиви —

Куйласа қўшиқда гуллаган Шарқни.

Таажжуб қилмайман, ўзбек шоири,

Украина ҳақида ёзса шеърлар.

Бир улуғ онанинг фарзандларимиз,

Бизнинг оилада яшайди шерлар.

Ҳар бир қилинган иш дўстликдаи гувоҳ,

Йўл узоқдир, аммо кўнглимиз яқин.

Гўзал Украина,

жон Украина!

Мен сени севаман,

мен сенга мафтун.  
Днепр бўйлари кўркам, дилрабо,  
Шевченкoning руҳи ҳамиша тетик,  
Меҳнат қучоғида ҳаёт бебаҳо,  
Меҳнат билан ўсган ўғил-қиз етук.  
Бир ёнда қудратли буюк иншоот,  
Бир ёнда комбинат, бир ёнда Донбасс:  
Шаҳар ва қишлоқлар нақадар обод,  
Кўрган ҳар кишида уйғотар ҳавас.  
Мен сени ўйлайман,

сени куйлайман,  
Мевазор боғларинг илҳом бахш этар,  
Ҳосилнинг ер-кўкка сизмайди, бойсан,  
Бугдой бошоқларин кўрсатсам,  
етар!

Шонли Украина,  
о, Украина!

Элларга меҳрибон,  
дўст,  
қадрдонсан.

Улуғ Ватанимиз чегарасида  
Сергаксан,

баҳодир дарвозабонсан.  
Халқаро минбардан туриб ёқлайсан  
Оддий кишиларнинг бахт-саодатин,  
Америкалик жаноб чидай олмасдан —  
Титрар йўқотгандай бўлиб роҳатин.  
Дўстлик қўшиғини куйлаймиз сафда,  
Кўлларда ҳилпирар қип-қизил байроқ.  
Жаҳон жўр бўлади,

қўшиқ янграйди:  
— Халқларнинг дўстлиги мангу ва порлоқ!

1951



Тонг билан уйғондим...  
Мени уйғотган  
На тонг шабадаси,  
На сирли хаёл,  
Менинг юрагимга  
Ҳаяжон солган,  
Ҳиссимни,  
Ақлимни ўзига олган,  
Ватан муҳаббати,  
Муқаддас ҳуқуқ,  
Садоқат,  
Иқбол!

Узоқ-узоқларга  
Ташлайман назар,  
Жонажон Ватаним —  
Азиз,  
Бебаҳо!  
Ҳар кун минг товланар,  
Яшарар ҳаёт,  
Ҳар кун бир хушхабар  
Қоқади қанот.  
Чироқлар порлайди

Батан уфқида,  
Ҳар бири  
Бир қуёш бўлиб кўринар.  
Чироқлар порлайди,  
Сўнмас чироқлар,  
Қалбим мафтун этар  
Нурли қирғоқлар.  
Бахтиёр,  
Бадавлат ўлка меники,  
Байрам кунларидай  
Кулиб кўринар.

Бир кафт дон сочилса,  
Ботмон оламиз,  
Қаддин кўтаролмас  
Олтин бошоқлар.  
Пахтамиз теласи  
Нур каби узун,  
Тўқилган матомиз  
Чулғар ер юзин!  
Шу бизнинг пахтадан  
Колонналарда  
Ҳилпираб борувчи  
Қизил байроқлар.

Тинчлик колоннаси  
Боради мағрур,  
Сафда —  
Беш йилликнинг қаҳрамонлари.  
Кун кеча бир шаҳар  
Этиб барқарор,  
Бугун янгисига  
Қўйган пойдевор —  
Шонли юртимизнинг

Ўонажонлари...  
Тонг билан уйғондим,  
Мени уйғотган  
На бир туш,  
На чўчиш,  
На тонги аёз,  
Менинг юрагимга  
Хаяжон солган  
Батан муҳаббати  
Ва чексиз қувонч.

1951

## РАҲМАТ

Гурурим чексиздир — сиғмас юракка,  
Совет кишисиман,

чинакам инсон.

Шарқда машғал бўлиб кўринган ўлка  
Менинг республикам —

ҳур Ўзбекистон.

Тўкин дастурхонда нон-насибам бор,  
Қардошлар тенгдоши,

жигарбандиман.

Бахтлилар ичида мен ҳам бахтиёр,  
Катта оиланинг бир фарзандиман.

Шон-шуҳрат,

меҳнат,

эрк,

илму маърифат,

Орзу-тилак бизнинг оилага хос.

Оила шарафин оқламоқ бурчим,—

Ота боболардан яхши бир мерос.

Оила — мамлакат,

жонажон Ватан,

Октябрь қуёши нур сочган тупроқ,

Миллатми,

фарқи йўқ!

Шунча меҳрибон,  
 Рус,  
     украин,  
         ўзбек ва қозоқ,  
 Жангларда қуролдош,  
         меҳнатда ҳамкор,  
 Ижодкор, ўз сўзли, бахтиёр ва ҳур.  
 Халқлар бир оғиздан такрор ва такрор  
 Улуғ оғасига айтар ташаккур:  
 Раҳмат рус халқига,  
         бизни курашга,  
 Енгишга ўргатди,  
         қозондик зафар.  
 Зулматдан қутқариб,  
 Оқ йўл кўрсатди,  
 Коммунизм сари бошладик сафар.  
 Босқинчи ёвларни этдик тору мор,  
 Тинчлик-чун курашдик,  
         қурдик,  
                 яратдик,  
 Сирдарё қўйнида қад кўтарди ГЭС,  
 Пахта водийсига нурлар таратдик.  
 Металл заводида пулат қуювчи —  
 Ўзбек  
         рус оғадан ўрганди ҳунар,  
 Йигит-қизларимиз зўр ҳавас билан  
 Буюк Москвага —  
         МГУга жўнар.  
 Ильич офтобидан хонамиз ёруғ,  
 Нурлари сингари умримиз узун,  
 Павлов тажрибасин ўзбек олими  
 Бир мактаб биледи ўз иши учун.  
 Пушкин мисраларин яхши қўшиқдай  
 Тилидан қўймайди ўғлонларимиз.

Мичурин илмининг хосиятини  
Ҳосилда кўради деҳқонларимиз.  
Бари рус халқининг мурувватидан,  
Доно партиямиз даҳосидандир.  
Лауреат,

қаҳрамон бўлган ўзбеклар  
Азиз оғамизнинг баҳосидандир.  
Ҳаётим хатарда қолган дамда ҳам,  
Сиз кафил турдингиз,  
Сиз қўлладингиз.

Раҳмат қадрдоним,  
улуғ рус халқи,  
Саодат боғига Сиз йўлладингиз.

1950

## БУ — МЕНИНГ ВАТАНИМ

Бу — менинг Ватаним, хуснига бир боқ!  
Муқаддас, дахлсиз, бепоён туироқ.  
Беҳисоб тоғлари, дарёлари бор,  
Бағрида абадий яшнайдн баҳор.  
Инсоннинг қадами етгандир чўлга,  
Қалдирғоч тўш уриб ўтади кўлга.  
Гуркираган боғлар юртнинг чиройи.  
Кишининг меҳнати кетмайди зойи.  
Олтин бугдойзорлар қалин, сербошоқ,  
Бугдойзор ортида ям-яшил ўтлоқ,  
Мағрашар, ўтлашар қўю қўзилар,  
Колхознинг чорваси қирга чўзилар.  
Нақадар бадавлат, гўзал, фаровон,  
Бир ёни пахтазор, бир ёни ўрмон,  
Бу — менинг Ватаним,

менинг Ватаним!

Бало-қазоларни енгдик беомон,  
Мардона йўл олдик келажак томон.  
Солдат шинелини қозиққа илиб,  
Меҳнат қучоғига отилдик келиб.  
Атом қудратидан зўр бўлиб қолдик,  
Ужар табиатни жилавлаб олдик.  
Машаққат келганда, кўрсатдик сабот,

Дарёларни бўғиб, қурдик иншоот.  
Янги мактаб солдик, янги корхона,  
Каналлар қазидик санъаткорона.  
Ниҳоллар ўтқаздик, гуллади боғлар,  
Тобора яшнади шаҳар, қишлоқлар.  
Тупроғи олтину, суви бебаҳо.  
Ҳавоси ҳар қандай дардга ҳам даво,  
Бу — менинг Ватаним,  
менинг Ватаним!

Халқларнинг тилида машҳурдир номн,  
Муъжиза яратиб ўтар айёми.  
Ўғил-қизлари бор меҳнатда донгдор,  
Меҳнат қаҳрамони бизда ифтихор.  
Александр Чутких, Иван Бессараб,  
Ҳафиз Ғаниевлар ишни жадаллаб,  
Икки беш йилликни якунлаб кеча,  
Учинчи беш йилга туздилар режа.  
Станок ёнида солдатдай ҳушёр,  
Содиқлик ҳақида қасамёди бор.  
Бири пўлат қуяр, бири чит тўқир,  
Бирида беҳисоб шогирд дарс ўқир,  
Ажойиб кишилар ҳамкор, ҳамнафас...  
Меҳнати шарафу, бурчи муқаддас,  
Бу — менинг Ватаним,  
менинг Ватаним!

Шарқда машъал бўлиб яшнаган бўстон,  
Менинг республикам — ҳур Ўзбекистон.  
Тонги гунча каби кулган бағримиз,  
Дунёга аёндир Тошкент шаҳримиз.  
Бундаги ҳар мактаб — илм ўчоғи.  
Бундаги гулбоғлар — илҳом булоғи.  
Бунда қувонч билан ўтади дамлар,  
Хушчақчақ, бахтиёр яшар одамлар.







## ВЛАДИМИР МАЯКОВСКИЙГА

Минбардан сўйлайсан қўл чўзиб, мағрур,  
Сўзларинг гўёки момақалди роқ.  
Шеърят кўкида таратади нур  
Баҳор кезларида чаққандек чақмоқ.  
Кўз олдимда шундай бўласан пайдо,  
Эй оташии шоир,  
ҳамкасб замондош.  
Революциянинг содиқ жангчиси,  
Совет граждани, қардош,  
қариндош!  
Ленин шпорлари янграб шеърингда,  
Партия ишига ундайсан халқни,  
Улуғ беш йилликлар шоли йўлнда  
Аёндир кўришинг юз йиллик фарқни:  
Юртимиз фаровон:  
қудрати тенгсиз,  
Совет паспортининг зўрдир ҳурмати.  
Меҳнат — шараф бўлиб қолди бу элда,  
Долларни синдирди Сўмнинг қиммати.  
Уруш славини ёқувчиларга  
Меҳнат зафарини-ла берамиз жавоб.  
Ингирма йил ўтди,  
ҳамон жаранглар

Йонажон халқларга сен қилган хитоб.  
Сен бизнинг қалбларда тириксан,  
борсан,  
Шеърингни ёд ўқир бахтиёр ўзбек.  
Ижод мактабида янги устозсан,  
Келажак авлодга қарайсан тетик.  
Минбардан сўйлайсан қўл чўзиб, мағрур,  
Сўзларинг гўёки момақалди роқ.  
Шеъринг кўкида таратади нур,  
Баҳор кезларида чаққандек чақмоқ.

1950

## ТИНЧЛИК ҚАРВONI

Далалар,  
қадрдон далалар кўркам,  
Пахта ҳосилидан хирмонлар тоғ-тоғ,  
Нақадар гўзалсан,  
  эй азиз ўлкам,  
Нақадар сахийсан, бепоён тупроқ!  
Қуёшни кўз қилиб қарайман сенга,  
Соҳилсиз денгизда машғал кўраман.  
Буюк коммунизм оstonасида  
Қўл-ла ясаб бўлмас ҳайкал кўраман.  
  Бу сенсан!—

Далангда олтин куз кезар,  
Ҳосил ҳар йилгидан яна ҳам тўкин.  
Пахтакор саҳардан қўш этак тутиб,  
Баҳорда экканин йиғади бугун.  
Эҳ-ҳе,

  чаноғига сирмайди пахта,  
Пахта кўпирган сут сингари тошар,  
Бир тола ҳам нобуд бўлмасин,  
  тез ол!

Бир тола пахтада тонналар яшар,  
Бир тола пахтада бир йиллик меҳнат,  
Бир йиллик парвариш бор экани рост!

Наҳотки бепарво қарасак эди,  
Шон билан номусни этмасак қиёс.  
Куз ўтиб боради, олди ёз эмас,  
Ҳадемай, шивирлаб қолади ёмғир.  
Фурсат ганнматдир,

чаққон терайлик,  
Далада пахта мул, ёрилгандай нур...  
Наҳотки ҳосилдан бошимиз гангиб,  
Толани қолдириб кетсак чаноқда.  
Наҳотки хирмонга олиб боргунча  
Пахтамиз тукилса яқин-йироқда!..  
Куни кеча қўшним пионер Аҳмад  
Колхоз шоферини учратди йўлда.  
Нест-нобуд қилмасга аҳдлашди улар,  
Тукилган пахтаги териб бир қўлда.  
Ҳа, шундай,

бир тола қолмайди ерда,  
Бу — халқнинг мулкидир,  
юрт шараф-шони!  
Қизил байроқ тикиб ўтиб боради  
Оқ олтин карвони,  
тинчлик карвони!

1951

## УЗБЕКИСТОН

Эй, қуёш ўлкаси, ҳур Ўзбекистон,  
Улуғ оилада тенг, азиз ўғлон,  
Дарёда сувинг мўл, еринг бепоён,  
Шаҳар, қишлоқларинг обод, чароғон,  
Омон бўл, омон!

Халқ сени парвариш қилади ҳар чоғ,  
Далангда ўсади буғдой сербошоқ.  
Нурдек яшшаб ётган пахтазорга боқ!  
Сеники шу чаман, шу олтин тупроқ,  
Сеникидир шон.

Сенинг на ҳасратинг, на оҳинг бордир.  
Жангларга кирганда паноҳинг бордир.  
Улуғ Рус халқидек ҳамроҳинг бордир.  
Жонажон Партия — зўр доҳинг бордир,  
Яша, кўн замон!

1949

## ТУРНАЛАР АРҒИМЧОҚ СОЛИШИБ УТДИ

Саҳар йўлга тушдим от миниб яккаш,  
Колхоз даласидан ўтдим субҳидам.  
Кўз олдимда саҳро, уфққа туташ,  
Мирзачўл кўксига кезади кўклам.  
Мирзачўл!

Боболар орзу-ниятин  
Елларга совурган қақраган тупроқ!  
Ташналик ҳуснига солмишдир ажин,  
Бу ерлар кўрмаган на гул,  
на япроқ!

Навбаҳор келгану, очилолмаган,  
Кўз-кўз қилолмаган лола жомини.  
Муаттар ҳидлари сочиллмаган,  
Хушбўй этолмаган чўл оқшомини.  
Ез бўлса, қизигап,  
ўртапган чунон,

Оловли дамига тортган инсонни.  
Қиш бўлса,  
қор ёғиб,

ўкириб бўрон,  
Кўзларга тор этган улкан жаҳонни.  
Табиат қонуни азалий қонун,  
Лекин абадиймас,



таҳрирга муҳтож!  
Мирзачўлда ҳаёт қайнайди бугун,  
Инсон биёбонга кийдирар гултож.  
Далалар,

қадрдон далалар кўркам,  
Баҳорни қаршилаб очмиш кенг қучоқ.  
Нақадар гўзалсан, эй азиз ўлкам,  
Нақадар саҳийсан бебаҳо тупроқ!  
Уфқ тағларига югуртаман кўз,  
Полвон тракторлар солади шовқин.  
Ер ағдариб,

чигит экади колхоз,  
Бел маҳкам боғланган мўл ҳосил учун!  
Олис-олисларда Фарҳод ГЭСининг  
Тунги чироқлари ўчмаган ҳали.  
Гўёки кечадан қолган ним ранг ой,  
Кундуз

ётоғига қўчмаган ҳали!  
Байроқ ҳилпирайди,

Меҳнат байроғи,  
Дала ўртасида қуёшдай порлар,  
Киров каналининг икки қирғоғи —  
Бепоеи пахтазор ўзига чорлар.  
Универсалчи Юнус —

колхоз йигити,  
Ҳалол меҳнат билан бахти знёда,  
Текис униб чиқса эккан чигити,  
Бундан катта қувонч борми дунёда!  
Мирзачўл қизини танимайди ким!  
Саҳройи эмас у, асил қаҳрамон!  
Пахтадан мўл ҳосил етиштириб.

сим —

Қоқар дўстларига ҳар йил Лолахон.  
Инсон меҳнатидан,

инсон ақлидан  
Блѣбон ўрнида яралар боғлар.  
Кишкини ўзига мафтун этади  
Нурга,

гулга

тўла яқин-йироқлар.  
Мирзачўл ерлари ўзгариб кетди,  
Далада,

кўчада,

уйларда баҳор!

Турналар арғимчоқ солишиб ўтди,  
Барала янграган куйларда баҳор.

1949

## ВОДИЙНИ КЕЗГАНДА

Гўзал Фаргонани кездим неча бор,  
Тўймадим,

орзиқдим янгидан-янги.

Шу ердан бошланар ҳар йили баҳор  
Файзу фароғат-ла отади тонги,  
Тонг опшоқ,

осмон кўк,

водий ям-яшил,

Чексиз, кенг далалар менга қадрдон.

Боғлардан ўтилар пахтазорларга,

Ўллардан борилар БФК томон.

Йўлларда кўраман, кетмончи қизлар

Меҳр қўйиб ишлайди эгат ичида.

Мардлик,

маҳоратдан кўкрак уфқини —

Олтин юлдуз безар кузак кечиди.

— Ҳорманглар!

— Йўл бўлсин!

Меҳнат дарёсига

Ирмоқдай қўшилиб кетайин дейман.

Халқим ижод қилган мўъжизаларни

Тер тўкиб,

тараннум этайин дейман.

Фаргона,

Фаргона,

гўзал Фаргона,

Элларда донғи бор ажойиб диёр!  
Чилла кириб, чумак урар чиллаки,  
Ажабо,

эримас тоғларингда қор.

Пилла ўрагандек ипак қуртлари  
Бойлигинг ҳақида тўқилар қўшиқ.  
Инсон яратолган чаманзорларга  
Ўжар табиатнинг ўзи ҳам ошиқ.  
Кўсадек тап-тақир биёбонларда  
Пахта экиб,

ҳосил етилтиролдик.

Қувасойдан тортиб салқи-салқи сим,  
Олис-олисларга нур келтиролдик.  
Ям-яшил воҳалар кўзни олади,  
Хуснига қарайман Шоҳимардоннинг.  
Ҳамза Ҳақимзода қишлоқларида  
Ажиб лавҳаси бор боғу бўстоннинг.  
Шафтоли шоҳида бодом пишади,  
Ток кесиб юради мичуринчилар,  
Бир ёнда водийни шовқинга тутар  
Кучли «Универсал»лар,

донгдор мингчилар.

Пахтазор чайқалар кўм-кўк денгиздек,  
(Эски ўхшатиш деб куларсиз балки...)  
Пахта денгизида бу ер бир орол,  
Шифобахш Қримдан йўқ сира фарқи.  
Оқ олтин водийси кўркама нақадар,  
Бир кезиб чиққаннинг очилар баҳри.  
Уч ботир ўғлондек туради мағрур:  
Фаргона,

Андижон,

Наманган шаҳри.  
Текстиль гул босган ранго-ранг читлар  
Олмос боғларидан олармиш чирой.  
Ўз сўзлаи, пахтакор қизу йигитлар  
Ҳурмат тахтасидан эгалламиш жой.  
Қўш палла тарозу қўйилса кузак,  
Шунда бир палласин тўлдирар водий.  
Ўзбек пахтасининг ярми елкада,  
Ярмини кўтарар

шу қасамёди.

Бу шундай водийки, юрт ифтихори,  
Капитал Шарқига қилгудай кўз-кўз.  
Ҳа, Эрон бир ариқ сув интизори  
Бир ариқ сув учун одам ўлар юз.  
Алқисса, пахта ҳам экканди Эрон,  
Бизнинг бир сельсовет ҳосилига тенг.  
Фарғона водийсин билади жаҳон,  
Пахтамиз шуҳрати Америкада, денг!  
Бу шундай водийки, жўш урар ҳаёт,  
Ҳаракат тўхтамас ҳаттоки тунда.  
Полвонтеш кўксиди нефть булоқлари,  
Қўл билан яралган дарё ҳам шунда.  
Шу ердан бошланар ҳар йили баҳор,  
Файзу фароғат-ла отади тонги.  
Гўзал Фарғонани кездим неча бор,  
Тўймадим,

орзиқдим янгидаи-янги.

## ОЛТИН МЕДАЛЬ

*Суръатга*

Яша,  
    ўнингичини тугагдинг аъло,  
Катта оиламиз фахрига монанд!  
Она сунин оқлаб,  
    менинг жигарим,  
Ота кўкрагини кўтардинг баланд.  
Етуклик — шон-шараф,  
    ёшликнинг кўрки,  
Етуклик паспорти энди қўлинигда.  
Оқ йўл бўлсин,  
    фаининг чўққиларига!  
Сени  
    мўъжизалар кутар йўлинигда,  
Олтин медаль олиб, синовдан ўтдинг,  
Олтин медаль сенга Лениндан ёдгор.  
Бу билан биз эмас,  
    биздан кейин ҳам,  
Сенинг фарзандларинг қилур ифтихор.  
Улуғ коммунизм тонги отмоқда,  
Олий мактаб сари ташлайсан қадам.  
Кўрдингни,  
    нақадар тонг оппоқлигин,  
Нақадар халқларининг аҳди мустаҳкам!

Тинчлик учун кураш боради элда,  
Беш йиллик муддатдан эрта бўлар ҳал.  
Қудратли, қадоқ қўл меҳнати билан  
Шаҳарлар ободу, қишлоқлар гўзал.  
Бу сенинг Ватанинг,

менинг Ватаним,

Жонажон халқларнинг суянган тоғи,  
Уфқни қизартган офтоб эмас,  
Баланд кўтарилган совет байроғи.  
Ҳар қанча шодлансак арзийди,

укам,

Арзийди Ватанга қилсак жон фидо.  
Ленинчи авлоднинг ўз хислати бор,  
Уқишда,

меҳнатда баҳоси —

аъло!

1949

## ШОНЛИ БАЙРАМ

Ҳар куннинг ўз иши, ўз қисмати бор,  
Бизнинг кунларимиз шон билан тўлиқ.  
Лаҳзалар ўтмайди беҳуда, бекор,  
Халқимиз тер тўкар — меҳнати бўлиқ!

Бир кам ўттиз марта гуллади боғлар,  
Бир кам ўттиз марта кўтардик байроқ.  
Бўлиб ўтди қанча тўйлар, улоғлар,  
Бўлиб ўтди жанглар — сақланди тупроқ.

Бу Ватан бизларга Леиндан мерос,  
Уни имзолаган Улуғ Октябрь.  
Рус халқи оғамиз, бор бунга асос:  
Отамиз, ҳовлимиз, ҳақрағамиз бир.

Коммунанинг таянч нуқтаси шунда,  
Шу ердан бошланур элнинг баҳори.  
Бахт деган келмайди, оддий тугунда,  
Уни келтиради юртнинг шунқори.

Октябрь! Бахтимиз қарор топган кун,  
Курашлар уфқида порлаган офтоб,



Халқимиз бу кунни келтирмак учун,  
Қонга қон, жонга жон олди беҳисоб...

Жангларга кирганда қалтирар майдон,  
Душман галасидан қолмайди асар.  
Байроқ кўтарганда паст келур осмон,  
Ортидан эргашар жаҳон ва башар.

Букун шонли байрам, унутилмас кун,  
Ғалаба қўшиғи тилларда такрор.  
Октябрь озодлик уйига устун,  
Ҳар куннинг ўз иши, ўз қисмати бор.

1949

## СЕН ТУҒИЛГАН КУН

Сени тилга олиб ушладим қалам,  
Хаёл денгизида бошланди тўлақин.  
Беш юз йил оралаб дўстлар жамулжам,  
Қадимий Тошкентда сен туғилган кун.  
Ҳар кимнинг атаган ўз тухфаси бор,  
Ҳар кимнинг қалбида бир дунё шодлик.  
Хурсон ўлкаси кўрмаган баҳор  
Бизнинг элимизда топди ободлик.  
Шеъримиз бошига кийди олтин тож,  
Илму маърифатда янги бир маъно.  
Ҳали Астробод ариққа муҳтож,  
Бекобод чўлида айқирар дарё.  
Минг йиллик биёбон очди кўзини,  
Янги одамларни кўрди ўзида:  
Чаккага қўндириб чуст тагдўзини  
Йигитлар турарди айтган сўзида.  
Сирдарё бўғилди, ўжар Сирдарё,  
Юрт энди баҳраманд унинг кучидан.  
Аму йўлида бу бир бекат, гўё —  
Патир ясай олдик хамир учидан.  
Темирдан урани қилоламиниз фарқ,  
Пўлат тобламоққа ўз қўраминиз бор.  
Эй, улуғ Навоий, биз яшаган шарқ,

Сен хаёл этгандан кўра бахтиёр.  
Шаҳрисабз боғлари кулф урган, пайваст,  
Эгатларда унар чигит донаси.  
«Самарқанд сайқали рўйи замин аст»,  
Улғайди Улугбек расадхонаси.  
Бодил воҳасига ташласанг назар.  
Чўлини сבוד қилмиш бунда бир аёл:  
Адолат! «Хамса»га янги боб қўшар  
Ҳам жасур, ҳам доно, ҳам соҳибжамол.

Нақадар элимиз ўзгариб кетди,  
Ҳар ўтган кунимиз бир дорилфунун,  
Ўзбекининг боши нақ осмонга етди,  
Дўстларин чорлайди сен тугилган кун.

Узимиз хўжайин ўз еримизга,  
Эркимиз, номимиз, ҳуқуқимиз бор.  
Қофия танласак гар шеъримизга,  
Кела берар — қувват, бахту ифтихор...

Бугун шеър байрами — сен тугилган кун,  
Беш юз йил тўлади сенга тонготар.  
Ўзбек зафарларга ясайди яқун,  
Ҳинду ҳамон гафлат уйида ётар.  
Ҳамон эронийлар Хисрав қўлида,  
Ҳамон Шарқий жануб занжирбанд тутқун.  
Дарбадар юради араб чўлида,  
Ҳамон Лайдосидан айрилган Мажнун.

Ҳирот қалъасида ҳамон фишқ-фужур,  
Ҳамон Мажидиддин фитна билан банд.  
Зулумот саройида чарақлаган нур  
Ўчмагай минг йиллар ўтса ҳам гарчанд.

Етти хил ранг бордир қуёш нурида,  
Сеинг мисрангда етмиш хил бўёқ.  
Яхши шеър — катта тўй шоир умрида,  
Заминлар замондан қилади сўроқ.  
«Чордевон» ўтади хонама-хона,  
Қалбига сиғмайди шогирдлар ҳисп.  
Бугун шеър байрами, сенсан баҳона,  
Ухлатгали қўймас илҳом париси.

1948

## СОВЕТ АРМИЯСИГА

Йигит ёшинг муборак бугун,  
Ғолиб халқнинг марду майдони.  
Ўттиз йилнинг юзини кўрган  
Инқилобнинг сўнмас бўрсини.  
Сен борки, юрт тинч, доруламон,  
Сен, биз демак, биз эса халқлар...  
Жангга кирсак, қўлимиз баланд —  
Ғалабанинг қуёши балқар.

Чегарадан ўтолмас биров,  
Қиличимиз ёвга яланғоч.  
Кўрқитолмас инглиз лорди  
Атомларни қилса ҳам рўкач.  
Оғир жанглар кўрсатди яққол:  
Ҳеч қандай куч беролмас бардош.  
Чунки сенга адолат, дўстлик,  
Баҳодирлик ва партия бош.  
Сен ўтган йўл табаррук, равшан,  
Сен босган йўл абадий баҳор.  
Сафлар тетик, сафлар мустаҳкам,  
Солдат онти топади қарор.  
Йигит ёшинг муборак бугун,  
Ғолиб халқнинг марду майдони,

Уттиз йилнинг юзини кўрган  
Иккилобнинг ёвқур ўғлони.  
Курашларда тобландик, ўсдик,  
Коммунизм йўли бизнинг йўл,  
Бахтимизни ёвдан асраган  
Армиямиз яша, омон бўл!

1948

## БАЙРОҚЛАР

Оқшомги мисралар тонгда ўқилур...  
Яна элимизда шодлик ва байрам.  
Байроқлар гўёки саратонги нур,  
Қуёш яллиғидан кўчалар кўркам,  
Яна элимизда шодлик ва байрам.

Сафлар бир текисда боради олға,  
Кўчага сиғмайди отланган карвон.  
Бир байроқ остига тўпланар, жилға —  
Жилғага қўшилиб бўлгандек уммон,  
Кўчага сиғмайди отланган карвон.

Кўчага сиғмайди шараф-шонимиз,  
Кўчага сиғмайди ёвқур, енгган халқ.  
Қадру қимматлидир хонадонимиз,  
Эй, қуёш, уфқдан уфқларга балқ!  
Кўчага сиғмайди ёвқур, енгган халқ!

Шонга шон қўшилди, севинчга севинч,  
Баланд кўтарилди қизил байроқлар.  
Москва тинч бўлса, Ватанимиз тинч,  
Тинчлик-чун курашар дўстлар ўртоқлар,  
Баланд кўтарилсин қизил байроқлар!

Муқаддас кунларда бўлайлик бардам,  
Туuproқда қолмасин етилган ҳосил.  
Шон билан ўлчанур ўтган ҳар бир дам,  
Нонимиз шириндир, пахтамыз асил,  
Туuproқда қолмасин етилган ҳосил!

Минутлар йиллардан беради дарак,  
Ёзиб улгуролмас шоир қалами.  
Чексиз қувонч билан тепади юрак,  
Октябрь байрами — ҳаёт байрами,  
Ёзиб улгуролмас шоир қалами.

1948



## Т О Ш К Е Н Т

Қўлимда бир сиқим Тошкент тупроғи,  
Узоқ ўтмишларга элтади хаёл.  
Бу қайси ботирнинг муқаддас хоки,  
Ё қайси гўзалнинг лабидаги хол.

Йиллар ўтиб кетар, салмоқли йиллар..  
Умрбод қолади халқнинг ҳикмати.  
Ўтади шерзодлар, қора кокиллар,  
Яшайди уларнинг қилган меҳнати.

Қуёш атрофида ер айланиши,  
Йилларни тугдирар асрларга тенг.  
Ўз бахтин яратиш инсоннинг иши,  
Инсон хаёлининг фазолари кенг.

Шунчалар омилки, чўллардан гулзор,  
Қишлоқдан шаҳарлар этади бунёд,  
Керак бўлса юртга келтирар баҳор,  
Керак бўлса елдан бойлайди қанот.

...Сочтепа аталар эди бир замон,  
Шу кекса шаҳримиз, шу азиз тупроқ.

Искандар ҳужумида қалъаи жаҳон,  
Ўзбекининг манглайин қила олган оқ.

Улуғ аждодларга бўлолди бешик,  
Уларнинг мўътабар қабри ҳам шунда.  
Келажак йилларга қаради тетик,  
Баъзан қолиб кетди бўрон, тутунда.

Мовароуннаҳрнинг дайди шамоли  
Баъзан ўғирлади гуллар атрини,  
Баъзан олиб келди халқнинг иқболи —  
Улуғ Навоийнинг олтин сатрини.

Кўз очиб кўрганим шу табаррук ер,  
Қадим боболардан қолган бир мерос.  
Иафокаш тарихнинг манглайида тер,  
Дарвоқе, сочининг оқаргани рост.

Буюк Октябрнинг ёруғ тонгида  
Бахт-саодат топди жонажон тупроқ.  
Эрк нури балқиди ўзбек онгида,  
Қўлида мавжланди музаффар байроқ.

Тошкент шаҳарларнинг кўрки, обрўйи,  
Улуғ ер куррасин Шарқий қисмида.  
Муҳташам кўринар Ҳукумат уйи,  
Пойтахт аталур унинг исмида.

Курант жаранглайди, Тошкент куранти,  
Бинолар барваста, хиёбон шинам.  
Бу юртни қурувчи азамат, танти,  
Шаҳри ҳам ўзидек улуғвор кўркам.

Боглар боққа туташ ажойиб шаҳар,  
Катта кўчаларда ҳаракат, қатнов...  
Тинчлик иши учун тинмай курашар,  
Тинчлик иши учун кўтарган ялов.

Ҳали тонг отмасдан туриб эртареқ,  
Кўчага чиқаман — кўдим қамашар.  
Бугун катта шаҳар қадимги қишлоқ,  
Мен унга ворисман десам ярашар.

1948

## БОҒИМ

Боғимда баҳор меҳмон,  
Ясанишган дов-дарахт,  
Урик гуллари маржон,  
Кўчатлар экилган, тахт!  
Ясанишган дов-дарахт.

Булутни ҳайдар шамол,  
Гоҳ ёғиб ўтар ёмғир,  
Барглар покиза, зилол,  
Гоҳ куюш тўкади нур,  
Гоҳ ёғиб ўтар ёмғир.

Ариқ тўла сув оқар,  
Новда-ниҳол беҳисоб.  
Қушлар сайраши ёқар,  
Боғим хўп ўзимга боп,  
Новда-ниҳол беҳисоб.

Ям-яшил қора тупроқ,  
Боғимда юрар баҳор,  
Пишса кўрарсан ўртоқ,  
Мевадан неча хил бор,  
Боғимда юрар баҳор.

1948

## ХАЙРЛИ КЕЧ

Хайрли кеч! Ухла, ором ол,  
Ширин тушлар кўргил, ўқувчим.  
Сен, эй нотинч, ўйноқи шамол,  
Шовқин солма, халал берма, жим!

Мен бораман ўз ётоғимга,  
Тонг отгунча билмайман уйқу.  
Ниҳол экиб ижод боғимга,  
Барг ёзишин қиламан орзу.

1948

## КАНАА ОҚШОМИ

Тупроққа ёнбошласам,  
Атрофга кўз ташласам,  
Кўрнимас чўл қиргоғи.

Дам оларди ёш-яланг,  
Усти боши эса чанг,  
Қуёш қизарган чоғи.

Саҳронинг ранги малла,  
Уйин-кулги, таралла,  
Бу оқшом катта гурунги.

Сув ва нурнинг қасдида,  
Фарҳод тоғини настида,  
Тер тўкканларини кўрини.

Элу юртдан келганлар,  
Иш кўзини билганлар,  
Яна бу кеч жамулжам.

Деррик — полвон юк тортар,  
Машина тупроқ ортар,  
Смена ишлар бардам.

Чулларда ёнар чироқ,  
Товланар яқин-йироқ,  
Каналда сув оққанда.

Тошкентдан кўринади,  
Чирчиққа нур қўнади,  
Фарҳод ГЭС ўт ёққанда...

1947

## КЕЧИР

Сени зўрға танидим, кечир,  
Зап ўзгариб кетибсан, ўртоқ.  
Тулишибсан, яғрин қўйибсан,  
Қўлларингда маржондек қадоқ.  
Тандир каби чўл қизигида  
Қизарибсан, жиддий бўлибсан,  
Қилаётган ишингдан аён.  
Ўз ўрни бор шўхликларнинг ҳам,  
Машаққатга керакдир бардош.  
Кечагина тоғни агдариб,  
Сирдарёга босган эдинг тош.  
Ниятимиз холисдир, мана,  
Бош тўғонда учрашдик икков.  
Қайда қолди сепояларинг,  
Қалай энди дарёи асов?..  
Бошқачадир қадимий чўллар,  
Зап ўзгариб кетибсан сен ҳам.  
Спецовка кийибсан бугун,  
Қайда қолди йўл-йўл беқасам?..  
Дейдиларки, мастер эмишсан,  
Янги унвон сенга муборак!  
Кечир ошна, зўрға танидим,  
Ўшанда ҳам танитди юрак.

1947



## НАЗИР ОТА ЯНА ДАРҒАЗАБ

Кўк юзини булут, чол кўзини ғазаб  
аста босиб кела бошлади.

(Уйғун)

Фурсат ғаниматдир, кунлар саноқли,  
Ишлар кўп — тегмайди бош қашишга қўл.  
Ҳаловат билмаган ошналар ҳақли,  
Ҳосил ерда ётар, — қани, ҳа, тез бўл!  
Етмиш яшар чол ҳам ухлამас тинчиб,  
Кампирлар билмайди тугун-тугунчак.  
Колхозчи ўлтирмас кўк чойни ичиб,  
Дам олин йўқ ҳозир одатдагидак.

Мен ҳам колхоз чиқдим якшанба куни,  
Назир ота яна юрар даргазаб:  
— Менга деса, ўғлим, тош ёгмайдим  
Пахтани берамиз давлатга тўплаб!..  
Ва эгат ичига кириб кетди чол,  
Мен ҳам боравердим шунда ёнма-ён.  
Бас бойлаб теришдик, ўтказмай хаёл,  
Ҳорманглар дегандай кулди тарозбон.

Ким ҳам танимайди Назир отани,  
Уни ҳурмат қилар кекса, ёш-яланг.  
Асли ўша терсин экап пахтани,  
Ўзни хижолатдан қутқардим аранг.

Келжовда ҳар кимнинг бир таниши бор,  
Шунингдек менинг ҳам тутинган отам.  
Ҳади қиш келмасдан, ёғмасидан қор,  
Бўш қолган чоғларим бераман ёрдам.

Фурсат ганиматдир, қунлар савоғда,  
Наҳотки, тек турсак қовуштириб қўл.  
Наҳот, олтин қолиб кетса тупроғда,  
Наҳот, яксон этса, уни ёмғир, дўл.  
Йўқ!

Халқ бор, Ватан бор, виждон, номус бор,  
Бир мисқол пахтамыз бўлмайди нобуд.  
Ҳамма Назир ота каби шиддаткор,  
Гуё овга чиққан эпчил, зўр бургут.

1947

## ҚУЕШ ҚАСИДАСИ

Қаловини тошилганда  
Енар экан қор,  
Сирдарёни бўғиш учун  
Биз қилдик қарор,  
Ўйладикки ўзимизни  
Урушда, жангда,  
Қарши кучни учратдик биз  
Чўлда, харсангда.

Уша кунлар унутилмас —  
Хаслда ҳамон,  
Эр сўзидан, шер изидан  
Қайтмас ҳеч қачон!  
Уша кунлар унутилмас —  
Қолур тоабад,  
Қон ичида тўлганарди  
Сталинград.

Ўтда қолиб ўртанарди  
Бог-роғларимиз.  
Қўлдан-қўлга ўтар эди  
Қишлоқларимиз.  
Юракларда ўч олов

Олди аланга,  
Мамлакатнинг барча иши  
Айланди жангга.

Бир томонда қонли фронт —  
Кескин, беомон,  
Бир томонда меҳнат жанги  
Келтирарди шон.  
Биз тўнландик Бекободда  
Ҳамма тарафдан,  
Фарғонадан, Бухородан,  
Қаршидан, Попдан.  
Биз келганда саҳро бўм-бўш  
Ҳувиллар эди.  
Қор қуюни чир айланиб,  
Увиллар эди.

Кўринарди на бир дарахт,  
На бирор кулба.  
Бўш келмадик бўронларга,  
Қилмадик тавба.

Ертўлалар қуриб олдик,  
Бошладик ишни.  
Бир томонга қўйиб гурдик  
Совуқни, қишни.  
Уша қулар кийилмади  
Йўл-йўл беқасам,  
Пахталик тўн ҳаммаиёга  
Ярашди бирам.

Ҳа демасдан ишлар қизиб  
Авжига минди,  
Бизни кўргач, гўё чўлнинг

Шамоли тинди.  
Сувни бўғиб ўт ёқмоқчи  
Бўлдиқ саҳрода.  
Не ажабдир, икки қуёш  
Бўлса дунёда.

Тилдан-тилга кўчиб юрган  
Барча афсона,  
Бизнинг элда ҳақиқатдан  
Тоғлар нишона.  
Дейдиларки, Прометей  
Қадим Юнонда  
Арш — аълодан ўт ўғирлаб  
Уша замонда  
Одамзодга келтирганмиш  
Бебаҳо инъом,  
Шунинг учун тангри уни  
Этганмиш бадном.

Шундан бери заижирибандмиш  
Оташ «ўғриси»,  
Шундан бери ерда олов  
Бормиш, тўғриси.  
Ўттиз йилдир нури элдан  
Ҳечким яширмас,  
Прометей озод бўлган,  
Олади нафас.  
Чироғларнинг нурларида  
Еруғ кўзи бор,  
Электрнинг заррасида  
Унинг ўзи бор.

Қора тунни ёритамиш  
Яратиб машъал.

Келажакка машъаллардай  
Қўямиз ҳайкал,  
Ҳар бириниз Прометей  
Келтирамиз пур,  
Агрегатлар ўрнатамиз,  
Қурамиз қувур.

Не ажабдир, вилки қўён  
Бўлса дунёда.  
Сувни бўғиб, ўт ёқолдик  
Қадим саҳрода.  
Сирдарёни жиловладик,  
Қани, марҳамат!  
Салқи-салқи йўғон сямда  
Юз минг киловатт...

1947

## ЧУЛДА

Сахро айланади, кўзим тинади.  
Паровоз қичқириб боради мағрур.  
Кечаси йўлларга қиров инади,  
Кундуз эса ёғилади нур.

Уйларим олишар шунда ўзаро,  
Не гап, поёнига ҳеч етолмайман.  
Кўзим олдидадир: уфқ ва сахро,  
Қайсиси кенг, ҳал етолмайман.

Чўл қуши бир шўнгиб, ўтиб қолади,  
Юракда армони тўлиқми, дейман.  
Паровоз тўхтайти, ҳордиқ олади,  
Бу юрт шунча улугми, дейман.

Вагон ойнасидан қарайман чўлга,  
Эҳ-ҳе! Сўнги борми — қасқда, қани?  
Уйлайман: бу элнинг чўли шу бўлса,  
Қанча экан унинг чамани?!

1947

Урмонзорга қулоқ солдим:  
Бўрон увлар, қор ёғур.  
Уша кеча шунда қолдим,  
Кетолмадим — йўл оғир...

Урмонзорга қулоқ солдим:  
Бўрон тинди, қор тинди.  
Енгил-енгил нафас олдим,  
Ой нури қорда синди.

Урмонзорга қулоқ солдим:  
Англолмадим ҳеч нима  
Ва ғалати ўйга толдим,  
Хаёл — денгиз, мен — кема.

Урмонзорга қулоқ солдим:  
Ироқлардан куй оқди,  
Уша кеча севиб қолдим,  
Уша куй дилни ёқди.

1947



## ОКТАБРЬ

Кечаги шеъримда етмас бир рақам,  
Бугун рошпа-расо ўттиз ёшинг бор.  
Сен билан эгизак туғилган одам  
Кўз очиб, бахт кўрди,  
  бахти шу диёр.

Уша кун қонларга беланган байроқ  
Бугун қилпирайди дарвозамизда.  
Партиямиз бош бўлиб гуллаган тупроқ,  
Уз нақлин тополди овозамизда.

Далада бугдойлар келар бел бўйи,  
Пахтазор, боғу роғ — бари бизники,  
Хирмонда бошланмиш колхознинг тўйи,  
Сўнгсиз қизил карвон ўғил-қизники.

Юртимиз нақадар азиз, муқаддас,  
Тупрогида бордир Лениннинг изи.  
Зафар ҳамрозимиз, баҳор ҳамнафас,  
Энди минг йилларнинг ўтди ўттизи.

Сенинг тенгдошларинг жангга кирганда,  
Босқинчи галалар бермади бардош.

Төг өшиб, сув кечиб ёни қирганда,  
Гўёки ауматни емирди қуёш.

Эртага дунёда бўлмас қора, оқ,  
Хабаш тозаламас лорднинг өтигин.  
Олтинни қўлида ўйнатган олчоқ  
Сотиб ололмайди халқлар эркигин.

Атомлар дўқидан голиблар қўрқмас,  
Заррача ҳайиққан — сотқин, мунофиқ.  
Карвон ўтаверар, ит ҳурар бирпас,  
Тинчлик сақланажак шартга мувофиқ.

Октябрь кунлари қизарган байроқ,  
Умрбод ҳилпирар дарёвозамида.  
Партиямиз бош бўлиб, гуллаган тупроқ,  
Уз нақлин тонолди овозамида.

1947

## ҚОВУН БАҲОНА

Тонг ёришди, юлдузлар ўчди,  
Яна офтоб кўкда ҳукмрон.  
Шоир қалби қоғозга кўчди,  
Мисралар ҳам туғилди равон.  
Ҳали ҳар ким ўз ётоғида,  
Ҳали чой ҳам ичилгани йўқ.  
Қанча сир бор кўнгул боғида,  
Ҳали улар ечилгани йўқ.  
Танимайди бири-бирини,  
Йўловчилар ҳали бегона.  
Кўп ўтмасдан сўйилган қовун,  
Сухбат учун бўлди баҳона.  
Қаршимдаги турган аёлдан  
Сўраб қолдим унинг отини,  
Мамнун бўлган каби саволдан,  
Айтиб берди бор бисотини:  
— Менинг шаҳрим йироқдир — йироқ.  
Туғилганман кун ботар ёқда.  
Балки сенга эй, шарқлик ўртоқ,  
У ёт бўлган қадимги чоқда.  
Энди сен ҳам биласан уни,  
Сенга таниш, сенга қадрдон,  
У ерларда ўқлар тутуни,

Будут бўлиб юрди кўп замон...  
Лойгарчилик, хазонрез куни  
Кириб келди уйимга биров.  
Жаллод экан, ким билсин уни,  
Тирноғимга югуртди гаров.  
Шўрлик онам бегуноҳ ўлди,  
Юрак-бағрим қасосга тўлди,  
Рози эдим, майли ўлимга,  
Бутун кучим келди қўлимга,  
Қон қолади икки кўзимни,  
Қалб оташга айланди тамом,  
Айтолмасдан қолдим сўзимни,  
Кўра билан урдим, вассалом...  
Тез фурсатда туриб қўзғалдим,  
Улик босиб чиқдим кўчага.  
Лаънат ўқиб ўша кечага,  
Қардош эллар сари йўл олдим...

Шундай деди: қийналди бир оз,  
Кўзларига томчи ёш келди.  
Бир нафасга чиқмади овоз,  
Томоғига гўё тош келди.  
Кечиришни сўрадим ундан,  
Эсга солиб қўйибман ғамни,  
Ошна бўлиб қолдик шу кундан  
Ва шодликда ўтказдик дамни.

1947

## ОРОЛ

Состав келиб тўхтади чўлда,  
Олидан кўк денгиз кўринди.  
Пастга тушдим — чойнак бир қўлда,  
Иссиқ шамол юзга урилди.  
Бир замонлар эл қон йиғлаган.  
Бу ерларда ўсмаган гиёҳ:  
Кечқуруну азон йиғлаган  
Шевченконинг кўз ёши гувоҳ.

Бир замонлар қадди эгилиб,  
Абай ўтган қора тунларда,  
Чексиз ситам қалбини тилиб,  
Не кўрмаган огир кунларда  
Ким эди у нуроний Жамбул,  
Таёқ синмасмиди бошида!  
Саодатни топмаганми ул,  
Фақатгина кекса ёшида...

Энди бу эл бахтиёр, шодмон.  
Нақадар мавж урибди толе!  
Сигдиролмас эди бир замон  
Бундай бахтни шоир хаёли.

Овулларда ёнади гулхан,  
Адирларда педа юради.  
Қозоқ айтган ўйноқи ўлан,  
Узоқлардан келиб туради.  
Чексиз саҳро, лежувард Орол,  
Бор бисотин қилади кўз-кўз,  
Қараганча турар эдим лол,  
Сигнал бериб қолди паровоз.

## ҚИЗИЛ МАЙДОН

Рўпарамда қадимий ҳайкал:  
Минин билан Пожарский у!  
Қизил майдон муаззам, гўзал,  
Шарафимиз акс этган кўзгу.  
Бу майдоннинг достони узуи,  
Талай аср саргузашти бор.  
Не-не ишлар шу ерда яқун  
Тошганига тарих ҳам иқрор.  
Бу майдонда қонлар тўкилган,  
Табаррукдир унинг ҳар тоши,  
Ойболтанинг дами букилган  
Чопилганда Разиннинг боши.  
Бу майдондан энди қон ариб,  
Қон ўрнига бахт барқарордир.  
Бу майдондан байроқ кўтариб  
Ўтганларни кўрганим бордир,  
Бу майдонда улуг мақбара,  
Мақбарада ётади Ленин.  
Бу майдонда бир неча бора  
Кўз-кўз қилган халқим ўз эркин...  
Уйлаганда ёдимга тушар,  
Москвага ёв қилган ҳужум.  
Хаёлларим қуш каби учар

Ва қоламан бир нафасга жим...  
Кўз олдимда ёмғир, қор демай,  
Мағрур турган аскар қатори,  
Остонада душман бор демай,  
Саркарданинг айтган шиори...  
Қизил майдон,  
азамат майдон,  
Қозонилган шоннинг гувоҳи,  
Шу майдонга қарайди жаҳон,  
Шу майдонда халқлар нигоҳи.

1947



## ПОЙТАХТ

Россиянинг тўхтамас қалби,  
Сен борки, ҳур бўлди ҳаётим.  
Сен халқларнинг кураш мактаби,  
Оғир жангда толмас қанотим.  
Сени десам, шеър равон келур,  
Сени десам очилур баҳрим.  
Сени десам бўламан масрур,  
Кўнглим жўшар — туrolмайман жим!  
Олға сурдик йиллар қарвонин,  
Курашларда қонлар тўкилди.  
Байроқ қилиб Лениннинг номин  
Халқларимиз жангларда бўлди.  
Курашларда ҳақ учун ўлган  
Наслларнинг ҳаққи сендадир.  
Аслларнинг ҳаққи сендадир,  
Сенга йиллар мазмуни тўлган,  
Мушибатлар бошимдан кетди,  
Шодлиқларим тошқин бир дарё.  
Она-Ватан кўзимга зиё,  
Юрагимга иқбол беркитди.  
Сени, сатрларни янгратиб,  
Куйлаганим куйлаган энди.  
Сени миллионларга англадиб,  
Сўйлаганим сўйлаган энди.

1947

## УЛМАС СИЙМО

Асл мисраларнинг қофияси у,  
Бўрон қушларидан баланд парвози.  
Китоб варақласам, тунлар беуйқу,  
Мазмундор жилдлардан келур овози.

Ҳали юрар эди у яланг оёқ,  
Бола хаёлини чулғаб аламга.  
Бор мулки шу эди — халта ва таёқ:  
Сирини айтарди фақат қаламга.

Ётлар эшигида юрди хору зор,  
Унга дорилфунун бўлди шу ҳаёт.  
Россияни кезиб, кўрмади баҳор,  
Россияни кезиб чиқарди савод.

Волга тунларини ўтказди уйғоқ,  
Уявга ўхшаш бир ҳамдам излади.  
Бурлақлар додига соларкан қулоқ,  
Уларнинг дардига малҳам излади.

У билан қайғудош элатлар, эллар,  
Улуғ айёмларни қилолди сўроқ.

Горький эмасми, бешинчи йиллар —  
Чақмоқ чаққанида момақаадироқ...

Нижкилоб онаси Ниловна кампир  
Улмас Павелларни ташлади жангга.  
Россия ўтмиши жанговар сатр,  
Ҳар сатр қалбларда олди аламанга.

Мамлакат уфқидан кўтарилди шом,  
Улуғ Ленин ўйлар эди эртапч.  
Ҳали тополмасдан унга лойиқ ном,  
Горький ёзар эди замон эртагини,

Горький мисралари отагини, сулуви...  
Пешона теридир — битилган сиеҳ,  
Ишчилар синфининг виждонидир у,  
Адиблар адиби, устоз, нушт-паноҳ!

1946

## ИИЛНОМАГА ЯНГИ САҲИФА

Халқим Кремлга сим қоқди яна,  
Минг йиллик чўлларда барг ёзди ҳаёт,  
Иилномага ёзди тарихчи:

— Сана

Минг тўққиз юз қирқ олти.—  
Ҳар йилдан зиёд.

Бу йил Бекободда янги бир қўрғон,  
Қўрғонки, пулатдан девори, томи.  
Ҳали бу дебоча, беш йиллик дoston,  
Қалбига сиғмайди халқнинг илҳоми:  
Шарросдек қуюлар, қайнар, жўш урар  
Тарих китобига қўшар саҳифа,  
Халқим ҳовучида темир ўкирар,  
Довуд пайгамбар-чи:

эски латифа!

Совет кишиси, шу оддий бир одам,  
Муъжиза яратмиш, тасвири узун.  
Бекобод чўлида тантана, байрам.  
Ол байроқ аксидан юзлар лолагун...  
Халқим Кремлга сим қоқар яна,  
Шоирлар ёзади энг яхши шеърин.  
Заводга гишт қўйган рабочий, ана:

Кулиб туриб артар пешона терни.  
Она партиямиз йўллади салом  
Узининг азамат ўзбек ўғлига.  
Меҳнат билан ўтган кундуз ва оқшом,  
Бахт нурини сочар ҳаёт йўлига.  
Ватан ерига ёв қўёлмас қадам,  
Юртимиз мустаҳкам, қалъаи жаҳон.  
Ғолиб қўшинимиз тайёр ва бардам,  
Лўттибоз душманни этади яксон.  
Металл зарур,  
Кани берингиз металл!  
Юзинчи йилларга бўлсин пойдевор  
Ленинчи ёш авлод ишлайди жадал,  
Мана, Бекободда бир завод тайёр.

1946

## БАҲОР ВА ШЕЪР

Баҳор кирди Тошкент боғларига ҳам,  
Сувлари марварид, туироқлари зар,  
Ариқ дабларида ниҳол барг ёвар,  
Теварак гулбаҳор, теварак кўркам.

Бинафша тергани қизлар келади  
Ҳар кун қўшиқ айтиб анҳор бўйига,  
Созини жўр этиб баҳор тўйига,  
Беқарор шамоллар ўйнаб елади.

Баҳор узатади лола жомини  
Парвариш айлаган ўз боғбонига,  
Йўлида кўзлари тўрт жононига  
Шаббода келтирар ёр саломини.

Уфқ тағларига қарайман хуррам,  
Халқим бунёд этган бўстон кўринар,  
Юракда шеърларим гиёҳдек унар,  
Ҳаётдан лавҳалар кўчирар қалам.

1945

## Е Л

Кеча ойдин. Юлдузлар кўкда —  
Кумуш сойда кўрар ўзини.  
Ел юради олма, ўрикда,  
Япроқларга суртиб юзини.

Мен яшаган муқаддас тунроқ  
Елларга ҳам азиз кўринар.  
Боғларимга кириб бесўроқ,  
Юзларимга майин урилар.

Гоҳ кетолмай қолиб, боғларда  
Барглар аро шовқин солар ел.  
Гоҳ тоғларда, гоҳ қирғоқларда  
Эркин-эркин нафас олар ел.

1945

## ЯҚИНДА БОРАМАН

Сени кўп соғиндим, қайта олмадим,  
Иложим бўлмади, шу экан қисмат.  
Юрагимни хатда айта олмадим,  
Бошқа экан юрак, бошқа экан хат.

Букун замбараклар отишдан тинди,  
Эл кутган яхши кун бўлди барқарор.  
Ўқлар бўронидан асар йўқ энди,  
Бизни қаршилайди гул гутиб баҳор.

1945



## ЯХШИ НИЯТ

Деразангни оқшом очиб қўй,  
Ой-юлдузлар кўриниб турсин.  
Шаббодалар таратиб хушбўй:  
Атрофингда айланиб юрсин.

Уша кеча ухлама сен ҳам,  
Бегона тут кўзга уйқуни.  
Эшигингнинг олдидаги шам  
Ёниб турсин, унутма шуни!

Йўлида кўз тутганинг келар,  
Ёруғ юз-ла чиқиб қарши ол!  
Шон қозониб, кутганинг келар,  
Яхши ният, дерлар, ярим мол.

1945

## ДЕЙДИЛАРКИ..

Дейдиларки, кўп эмиш санда  
Жонои қизлар берган армуғон.  
Сен уларни даҳшатли жангда  
Ғолиб чиқиб олганинг аён.

Дейдиларки, ҳаммасини ҳам  
Сақлармишсан доим ёнингда.  
Аmmo бирин беркитиб маҳкам  
Асрармишсан, дўстим, жонингда.

Дейдиларки, севги эмиш бу —  
Фронтчи бир қиздан армуғон.  
Жангларга шу ётганмиш жоду,  
Бермаганмиш душманга омон.

1945

## ЕР ҚАЙТАДИ

Ер қайтади жангдан, сафардан,  
Елкасига ортиб бахтини.  
Дарак берар у зўр зафардан,  
Уринлатиб қилган аҳдини.

Ер қайтади, тинчлик қайтади,  
Шодликларга бўлмас ниҳоя.  
Ер кутгай қиз қўшиқ айтади,  
Ингит унга сўйлар ҳикоя.

1945

## АКАМ КЕЛАДИ

Бугун бизнинг уйда зўр байрам,  
Дунё-дунё севинч бўлса кам.  
Онам кўзи шодлигидан нам,  
Чунки полвои акам келади!

Ёв бошига ажал, дод солган,  
Улганларнинг қасосин олган,  
Оғир жангда соғ-омон қолган  
Марди майдон акам келади.

Йигит орин дилда сақлаб у,  
Халқ ишини доим ёқлаб у,  
Она сутин жангда оқлаб у,  
Ер юзига бўлди овоза.

Асраб қолди азиз туяроғини,  
Елкадошин, уруг-аймоғини,  
Колхоздаги гуллаган боғини,  
Ёвни қириб, парчалаб роса.

Уни кутиб турарди хатар,  
Хатарларни енгди ҳар сафар.

Ёвни қувди Берлинга қадар,  
Номи бўлди тилларда дoston.

Йўлларида унди долазор,  
Бир кўришга қанча эл хумор,  
Кўкрагида Олтин Юлдуз бор,  
Атайдилар уни қаҳрамон.

Акам ботир, ёвни енгган шер,  
Гўё мени қутлаб осмон — ер:  
Қаҳрамоннинг укаси шу, дер,  
Чунки уни ҳамма билaди.

Севинаман, қаҳ-қаҳ ураман,  
Эл ичида мағрур юраман,  
Шу қўшиқни куйлаб тураман:  
«Бугун менинг акам келади».

1945

Сени кўрдим соҳилда,  
Тураб эдинг хаёлчан,  
Шубҳа туғилди дилда:  
Кўз тутганинг ким экан?

Сени кўрдим соҳилда,  
Кутганинг келди, жонон.  
Ном чиқарган у элда,  
Душманини этиб яксон.

Сени кўрдим соҳилда,  
Боролмадим яқинроқ.  
Тўлқин мени шу хилда  
Олиб кетди кўп йироқ.

Сени кўрдим соҳилда,  
Ой шом еган маҳали.  
Сочинг ўйнарди елда,  
Эслайман ҳали-ҳали.

1945

Деразамга урилган шамол  
Салом айтди сендан ўша кеч.  
Висол кунин қилганда хаёл,  
Шеърлар ёзмай иложим йўқ ҳеч.

Димогимда гулларнинг иси,  
Уфқларда эртаг акс этар.  
Бевақт келиб илҳом париси  
Кечалари уйғотиб кетар.

Чироғ ёнар... уйда бир ўзим  
Ўлтираман пичирлатиб лаб.  
Тонг оттирар уйқусиз кўзим  
Сатрларда сени хотирлаб...

Сен ўшанда бир қуёш бўлиб,  
Тоғ ортидан кўтарасан бош.  
Салом, дейман севинчга тўлиб,  
Беихтиёр кўзга олиб ёш.

1944

## А Л Ь Б О М

Қиз альбомини варақлаб кўрдим:  
Хотиралар экан бус-бутун.  
Бир варағин мен ҳам тўлдирдим,  
Аммо кўнгил тўлмади, нечун?

Мен бошлаган шеър чала қолди,  
Жангга кириб кетдим ўша дам.  
Мен турган полк ғарбга йўл олди,  
Ёв ернига биз қўйдик қадам.

Ғурбатдаман ўшандан буён,  
Қўлимдан ҳеч тушмас милтиғим.  
Йўқолди деб қилинса гумон,  
Ёв кўксидан топилар тигим.

Ўтказаман кеча-кундузни —  
Ўт ичида... йўқдир оромим.  
Лекин озод этилган қизнинг  
Альбомнда бор менинг номим.

1944



## УТИНЧ

Ёшлик, сендан шодман то абад,  
Унутмайман бутун умрга.  
Бағишладинг меҳру муҳаббат  
Ва умримни буркадинг нурга.

Галстуғим ҳилпираб, боғда —  
Юрганларим ёдимда ҳали.  
Ёнар эдим ўтли қучоғда,  
Ишқинг билан ўша маҳали!

Бу гал сени учратдим жангда,  
Дарғазабсан, қўлингда қурол.  
Ёвга қарши ўт бор танингда,  
Тўзғитасан гўёки шамол.

Шунинг учун шодман то абад,  
Ҳар бир жангда сенинг ҳиссанг бор.  
Келажак — у сеники фақат,  
Эй ёшлигим, яша бахтиёр!

Йиллар ўтиб, қариган чоғда  
Қўмсаб қолсам, ранжима мендан.  
Ташлаб кетиб қолдирма доғда,  
Фақат шудир ўтинчим сендан!

1944

## СОЛДАТ

Мен солдатман, эгнимда шинель,  
Қўлимда бор оташин қурол.  
Уқ ёғдирсам баслашолмас сел,  
Ёв қочади гўё қорамол.

Эл олдида ичганман қасам,  
Адолат ва тинчлик шиорим.  
Қиргин тезда топажак барҳам,  
Ушангача йўқдир қарорим.

Қирмоқдаман фашист ўгрини,  
Ҳисобимда ҳозир юз ўттиз...  
Ростга чиқди: — Россияга уни  
Ажал ҳайдаб келди,— деган сўз.

Мен солдатман, эгнимда шинель,  
Қўлимда бор оташин қурол.  
Уқ ёғдирсам, баслашолмас сел,  
Ёв қочади гўё қорамол.

1944

## ЛЕНИНГРАД

Салом, Ленинград, азамат шаҳар,  
Салом, эй музаффар шимол пойтахти!  
Мен зиёрат этгали келдим  
Олис бир ўлкадан йўл босиб саҳар,  
Сени кўриш эди шоирнинг аҳди.

Нева бўйларида юраман бу кун,  
Шимол шаббодаси юзга урилар.  
Жароҳатни даволаш учун  
Ботир халқ жонини бергудай тун-кун,  
У менга қадрдон, қондош кўринар.

Менинг республикам Ўзбекистондир,  
У ёқда серқуёш илиқ тонг отар.  
Юрагимиз жуда ҳам яқин.  
Шунинг-чун олис йўл бизга осондир,  
Орамизда улуг Москва ётар.

Мен сени севаман, тупроғинг азиз,  
Сен учун жанг қилди ўзбек ва қозоқ,  
Сенинг учун тўкилди қонлар,

Бу оғир фожиа унутилмас тез,  
Тарих жилдларида қолажак мутлақ.

Мен сени севаман, қаҳрамон шаҳар,  
Шеърят диёри, Пушкин ватани.  
Мен шарқда яшайман, лекин —  
Ўйлайман, куйлайман қалбдан ҳар сафар,  
Ер юзига дoston қиламан сани.

1943

## СОҒИНИШ

Боғим тўла турли-туман гул,  
Сенга атаб ўстирганим шул.  
Аmmo жуда соғинар кўнгил,  
Ака, сени ўйлаганимда.

Уртоқларим солишар қулоқ,  
Хатто тинглар боғдаги япроқ.  
Қушчалар жўр бўлар ўша чоқ,  
Ҳикоянгни сўйлаганимда.

Тиниқ тортиб ложувард осмон,  
Юлдузлардан тақади маржон,  
Севинади ҳар бир тирик жон,  
Сен ёвлардан қасос олганда.

Душманингга берма сўзингни,  
Уқ — чақмоқ қил икки кўзингни,  
Унутмағид, ака ўзингни  
Улим дилга ваҳма солганда.

Ака, сендан шундай бир ўтинч:  
Ёвларни қув, Ватан бўлсин тинч!

Енгин учун өзгү қасам ич,  
Олмос қилич сенинг қўлигда.

Соғинаман, уйлайман ҳар вақт,  
Дўстларимга сўйлайман ҳар вақт,  
Мардларингни куйлайман ҳар вақт,  
Икки кўзим сенинг йўлигда.

1942

1941

Июнь. Ёзнийг энг иссиқ кунн,  
Оқ кийинган әди одамлар.  
Фақатгина биламан шуни:  
Фароғатда ўтарди дамлар...  
Кўкни булут қоплади ногоҳ,  
Ут ёғдириб қолди замбарак,  
Чегарага чўкди тун — сиёҳ,  
Алангада ўртанди фалак.  
Сен жўнадинг... қирғоқдаги тол  
Оқ йўл тилаб қолди кетингдан,  
Девол ошиб ўйнаган шамол  
Сўнги бўса олди бетингдан.  
Ушанда мен қилмадим кўз ёш,  
Аммо ичдан йиғлади юрак,  
Айрилиққа ким этса бардош,  
Шунга насиб олтин келажак!

1941

## ФРОНТДАН ХАТ

Кўндан бери ёзолмадим хат  
Оқ қоғознинг бетин тўлдириб.  
Жоним, сўймас ўтли муҳаббат,  
Ел этаман тунлар ўлтириб.

Биз биргамиз узоқ бўлсак ҳам,  
Ўз аҳдимдан кечган эмасман.  
Айрилиқни енгилан бардам,  
Ўз бахтимдан кечган эмасман.

Сенинг овоз яшашиг учун  
Жанг боради, жангки беомон.  
Ўт чақнайди, бурқийди тутун,  
Қора кучлар бўлмоқда яқсон!

Олға қараб кетмоқдаман тез,  
Дарёлардан, тоғлардан ўтиб...  
Соғиниб кут, уруш тинган кез  
Қайда бўлмай, бораман етиб.

Кўз олдимда ўзингсан ҳамон,  
Кўз олдимда шаҳар, қишлоқлар,



Дала-ю дашт, адир, сой, ўрмон,  
Суви қуриб битган булоқлар.

Кўз олдимда жонажон тупроқ,  
Набланган дўстлар, қондешлар.  
Кўз олдимда сарғайган япроқ,  
Ингитликда қариган ёшлар.

Дарё бўлиб оққан — сув эмас,  
Етимларнинг тўккан кўз ёши.  
Қўлимдадир менга муқаддас,  
Халқим берган ичтиқом тоши.

Даргазабман элнинг гамида,  
Ёвни барбод этмай қўймайман!  
Юрак ёнар ўч аламида,  
Юртни озод этмай қўймайман!

Жангда тақдир этилмоқда ҳал!  
Кимга ҳаёт ва кимга ўлим.  
Фашизмни ютмоқда ажал,  
Гитлерчининг бўғзида қўлим.

Эрта уруш тугаса тамом,  
Сенга шодлик олиб бораман.  
Зафар учун тўлдирилсин жом,  
Бахт, озодлик олиб бораман.

1941

Йўқ! Шоирлик даъво қилмайман,  
Ўзганларим ҳали бир ҳавас.  
Кибру ҳаво нима билмайман,  
Меҳнат билан оламан нафас.  
Шеърларим бор битмаган, чала,  
Битса ўқиб бераман ўзим.  
Ота бўлсам, шеъримдир бола,  
Шеъримга сарф кеча-кундузим.  
Баъзан тонглар отади оппоқ.  
Ухламайман, қотади бошим.  
Кўнилса ҳам нурга ҳамма ёқ,  
Тугамайди сабру бардошим.  
Балки, шудир шоир одати,  
Мен ҳам шуни оқлай олсам бас!  
Яхши сатр бахт-содати,  
Мен ўзганлар ҳали бир ҳавас.

1940

## НАВРУЗ ЯЛЛАСИ

Баҳор этагида гул-чечак келди,  
Боғлар беткайида банорас бир тус.  
Сен ҳам кел, севгилим, кўзлари фируз,  
Баҳор отли гўзал келинчак келди.

Яшил япроқларда ўйнаб қолар нур,  
Кун баҳор булутин чокни сўкса,  
Олмос оппоқлиги ерларга чўкса,  
Боғларга чиқайлик, дилоромим, юр!

Гулрез шаббода ҳам дайдиб қолади,  
Новда-ниҳолларга қўнганда шабнам.  
Гулдан ширин бўса сўраб субҳидам,  
Булбул ашуласин айтиб қолади.

Ҳаёт кўринади чиройли, кўркам,  
Кўкда юлдузларнинг ранги ўчганда,  
Шафақ қизиллиги юзга кўчганда,  
Буқундан яхшироқ туюлар эртам.

1940

## ГИЛОС

Сени кўрдим буюгда,  
Гилос пишганда боғда.  
Сочларингдан тортқилаб,  
Еллар ўйнаган чоғда.

Лабинг гилосга ўхшар,  
Кўзинг чаросга ўхшар,  
Жоним, сенинг кийганинг  
Нурли либосга ўхшар.

Гилос ширипми, ё сен!  
Ширинликда танҳо сен.  
Боғинг тўла гул бўлса,  
Гуллар ичра раъно сен.

Сенинг севганинг гилос,  
Айт-чи, шу ёлғонми, рост!  
Менинг яхши кўрганам,  
Фақат ўзингсан, холос.

1940

## ҚИШ ЭРТАСИ

Сабо етаклади боғларга юрдим,  
Қор учқуни ўйнар эди сарфароз.  
Гулшанимда ажиб лавҳалар кўрдим.  
Осмони тўлдириб янградим овоз:

Бу фасл — қиш, нуроний, гўзалликка ҳас,  
Узоқ ўлкалардан келмиш орзиқиб,  
Қор ва муздан кийиб оқ ҳарир либос,  
Уни кутиб олдим мен пешвоз чиқиб...

Қуирузлар қисқариб, узайди тунлар,  
Кўкдан аримасдан қолди оқ булут.  
Урмоннинг барглари солар шовқинлар,  
Қуёш кўтарилса уфқлар ёқут.

Қарасам, ортимда саноқсиз излар,  
Аёв қучоғида порлар баёз нур.  
Илҳом келиб шеър ёзишга тезлар,  
Қамолотга етар экан тафаккур.

Бордим яқинлашиб уйим ёнига,  
Дераза ойнасин нақшбанд кўрдим.  
Қадам қўйиб оппоқ қиш бўстонига,  
Келажак ҳақида узоқ ўй сурдим.

1940

## 21 ЯНВАРЬ

Нега илҳом қаноти сиёҳ,  
Нега бунча юракларда оҳ,  
Бошга тушди не кулфат ногоҳ,  
Жавоб берсин, бунга коинот?  
Коинот жим рўпарамда мот!

Нега кўнгил бунча сарсари,  
Қайга учди кўнгил каптари,  
Мотам тутар бутун ер шари,  
Кексаю ёш тутолмай кўнглин,  
Олиб борар жудолик гулин.

На кундузи кўрinar қуёш,  
Кечаси ой кўгармайди бош.  
Юлдузлар ҳам тўка-тўка ёш  
Кўк юзидан кетди бедарак,  
Мусибатга ўралди фалак.

Ленин ўлди, қадрдон доҳий,  
Ишчи синфнинг азиз паноҳи,  
Она-Ватан — Ленин даргоҳи —  
Мангу содиқ, кўз ёш шашқатор,  
О, тобутда бир қуёш ётар.

1939

## ҲАЁТ ГУЛШАНИ

Яна баҳор, юксалар орзум,  
Яна гўзал, севимли даврон.  
Дилбар ҳаёт қитиқлар дилни,  
Яна шодлик, бор умрим равон.

Яна кўкда ой, юлдуз кулар,  
Яна оқшом табассум қилар.  
Кезиб юрган кечки шаббода  
Яна менинг юзимни силар.

Яна дилни эркаловчи тонг,  
Яна ҳаёт илҳом манбаи.  
Севинчларим, завқларим қайнар,  
Ватанимда ҳаёт гулшани.

1938

## ТУШ

Баланд тоғ бошида туман рўмоли,  
Покиза ўралган ва жуда енгил.  
Кеч бўлган чоғларда оқшом шамол  
Жимгина қўзгалса, очилар кўнгил.

Мен аста ётаман ўз тўшагимга,  
Онадай аллалаб сийпалар шамол.  
Кўзларим юмилиб кетса уйқуга,  
Тушимда кўраман ажойиб бир ҳол:

Гўё мен ўлимни асир қилибман,  
О, энди ўлим йўқ, мангу бир яшаш,  
Маршрут олибман қуёшга томон,  
Дилимда жасорат — дилим бир оташ.

1938



## ҚОРБОБО

Ҳой болалар, ўйнаб турингиз,  
Бир дам қўшиқ куйлаб турингиз.  
Ҳозир сизга азиз, жонажон,  
Соқоллари оппоқ қорсимон  
Қари меҳмон келиб киради,  
Отин айтсам ҳамма билади.  
Қорбобо деб атайлар уни,  
Қордан унинг соқоли, тўни.  
Арча гўзал ясанган чоғда  
Ўйимизга меҳмон бўлармиш.  
Ҳамма бола тўплангандаи сўнг,  
Совға олиб келиб қолармиш.  
Деб шу замон кўчага кетдим,  
Тезлик билан дўконга етдим.  
Совғаларни халтага солиб,  
Қорбободек кийиниб олиб,  
Ўйга қараб равона бўлдим.  
Қарасамки, бутун болалар  
Қўшиқ айтар, ҳикоя сўйлар.  
Шу он аста мен келиб кирдим.  
— Салом,— дедим, қўлимни бердим.  
Хурсанд бўлиб ҳамма болалар  
Атрофимни қуршаб олдилар.

Улар билан анча ўйнашдим,  
Сўнгра совгаларни улашдим.

— Хайр,— дедим,— азиз болалар  
Бахти кулган қувноқ долалар.  
Алло ўқинг, соғ бўлинг, ўсинг,  
Келаси йил шу куни кутинг!

Январь ели билан мен елиб,  
Сизни ўйнатарман бир келиб.  
Болалар ҳам тилашиб оқ йўл,  
Хайрлашди, дейишди — соғ бўл!

1938

## БАХТ

Ойпош опа тўнғич ўғлини  
Хушнуд кунлар келганда кўрди.  
Она бўлиш қандай саодат,  
Кўзларида қувонч мавж урди.  
Ота-она ҳадсиз шодлашиб,  
Қаҳрамон деб ном қўйди унга.  
Фарзандини қучаркан ота  
Дилда меҳри олур аланга.

Рўзмат ака бардамлик билан  
Кетмон урар колхоз боғида.  
Давлати зўр, ҳосили ҳам мўл,  
Чаманзорнинг гул қучоғида.  
Ойпош опа тер тўкиб ишлар,  
Ударниклар билан жонажон.  
Саодатни ишдан топган ул,  
Гулшан умри яшнайди ҳамон,  
Мақтабида аъло ўқийди,  
Севиклиси ёш Қаҳрамони.  
Тили бийрон, мисоли булбул  
Ўқигани ҳаёт дostonи.  
Колхозларда сонсиз қурилиш,  
Колхозчининг уй-жойи янги.

Барча бирдек, барча тўқ турмуш,  
Кўнгилдир унинг ҳар тонги.  
Ҳалол меҳнат қилиб ўтган йили,  
Ойпош опа бўлган нишондор.  
Унинг шодлик, хурсандлигига —  
Шерик бўлди дўстлар баробар.  
Қаҳрамон ҳам орденни кўрса,  
Онасини қучиб шодланар,  
Мен агроном бўламан, деган  
Юрагида яхши орзу бор.  
Шунда: «Онанг гиргиттонинг» — деб  
Уғилчасин Ойпош ўпади.  
Оқшом чоғи отаси келиб,  
Бахтлिसан, деб меҳр сепеди.

1938

Ҳали осмон юлдуз макони,  
Косинотга юлдуз сочилган.  
Ёқимли тонг нашъалар кони,  
Сайқал топиб баҳри очилган.

Ёз ҳидлари анқир эрта тонг,  
Тун алласин тарк этиб турсам,  
Жавлон урар миямдаги онг,  
Гулзорларни оралаб юрсам!

Ёл сочингни тароқлаб ўтса,  
Уйғонаман ширин уйқудан.  
Тонг юзига қуёш нур сепса,  
Қувонаман сахий кулгудан.

1937

## УКАМНИНГ ОРЗУСИ

Укам кичик, жуда ҳам кичик,  
Олти ёшга ҳали етмаган.  
Ёш бўлса-да, зийрак ва тетик,  
Суюклари роса қотмаган.

Жингалакдир қора сочлари,  
Кўнгли эса нур билан тўлган.  
Ёниб турар шаҳло кўзлари,  
Оппоқ юзи кун каби кулган.

Эрта билан боқчага бориб,  
Хурсанд бўлиб, ўйнаб келади.  
Поёни йўқ севинчга тўлиб,  
Қўшиғини ёддан билади...

Юзларидан ўпдим эркалаб,  
Кўтаргандим севиниб кетди.  
Эртаси кун туриб эрталаб,  
Орзусидан бир шингил айтди:

— Ака,— деди — милтиқ келтиринг,  
Мен ҳам қизил аскар бўламан.  
Милтиқчамни осиб бўйнимга,  
Сизлар билан постда тураман.

— Хўш,— десдим-да, ваъдани бердим,  
Суюнғандан қучоқлаб олдим.  
Уша қилиғи ёдимда қолди.

1937

## БИЗ — ЕР ҚУЕШИ

Кўхна қуёш, сен ҳам шодми,  
Кулиб қарайсан?  
Гавҳар сочинг ювилганми,  
Мунча тарайсан?

Қора тунни ёритасан,  
Порлаган чироқ,  
Эндликда бизнинг ора —  
Эмасдир йироқ.

Қудратли Ватанимиз  
Илҳом булоғи.  
Кучга тўлган, етилган,  
Йигитлик чоғи.

Нур етмаган узоқ элга  
Фонарь ўтказдик.  
Юлдузи йўқ қора ерга  
Зиё етказдик.

Кўхна қутб диёрига  
Нур бешик бўлди.



Хира юзи бизнинг нур-ла  
Ой каби тўлди.

Шухрати зўр мамлакатим  
Бахтлар йўлдоши.  
Сен бир қуёш бўлсанг кўкда,  
Биз — ер қуёши.

1936

Юрак, ўзинг куй ижодчиси,  
Чал ҳаётнинг қувноқ, шўх найин.  
Мардлик сенда, ҳарорат сенда,  
Тараннум қил севги эртагин.

Тўхтамасдан тўлқинлан, яйра,  
Бахт қўшигин яратгувчи соз.  
Булбулларни маст қилиб сайра,  
Жўш уради сенда эҳтирос.

Юрагим, сен суянган тоғим,  
Шеър сенда мисоли вулқон.  
Адо этгин Ватан хизматин,  
Орзуларим ушалсин ҳар он.

1936



РУБОЙЛАР



Қуёшга интилмай ким яшар? Ҳеч ким!  
Ленинга сиғинмай ким яшар? Ҳеч ким!  
Тақлид, андозани ёқтирмаса ҳам,  
Унга тақлид қилмай ким яшар? Ҳеч ким!

Япроқ мавж уради елнинг бағрида,  
Илдиз панжа ёзар ернинг бағрида.  
Инсоннинг юраги, ақлу гидроки  
Қамолот топади элнинг бағрида.

Балаандпарвоз лочин ҳам қўниб учади,  
Тоғнинг метин тоши ҳам баъзан қўчади.  
Ҳаво қилма ўткинчи шону шуҳратга,  
У бевафо ошиқдай ўйнаб қўчади.

●

Элга йўл тополсанг, эр бўлганинг ҳақ.  
Евқирлар сафида шер бўлганинг ҳақ.  
Элдан адашгудай бўлсанг мабодо,  
Юзинг қора бўлиб, ер бўлганинг ҳақ.

●

Тоққа енгил чиққан, қайтади оғир,  
Чағир харсанглардан оёғи яғир...  
Қийналиб тармашган юксалиб борар,  
Тог ўзи онадай очади бағир.

●

Лайлатулқадрай ўтади умр,  
На диний ақида, на бор сир, сеҳр;  
Лаҳзани бой бермай тутиб қололсанг,  
Сен тутган хазина оламга татир.

Яшашга ишонч зўридан одам —  
Улимни хаёлга келтирмайди ҳам.  
Қуёшга қўл чўзиб, тутгудай бўлса,  
Бағрини очмасдан кўрсин-чи олам!

Инсоннинг парвозидан фазо ҳам таажжубда,  
Панд беролмай қолгандан қазо ҳам таажжубда.  
Бу ақл-заковатдан, мардлик ва маҳоратдан  
Таажжуб эмас, бўлса худо ҳам таажжубда.

Коммунизм яқин! Аҳд қилган етар,  
Сафар жабдугини тахт қилган етар.  
Уз виждон бурчини этмасдан нася  
Манглай тери билан нақд қилган етар.

Дейдиларки, шоир зоти икки бор яшар эмиш,  
У ўлса ҳам шеъридаги эътибор яшар эмиш.  
Демак, ундан топилмаса икки умр бисоти,  
Бир умрга қарздор бўлиб, интизор яшар эмиш.

Шодликнинг умри узун, аламнинг умри қисқа,  
Оламдан ўтганларга оламнинг умри қисқа,  
Келажакка обида бўлолмайди меҳнати,  
Ёлгон-яшиқни ёзган қаламнинг умри қисқа.

Сўзнинг боши — дарё тоши, дейди халқ,  
Партияни карвонбоши, дейди халқ:  
Миллионларнинг қалби, ақли, виждони,  
Кўз қароғи, бахт наққоши, дейди халқ.

Ильични кўраман — барҳаёт мангу,  
Халқларга бахт йўлини кўрсатди у.  
Кремлдан чиқиб келади гўё  
Қуёш кўтарилиб, сочганда ёғду.

Кўшиқ қалбдан сатрларга синггани яхши,  
Гар измингдан чиқса, қалам сингани яхши,  
Севги, нафрат туйғулари жанг қилолмаса,  
Уша лаҳза томирда қон тингани яхши.

Эй, она юрт, бахтга бойсан десам, адашмайман,  
Тантиликда Хотамтойсан десам, адашмайман.  
Наинки Ер, сайёралар ўтли диёрига  
Эрк ҳайкали, фахр, чиройсан десам, адашмайман.



Осмон гумбазида кенглик кўраман,  
Қуёш гардишида чўнглик кўраман,  
Эй, она юрт! Сенга ташласам назар,  
Инсон манглайида тенглик кўраман!

Ёмонга яхшилар ҳам ёмон кўринади,  
Фойдали иш бўлса ҳам зиён кўринади.  
Ундан гумонсирашнинг ҳожати йўқ, чунки  
Гоҳ ўзи ўзига ҳам гумон кўринади.

Тинчлик, хотиржамлик — беғамлик эмас,  
Ўт билан ўйнашиш — ўктамлик эмас.  
Ўз халқин тақдири учун курашда  
Жангга кирмаслик ҳам одамлик эмас.

Кўрқоққа қўшалоқ кўринса, ҳечқиси йўқ,  
Яп-яқин ҳам йироқ кўринса, ҳечқиси йўқ.  
Узин соясидан ўзи кўрққан кишига  
Учқун худди чақмоқ кўринса, ҳечқиси йўқ.

Мард йигитнинг майдонга чиққани таажжубмас,  
Пистирмадан ёвонга чиққани таажжубмас,  
Номард макр-хийла билан кирганида қурашга,  
Ҳар қадами зиёнга чиққани таажжубмас.

Уй тор бўлса ҳам кўнгила кенлигига не етсин,  
Даврадаги дўстларнинг тенглигига не етсин.  
Ҳазил билмас жирттаки сўзингни чинга йўйиб  
Чидолмаса, ҳазилнинг чинлигига не етсин.

Қачон якка дарахт ўрмон бўлибди!  
Елғизга қайси иш осон бўлибди!  
Қай доно ўзини ягона билса,  
Афсуски, бир ўзи нодон бўлибди.

Муҳаббат сўрамас ижозат,  
Аmmo кўп бу йўлда риёзат.  
Ким бардош беролса, шубҳасиз,  
Бахтлидир ва руҳан бадавлат.

Аччиқ ҳақиқатни айтганда, тур тек,  
Эй, юрак! Танги бўл, сақламагил кек.  
Хижолат этса ким ёру дўстини,  
Унга меҳру шафқат эшиклари берқ.

Ўзига эн бўлмаган буй бўлолмас бировга,  
Тобланмаган маъдандай бардош бермас синовга,  
Ғоз юриш қиламан деб, мақтанганидай чумчуқ  
Чатаноғи йирилиб, кулги бўлар ялқовга.

Имон қочмаса бас, ҳеч бўлмайсан кам,  
Учмагай қалбингда севги ёққан шам.  
Тош келса кемириб, сув келса симири,  
Душман учун яша, дўст деб ўлсанг ҳам!

Одам яшар экан, кераксиз бўлмас,  
Қариган чоғда ҳам тилаксиз бўлмас,  
Ҳатто оёқ-қўлсиз бўлиши мумкин,  
Аммо муҳаббатсиз, юраксиз бўлмас.

Денгизнинг тубида инжу кўрсанг, ажабмас,  
Инжу қиррасида ёгду кўрсанг, ажабмас.  
Вафоли кўз қароғида ҳам инжу, ҳам нур,  
Бир олам эҳтирос, севги кўрсанг, ажабмас.

Сенга мақтов керак, менга дўст сўзи,  
Сенга осмон-фалак, менга ер юзи...  
Сенга макру ҳийла, тилёғламалик,  
Менга кифоядир ҳақгўйлик ўзи!

Рақиб панд берганда куймасдим бунча,  
Фитна-ю фасодга йўймасдим бунча!  
Дўст бўлиб душманнинг ишин қилмасанг,  
Бошинга, эҳтимол, туймасдим бунча!

Муҳаббатда шоҳу гадо баробар,  
Бамисоли Қайсу Лайло баробар.  
Йрқу миллат, оқу қора фарқи йўқ,  
Мусулмону габру тарсо баробар.

Севги чирой танламайди, кўзи кўр эмиш,  
Хиёнатдан пешанаси тақир, шўр эмиш.  
Сочларига қиров қўниб, тушса ҳам тиши,  
Келинчакдай қалби қайноқ, рашки зўр эмиш.

Инсон гўзаллиги юзда эмасдир,  
Хаттоки ишвали кўзда эмасдир.  
Чиннакам гўзаллик меҳру вафода,  
Лекин дабдабали сўзда эмасдир.

Тошга тош текканда чақнайди чақмоқ,  
Наҳотки, кўз кўзга тушса-ю, бироқ  
Бир учқун чиқмаса, аланга тугул!  
Билки қалб, қалб эмас, бир парча ямоқ.

Муродга қасд қилсанг, етмасдан ҳам кўр!  
Лекин яхшиларга бўлгил ҳамроҳ, жўр.  
Бадният учраса, аяма, зотан,  
Севгиси кучлининг газаби ҳам зўр.

Сени кўрсам, илгари юлдузга ўхшатардим,  
Биз учрашган тунларни кундузга ўхшатардим.  
Иложи бўлса энди, осмондаги юлдузни  
Сендаги ёниб турган жуфт кўзга ўхшатардим.

Ошиқнинг «севаман» дейиши шартми?  
«Айрилсам, ўламан» дейиши дардми?  
Ишқни пинҳон тутиб куйган номарду,  
Вафо, садоқатдан лоф урган мардми?

Хусннинг бозори йўқ, лекин хардори бор,  
Шоирларнинг бағишлаган ашъори бор.  
Чирой асли юзда эмас, қалб тубида,  
Шаксиз, унга хушторларнинг хуштори бор.

Кўнгилни кўнгилга ипак боғламас,  
Севги беҳудага уни доғламас.  
Севишган юраклар гўё эгизак,  
Ҳаётга ўзини ёлғиз чоғламас.



Умрида севгини билмаган борми?  
Ҳеч кимса кесакдай юракка зорми?  
Муҳаббат даргоҳи дўкон эмас-ку,  
Уни ҳисоб-китоб қилган ёр ёрми?

Ёрнинг лабидаги холи ўзига ярашиқли,  
Мисоли ойнинг доғи юзига ярашиқли.  
Аммо қалбин ким билсин, чиройлими ё йўқми?  
Кошки, вафо қилолса сўзига ярашиқли.

Илк севгини сенда ҳамон кўраман,  
Кўзингга термилсам, аён кўраман.  
Ун саккиз ёшдасан ҳали ҳам, аммо  
Ёшингни санашни ёмон кўраман.

Баҳори йўқ йил борми?  
Сўйламаган тил борми?  
Мени қилма гуноҳкор,  
Севги билмас дил борми?

Кутган кунинг ёр келмаса шундан ёмони йўқ,  
Ё назарга бир илмаса, шундан ёмони йўқ.  
Сен оёғи остига йиқилгудай бўлсангу,  
Ҳаттоки, у қоқилмаса, шундан ёмони йўқ.

Майли, май ич, аммо виждонни ичма,  
Хайём айтганидек зиёни ичма.  
Бир чинни пиёла май тугил, ҳатто  
Уммонни ичсанг ҳам, имонни ичма.

Чиннидами ё сополда шароб бўлса — бўлгани,  
Улфатингда қадру қиммат, одоб бўлса — бўлгани.  
Эртами кеч, озми ё кўп лабга тегса мабодо,  
Ёмон кўзга сўроқ эмас, жавоб бўлса — бўлгани.

Шижани маст этмас мўмин-қобил май,  
Ичсанг, довдирайсан, тасаддуқ кетай.  
Аммо айб майдамас, билки, ўзингда,  
Қудратинг шишача бўлмаса, нетай?!

Шаробга ўргатган Хайём эмасдир,  
Бемаврид ичилган май жом эмасдир.  
Устод айтишича, ҳар қандай мисра  
Қофия бўлса ҳам илҳом эмасдир.

Мезбон пеш қилса ҳам шоҳ дастурхонни,  
Яхши билмаслиги мумкин меҳмонни.  
Фақат уйигамас, юрак ичига  
Қирганда, танийди инсон инсонни.

Душманингни хурсандлигинг айтсанг, ёнади,  
Ғам-гуссангни изҳор қилсанг, кўп қувонади.  
Дўст деб айтма учраганга юрак сирингни,  
Қилғиликни қилиб қўйиб, кейин тонади.

Ёмоннинг ўйлагани ёмонлик фақат,  
Яхшининг кўзлагани омонлик фақат.  
Кимки инсон билса ўзин чинакам,  
Инсонга ярашади инсонлик фақат.

Шоҳона саройлар шоҳга тор кўринади,  
Ўзга элда бундан зўри бор кўринади.  
Ҳаҳонгирлик ҳирси ҳалок қилганда, ҳайҳот!  
Шоҳ ўлиги уч газ ерга зор кўринади.

Мис ҳеч қачон тилла бўлганми?  
Инак қуртсиз пилла бўлганми?  
Ҳеч ким оғир синовдан ўтмай,  
Бемашаққат мулла бўлганми?

Дўстга суянғину суялиб қолма,  
Ўз тусинг йўқотиб, бўялиб қолма,  
Ўзинг ўз кучингга келтиргил имон,  
Суянчиқ бўлмаса. Ҳялиб қолма.

Тун ёрут бўлса ҳам барибир тундир,  
Кундузга баробар келолмай жўндир.  
Зотан, кўнгли қора бўлса ҳар кимнинг  
Кунни тундан қаро бўлса мумкиндир.

Ёмғир ёғиб, ерда гиёҳ унса, не ажаб!  
Шамол туриб, киприкка чанг қўнса, не ажаб!  
Ҳалол меҳнат билан йиллаб топилган шуҳрат  
Ҳаром иш-ла бир лаҳзада сўнса, не ажаб!

Бир умр кўкармас бахилнинг боғи,  
На ёлқин беради ёқсанг янтоғи.  
Тиригида қачон чиққан ёруғлик,  
Улганда ёнарми гўрда чироғи!

●

Гуноҳкор ҳар лаҳза жазо кутади,  
Жазога чап берса, қазо кутади.  
Қазодан қочишга йўл тополмаса  
Худога сизиниб ризо кутади.

●

Мол-мулк тўплаб, смай-ичмай ўтганга не дейсан!  
Тириклигин сезмай, ўлиб кетганга не дейсан!  
Меҳнат билан топганин ўртада кўриб баҳам  
Сахийлик-ла муродига етганга не дейсан!

●

Рост гапга ўргансанг, ёлғон топилмас,  
Кийинга кўниксанг, осон топилмас.  
Заҳматкаш ва ҳақгўй бўлсанг, сени  
Ёмон дегани бир ёмон топилмас.

Утиннинг қуруғи заб яхши, аммо —  
Одамнинг қуруғи эса бир бало;  
Лов-лов ёнган билан бўлмайди қўри,  
Ушандай қуруқдан асрагил, худо!

Даштга ёмғир ёгса, яйраб кетади,  
Булбул гулга қўнса, сайраб кетади,  
Шоир ўз халқининг кўнглини тополса,  
Минг кўзли чашмадай қайнаб кетади.

Ердан қор кетган билан, бу ҳали баҳор эмас,  
«Севаман» деган жўн гап кўнгилдан изҳор эмас.  
Муҳаббатнинг тили йўқ, аммо жўшқин дили бор,  
Меҳру вафо турганда қуруқ сўзга зор эмас.



Денгиз чуқур, аммо ундан ҳам уммон...  
Сен ҳам бунга дўстим, қилмагил гумон,  
Янги бир океандай космосни очган  
Инсоннинг ақляга келтиргил имон.

Кўкда ярқираган Зухра юлдузми?  
Ёки Валентина отли бир қизми?  
Ҳар қандай фаразга сира шубҳа йўқ!  
Аммо иккиси ҳам чиндан эгизми?

Сочимга оқ ораласа, майлига,  
Кексалигим мўраласа, майлига.  
Ҳаёт ишқи билан тушган ажинлар  
Манглайимни пораласа, майлига.

●

Мункайган безовта бир чолни кўрдим...  
«Ердан не излайсиз, ота!» — деб сўрдим.  
Жавоб берди: «Қошки тошиб беролсанг,  
Мен йўқотган ноёб ёшликни, ўғлим!»

●

Сирнинг суви равонлиги сир эмас,  
Улик ерга минг жонлиги сир эмас.  
Қудратин сир тутган билан ўзгадан,  
Ўз элига аёнлиги сир эмас.

●

Теравлик сенга ёт, эй саёз одам,  
Бир қудуқ кўрдингми,— кўзларингда ғам,  
Оғзини ёпмоқчи бўласан, аммо  
Оғзин ёпган билан, туби бир олам.

Севган юлдузимнинг иккиси сенда,  
Угли сайёралар кулкиси сенда.  
Адашмай топаман қора тунда ҳам,  
Ёруғ кунларимнинг белгиси сенда.

Баъзи чала мулла танқидчи қурғур,  
Нафесат бобида сўйларкан мағрур,  
Тавба деб, ёқангни ушлайсан ҳолос,  
Оқни қора дейди, саёзни чуқур.

Сени кўриб тўймас кўзлар кўп, жоним,  
Сен учун мақтовли сўзлар кўп, жоним.  
Соқов кўринсам ҳам висол онда,  
Қалбим ич-ичидан бўзлар кўп, жоним.

Бир пиёла чой бериб солмагил қовоғингни,  
Сув тутсанг ҳам майлига, шод кўрай ёноғингни.  
Иғволарга учиб сен, бир тош отиб сўндирма,  
Қалбимда ўзинг ёққан муҳаббат чароғингни.

Пиёла дарэ кетса бир важ топилар,  
Бирер чегачига муҳтож топилар.  
Аммо дилга шикаст етгудай бўлса,  
Унда на даво-ю, илож топилар.

Сайёҳ ўз бахтини йўлда синайди,  
Савдогар ҳаром-ҳарош пулда синайди.  
Ўғил-қиз ўстириб, боғ қилган она —  
Бахтини ёмгиру дўда синайди.

Кези келса кексалик ҳам ярашади,  
Чолу кампир ўтган умрин санашади.  
Олтмишда ҳам ўттиз ёшдай янаш мумкин,  
Кўпинчалик одам ёшдан адашади.

Чаман ичра гуллар яшнар алвон-алвон,  
Кун аямай заррин сочар жаҳон-жаҳон.  
Хасадгўй қиз қизил гулни юлдим деса,  
Ўзин юзи қизил гулдай — қоп-қора қон.

Яхши хотин — вафодор дўст, юзи оловга ўхшар,  
Ёмондан ўзинг сақла, тили эговга ўхшар.  
Бир косада овқат ичиб, бир ёстияққа бош қўйсанг,  
Қалби қалбга қовушмайди, худди бировга ўхшар.

Қай кун хурсанд бўлсанг, ўша кун байрам,  
Қай кун хафа бўлсанг, ўша кун мотам.  
Қош-қовоқ ораси — шодлик ва қайғу,  
Лекин бирн бири кўролмас бир дам.

Кўзим толиққанда сенига қарайман,  
Сендан қувват олиб, элга ярайман.  
Шахсга сифинишда айблансам ҳам  
Майлига, мен сени танҳо санайман.

Еримда чечак унса, ажабланма,  
Богимга булбул кўнса, ажабланма.  
Қалбимда муҳаббатнинг кўри кучли,  
Ёмон кўз боқиб сўнса, ажабланма.

●

«Хўп» десанг, дилбарим, юр, олиб кетай,  
«Йўқ» десанг бош олиб кетмайин, нетай!  
Чидайман севгининг инжиқлигига,  
Истардим, сен ила муродга етай.

●

Нуроний бир кекса — қўлида асо,  
Оғир юкдан қадди букилган расо.  
Разм солиб беқсам, ўтган умрини  
Орқалаб бораркан заҳматкаш бобо.

●

Кўзларингга тикилсам узоқ,  
Йўлларимга қўйгудай тузоқ.  
Илинсам — илиндим тақдир шу экан,  
Кошкийди охири бўлмаса фироқ.

Усма кетиб, қош қолса, таажжубмас,  
Дўппи учиб, бош қолса, таажжубмас,  
Соч оқариб, тиш тушиб, қарисанг ҳам,  
Кўнгил ҳамон ёш қолса, таажжубмас!

Мансабпараст бир ошнам дилида гина-кудурат,  
Деди: Нега сен мени унча этмайсанг иззат?  
Дедим: Иззатни сўраб, ё сотиб олиб бўлмас,  
Иззат кўрайинг десанг, одамларни қил ҳурмат!

Дарёлар қуриydi, нурайди тоғлар,  
Хазон бўлар, ҳатто ям-яшил боғлар.  
Лекин она меҳри қуёшдай мангу,  
Қалбларга ҳарорат берар, ардоқлар.



Шаҳарлар бор — қитъаларни тутар наъраси,  
Шаҳарлар бор — оч-яланғоч, йўқдир чораси.  
Тошкент эса қуёшдан нур олган ой каби,  
Шарққа машғал, Москванинг жигарпораси.

Бугдой — қозоқ элин гавҳари, дури,  
Қайин — рус ўрмонин кўрки, сурури.  
Қардошлик ипи-ла йўғрилган пахта  
Ўзбекнинг кўз нури, миллий ғурури.

Сахийликка — сахийман; писандмас молу дунё,  
Жонни ҳам аямайман, сен учун бўлсин фидо!  
Лекин севгига хасис, қизганчиқман, очкўзман,  
Узилган кипригингни ётга кўрмайман раво.

Биров тоғ бўлишни қилади ҳавас,  
Биров эса чўққи хаёлида маст.  
Афсус, чўққи қанча баланд бўлса ҳам,  
Елка тутган азим тоққа тенг эмас.

Кўнгил қарнмайди ёшим кетса ҳам,  
Ешликда қулф урган сочим кетса ҳам.  
Дерлар: ишқ оламдан ўтганга гуноҳ,  
Мен эса кечмайман бошим кетса ҳам.

Инсон гўзаллигин қиёси борми?  
Шак-шубҳа қилганнинг ҳаёси борми?  
Космосга чиққанда Ой бўлди ошиқ,  
Табиатнинг яна даъвоси борми?

●

Кутганда вақт ўтмаслиги жуда қизиқ,  
Шошилганда етмаслиги жуда қизиқ.  
Инсон кутган билан, вақт инсонни  
Ҳатто бир он кутмаслиги жуда қизиқ.

●

Қувончларга қувонч қалашса, нетай,  
Дўстлар ҳавас билан қарашса, нетай.  
Тақдиримнинг олтин тарозусида  
Бахтим вазмин десам, ярашса, нетай.

●

Ҳар бир йилнинг баҳори бор, ёзи бор,  
Ҳар кўнгилнинг севгиси бор, рози бор,  
Ҳар нарсада ўзига хос бир хислат,  
Шоирнинг-чи, юраги бор, сози бор.

Исон яшайди-ю, баъзан на зоти қолар,  
Баъзан зоти қолган билан на оти қолар.  
Аммо элга манзур ишни уддалай олса,  
Келажакка ҳайкал бўлиб ҳаёти қолар.

Гулвордан гул узиб тутсам, рад этмагил,  
Йўлга пешвоз чиқиб кутсам, рад этмагил.  
Бир сўзингга муштоқ бўлиб, деразангни —  
Чертгин учун юрак ютсам, рад этмагил.

Кўкда юлдузлар кўн: равшану хира,  
Бири Дуббнақбар, бириси Зухра...  
Кремль юлдузи — ернинг юлдузи  
Баридан мунаввар, теини йўқ сира.

Москва — миллату элларга пойтахт,  
Дев одимли буюк йилларга пойтахт,  
Коммунизм қасрин бинокорлари —  
Кслажакка ошиқ дилларга пойтахт.

Кўзларингга тикканда кўзни,  
Нақ йўқотиб қўяман ўзни.  
Кўз деган ҳам шундай бўлурми,  
Қайдан олдинг қўша юлдузни?

Тундан ўғирлабсан юзингдай ойни,  
Кўзингдай юлдузни, қошингдай ёйни,  
Менга юрагингни берсанггина бас,  
Ўзингга қолдириб ҳусну чиройни.

Денгизга чўкмайман, учмайман кўкка,  
Она-Ер бағрида эмасман якка;  
Бўронлар қутуриб, тўфон турса ҳам,  
Бошим эгилмағай, қоламан тикка.

Парча булут тўсиб қуёш юзини,  
Мақтаниб оламга қисар кўзини.  
«Пуф» деган шамолдан совиб кўз ёшдай  
Лаҳза ўтмай ерда кўрар ўзини.

Эртак эшитганга ёлғонни дема,  
Висолдан сўз очу ҳижронни дема.  
У сенга имонин бергудай тииглар,  
Имондан воз кечиб, гумонни дема.

●

Шуҳрат мени гангитолмас, қурбим етар,  
Шуҳратсиз ҳам ошиқона умрим ўтар.  
Шуҳрат излаб тер тўкмайман, виждон ҳаққи,  
Меҳнатимнинг юқи қолса менга етар..

●

Ушбу матал, азизим, диққатингга ҳавола:  
Қанча шовқину сурон солган билан шалола,  
Шалолаи елкада кўтарган тоғ тек турар,  
Уни ютгудай денгиз камтарликда пиёла.

●

Хамиртурушсиз хамир кўпчимаган бўлса ҳам,  
Буни наинки нонвой, ҳатто нонхўр билса ҳам,  
Хамиртуруш қолади супранинг четида,  
Дастурхонга нон чиқар бир чеккаси куйса ҳам.

●

Чойдиш ўтда куйса ҳам ичга ютар нолани,  
Лекин чинни пиёла обод қилар хонани.  
Аслида юз пиёла бир чойдишча бўлмас,  
Бир чойдиш чайқиндиси юз қилар пиёлани.

●

Кўчат эксанг, кўрсатар келажак аъмолини,  
Вояга етганида ҳусн ва жамолини.  
Ёшин яшаб қуласа, намойиш қилар гўё  
Нодонга бўю басти, донога камолини.

●

Улимга ошиқсанг, уйқуни машқ қил,  
Ҳаётга иитилсанг, кулгуни машқ қил.  
Ёрқин келажакка шайласанг ўзни,  
Ғафлатни тарк этиб, мангуни машқ қил!



Имонсиз йўлдан чиқса, мен тавба деяйми?  
Қўлга тушиб, қўлдан чиқса, мен тавба деяйми?  
Тўғри йўлга ундасанг ҳам барибир ўзи  
Унгни қўйиб, сўлдан чиқса, мен тавба деяйми?

Дўст учун севинсанг, ўзинг бўлиб кул,  
Юракдан яиграган сўзинг бўлиб кул!  
Майли офтоб бўлма, лекин ўзганинг —  
Бахтин кўрса куймас кўзинг бўлиб кул!

Қамишнинг ичи ковак, бўйи узун бўлса ҳам,  
Тўқай гули офтобдан нур ичолмас дамо-дам,  
Не ажаб! Бўйра бўлиб, қамиш ерга тўшалса,  
Чечаклар чеккаларда табассум қилса кўркам.

Уз соягни ўзинг чопасан наҳот?!  
Эй тентак, иложин топасан, наҳот?!  
Мен соянг эмасман, йўлдошингман-ку,  
Қўшпақдай ириллаб қопасан, наҳот?!

Тигни қотил ушласа жонингга азоб экан,  
Жарроҳ измида бўлса, ўлимга жавоб экан.  
Демак, умринг тақдири тиғу олмосда эмас,  
Ақлу идрок қўлида ўйнаган рубоб экан.

Мансаб бу — ерга юз суртишми, хумпар,  
Бўлару бўлмасга йўртишми, хумпар.  
Тишдан қараганда мўмину қобил,  
Зимдан бировларни туртишми, хумпар!

●

Фарибгар бўлганинг билан нетасан?!  
Эй олчоқ, дунёдан бешарм ўтасан.  
Бировнинг бошига етишни ўйлаб,  
Ўз бошингга, охир, ўзинг етасан.

●

Тилингни тий! Сўз гавҳарин арзон қилма,  
Бўлар-бўлмас кишига сир аён қилма.  
Майли, сўзга хасис деса, десин биров,  
Маънига сен тантилиқда зиён қилма.

●

Ёлғоннинг оёғи, дейдилар, узун,  
Кўрпа тагидан ҳам чиқиши мумкин.  
Демак, ёлғонни қўй, ростга ўтавер,  
Тўғрилиқ турганда, эгрилик нечун?!

Инсон тиз букмайди ҳайвон қошида,  
Хатто тож бўлса ҳам унинг бошида.  
Мағрур боқинида у бургутнинг ўзи,  
Гўё Кўҳиқофнинг қоя тошида.

Хунрез қадам қўйган ерни қириб кетар,  
Очкўз ямлаб, бору йўқни териб кетар,  
Нодон билмаганин гўрга олиб кетса,  
Доно билганини элга бериб кетар.

Нега интилади инсон осмонга?  
— Осмондан ҳатлаб у космик жаҳонга,  
Олов сайёралар жавоҳирдан  
Гулчамбар тақажак янги замонга.

●

Инсон кўкка учар, юлдузлар ерга,  
Исён кўтаргандай гўё тақдирга.  
Ердами, кўкдами фарқи йўқ, аммо  
Бундан буён яшар эгиздай бирга.

●

Наҳотки, висолнинг ҳижрони бўлса,  
Ошиқнинг яши-ю ёмони бўлса??  
Севгига мубтало юракнинг, эй ёр,  
Наҳотки, умридан армони бўлса?!

●

Муҳаббатсиз, дардсиз юрак, юрак эмас,  
Асрий орзу жўш урмаса эртак эмас.  
Худбинликни, танҳоликни ёқтирмайман,  
Дўстларимсиз бахт-саодат керак эмас.

Севги нима ўзи, юлдузми, ойми?  
Нақлу афсонага шунчалик бойми?  
Ошиқ юрагини парчалаш учун  
Ҳису туйғулардан ўқланган ёйми?


Олтин тузоқ шарт эмас, оҳуни тутай десанг,  
Ҳатто қалбини ўққа бер, ишқ заҳрин ютай десанг,  
Ошиқлик ҳунар эмас, уни ўргатиб бўлмас,  
Лафзи ҳалоллик керак, бурчини ўтай десанг.

Шамол тугул тўфонлар қўпорулмас чинорман,  
Найлай, сенинг қошингда бир нарсага иқрорман:  
Зўрлик беҳуда экан назокатнинг олдида,  
Уфурсанг оёгингга йиқилишга тайёрман.

Пахтанинг устида ризқу рўзимиз,  
Демак, деҳқонга бор бир жуфт сўзимиз,  
Не ажаб ошиққа уйқу бермаса,  
Зулфизар қизимиз — фасли кузимиз.

Душман янчса, янчилмайман, кўтараман бош,  
Холбуки, дўст туртиб ўтса, беролмай бардош,  
Қалбим қўри қайнатгандай кўз қароғимга —  
Қалқиб чиқар ич-ичимдан ҳалқа-ҳалқа ёш.


Умрим ҳисобини рубоий қилдим,  
Кўнглим рубобини рубоий қилдим.  
Сўзини ози маъқул ошиқ кишига,  
Севгим китобини рубоий қилдим.



БАЛЛАДАЛАР







## УЧ ҚАҲРАМОН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Ҳар кун сиймас кўза —

синди...

Уч юлдуз сўнди...

Инсон

инсон бўлиб,

кўрмаган мусибат,

кулфат

Бойқуш янглиғ бошига қўнди

Бемаврид,

бевақт!

Бамисоли жарангдор орган

гўё ҳориган.

Сози бузилгандай,

Пардаси узилгандай...

Юзма-юз келдию

ҳаёт ила мамот,

Бадбахтлик ила бахт,

Мўъжиза —

музика тинди!

Уч юлдуз сўнди,

Уч юлдуз!..

Уч кеча-кундуз

Олам мотамсаро,

Одам мотамсаро...  
Байроқлар букилган,  
Музаффар байроқлар...  
Таъзияли варақлар  
Чўяндай вазмин,  
Мармардай сокин,  
Қон қочган чехрадай  
чекар изтироб...

Найлай!  
Мисрада  
Нуқта беҳисоб...  
Нуқта  
нуқта эмас,  
Бемаҳал тўкилган  
кўзимнинг ёши...

Бас!..  
Тағин ҳам етаркан  
инсон бардоши,  
Чиқиб кетмас экан  
идрок меҳваридан!

Ҳолбуки,  
ажралган уч шунқоридан,  
уч дилбандидан,  
уч фарзандидан!..

Георгий Добровольский,  
Владислав Волков,  
Виктор Пацаев —  
Жанговар экипаж  
космик кемада

Коннот қўйнига отилди ўқдай!  
Башарият  
йигирма тўрт тун  
Дардлашди,  
гаплашди

фақат бир темада,  
 Гўё бошқа тема,  
 бошқа гап йўқдай!..  
 Ердан  
 узоқлашиб кетди улар,  
 Она-Ердан!  
 Аммо буюк меҳрдан  
 баҳраманд!  
 Юрт севгиси  
 юракларида,  
 Халқ қудрати  
 билакларида,  
 Муқаддас бурч  
 тилакларида,  
 Руҳ баланд,  
 ҳормас,  
 толмас!  
 Космосдан эшитилди  
 кулгилар,  
 сўзлар...  
 Телеэкранда жовдирар кўзлар,  
 Гўё тонги юлдузлар...  
 Ерга ҳалқа солиб ўтди  
 Кўз очиб юмгунча,  
 Бир энтикиб олгунча нафас...  
 Қитъалар  
 қутлолмай қолиб кетди,  
 Сайёралар қилишди ҳавас...  
 Мамлакатлар,  
 салтанатлар  
 кафт устида худди,  
 Кўринмас худуди...  
 Қутблар —  
 тугмача...

Ер —

болиш...

Икки боши —

туғиб қўйгандай.

Тоғ тизмалари —

устма-уст уйиб қўйгандай.

Ҳарбий базаларда

снаряд,

бомба —

Заҳар тўлдирилган хуму хурмача...

Баднийат, дабба

Қўли қон империя

қилмиши —

Ажал машинасин

иржиган тиши

хунук,

Қадами теккан ер сўнук,

Субтропикада аламу нолиш...

«Е ўлиш, ё қолиш...»

Бу

энди

партизан шиори,

Шиддаткор шпор!

Наинки,

данияликка валнаҳд хаёли,

Худбин ўй-хаёл!

Замон

беомон,

Замин нотинч,

Ўт чиқса ногихон,

Коммунист шубҳада,

Коммунистдан кўрар жаноблар...

Ҳолбуки,

олдинги жабҳада

Сафларни тутиб зич,  
Коммунист инсон  
Тинчликни қўриқлар,  
Келажакка берар  
шонли йўриқлар,

Тақдир учун,  
жаҳон учун

Ҳис этади ўзин  
жавобгар!

Георгий Добровольский,  
Владислав Волков,  
Виктор Пацаев —

уч содиқ посбон,  
уч коммунист ўғлон,  
уч марди осмон

Афсона яратди,  
Дунёни ўзига қаратди.  
Ватан берган йўлланма билан  
Космосда ишлади,  
Илму фан кемтигини пешлади...  
Овозин тингладим

дафъатан

Катта Кремль саройида,  
Езувчилар Қурултойида,  
Қулогимда ҳамон  
Ўша оташ нафас,

ўша армон...

Лекин

қилмаган ҳеч қачон

фараз,

Бундай машъумликни,

шумликни,

Э худо!

Ҳатто

Ўлимликни  
Саранжом қилиб,  
қасдма-қасд

Ўзини  
Ўлимга бичса ҳам инсон,  
Бундай ўлим топмаган,  
аён!

Инонмайман ўзим  
Ўзимга...

Қизил майдон,  
Эзгу деворлар,  
Ялевбардорлар...  
Уч тобут,  
Уч қаҳрамон постида нобуд...  
Елғондай кўринар кўзимга,  
Ҳайронман-ҳайрон,  
мисли нотабон...

Уч қаҳрамон  
Наҳотки,  
бир кун,  
бир соат,  
бир он

Бир кема ичида  
бирга берса жон!?

Ҳолбуки,  
туғилган ҳар хил соатда,  
Бириси баҳорда,  
бириси ёзда,

Лекин шижоатда,  
Космик парвозда  
Бир хил эди,  
Бир дил эди...  
Гулларга бурканди тобут,  
Баҳор ўз бағрига олгандай.

Уч баҳодир,  
Уч лочин нобуд...  
Улим ўчакиншиб,  
  соя солгандай  
Нурли тилакларга,  
Ҳақгўй эртакларга...  
Ҳамон  
  ерга учар юлдуз,  
Космосга «Союз»,  
«Салют» кўтарилар,  
Уфқ мунаввар...  
Шунқорлар учади,  
  фазони қучади,  
Ўтли сайёралардан —  
Совуқ айёралардан  
  келтирар хабар...  
«Луноход—1»—  
  Ойда одимловчи —  
  элчи,  
Сехргар йўловчи,  
  ўтайди бурчин,  
Лекин  
  ҳамиша Ер имосига  
  маътал...  
Балли!  
Уч қаҳрамон  
  шарафи учун  
Инсон  
  космосга қўяди ҳайкал.



## ЭСКИ БИР ОШНАМ ҲАҚИДА

Эшигимни қоқди  
Тонг — қоронғида  
Ешликнинг ҳамроҳи —  
Эски бир ошнам,  
Дўстим,  
Дил ташнам!  
Эҳтимол,  
Емон туш кўрган уйқуда,  
Қалбин кемирарди  
Қаламушдай ғам!  
Ухлолмас,  
Безовта,  
Сўник нигоҳи,  
Улик сиёҳи...

Бир вақт қидиришардик  
Кўришмасак гар...  
Тиқилнч,  
Иш бошдан ошган кезлари  
Дилни қиймаларди  
Гўёки ханжар  
Дўстлик туйгулари, согинч ҳислари...  
Босилган йўллардай ўтди

Йиллар ҳам,  
Икки дўст интилдик  
Икки қутбга.  
Биримиз чўққига,  
Биримиз тубга,  
Икки йўл танладик,  
Учрашдик кам-кам...  
Тоғлардан юксакда —  
У баланд парвез,  
Мўлжалига олди  
Қоя бошини.  
Менинг юрганимда  
Севги.  
Эҳтирос,  
Мисоли ғаввос  
Олиб чиқай дедим  
Денгиз тошини...  
Икки йўл танладик  
Ва икки манзил.  
Йиллар ўтган сайин  
Учрашдик оз-оз...  
Босилган йўллардай ўтди  
Талай йил,  
Мен тубга интилдим,  
У қилди парвоз!

Бир кун  
Эшик қоқди  
Тонг — қоронғида,  
Ҳали ухлар эди  
Ҳамма уйқуда,  
Ҳали япроқларда  
Шудринг доналар  
Қуёшга қилгудай

Аччиқ таъналар...  
Дўстим ер тагидан  
Ийманиб боқди.  
Тавба!  
Нега,  
Бевақт эшигим қоқди.  
Билмадим,  
Бахтидан айрилган балки?  
Ким билсин,  
Тахтидан айрилган балки?  
Балки,  
Она-Ерни унутиб, шўрлик,  
Ўққинга  
Узини урган беомон!  
Парвоз втай деса,  
Аввалги зўрлик  
Энди йўқ!  
Эҳтимол,  
Ҳайрондир — ҳайрон!

Кўнгил сўрай десам,  
Сўздан адашдим,  
Гўё  
Ҳалқумига тиқилди  
Бир тош!  
Таажжуб учрашдим,  
Бу ҳолдан шошдим,  
Кўзлари қизарган,  
Киприкларда ёш!..

## ПАХТА БАЙРАМИ

Рақамлар тилга кирди,  
Кечаги гуни рақамлар!  
Зафардан дарак берди  
Салмоқли чўни рақамлар.  
Тўрт миллион —

қазил эмас,  
Чотқолчалик зили бор.  
Сарҳисоб қилсам,  
нафас —  
Утмас карвонлар қатор.

Карвон боради,  
карвон,  
Дала йўллари равон...  
Кўкда сузган булутми?  
Ё чангми,  
ёки дудми?  
Кўринган қизил туғми?  
Қуёшдай ёнган чўғми?  
Қараб қоламан ҳайрон,  
Карвон боради, карвон...

Карвон борар салмоқлаб,  
Тўрт миллионни ортмоқлаб.  
Манглайдаги терми, ё  
Дурдонами бебаҳо!  
Тўлқинланган кулгими,  
Юртнинг қувонч мулкими?  
Эгатдаги қизларми?  
Ё тонгги юлдузларми?  
Ҳар бири тилда дoston,  
Қалби тўла аҳд-паймон...  
Карвон боради, карвон...

Муз чатнаб кун тигида,  
Саратон сариғида  
Тоғдан келган тўшқинлар,  
Ўркак-ўркак тўлқинлар  
Бугун дилларга кўчди,  
Элдан элларга кўчди:  
Ноғоранинг бомида,  
Ромчиларнинг ромида,  
Йўлчилар саломида,  
Соқийларнинг жомида...

Лавҳалар алвон-алвон,  
Хурсандлик жаҳон-жаҳон,  
Улоқчилар майдонда,  
Жарчилар тўрт томонда,  
Раққосалар ўйинда,  
Ишқибозлар қуюнда,  
Пахтакорга ҳашарчи —  
Алёрчига ёр-ёрчи...

Қишлоқларда базму тўй,  
Келин тушар янги уй  
Дарвозаси ланг очиқ,

Дам ғанимат,  
куёвни,  
Даладаги оловни,  
Эй кўнгил табриклаб чиқ!  
Ғафлат босма,  
изла,

чоп!

Қаерда бўлса ҳам топ!  
Бошидан соч суюнчи,  
(Келинчаги ярашиқ,  
Икки дил ошиқ-маъшук).  
Уртага торт,

ўйинчи —

Келолмасин унга бас,  
Кўрганлар қилсин ҳавас:  
Ишни дўндирганига,  
Олтин ундирганига,  
Йўқдан йўндирганига,  
Бўркни қўндирганига...  
Пахта мўл,

хирмон-хирмон,

Қарвон боради, қарвон...  
Йигитни топиб бўлмас,  
Ортидан чопиб бўлмас,  
Мингани қора байир,  
Ҳали бошланмай сайил,  
Ерни ҳайдаш ўйида,  
Шудгор қилиш кўйида...  
Эл олдида аҳди бор,  
Ўз сўзликдан бахти бор...  
Майли, лафзин оқласин,  
Йигит сўзин сақласин,  
Ерини бўрдоқласин!  
Келин келсин тўй-тўйлаб,

Саодатини куйлаб,  
Езилсин шоҳ дастурхон,  
Хуш кўриб дарвозабон,  
Уша кун кутсин меҳмон,  
Ушалсин орзу-армон,  
Карвон боради,

карвон.

Карвон борар салмоқлаб,  
Тўрт миллионни ортмоқлаб,  
Шаҳарлик чиқиб пешвоз,  
Уни кутар саҳардан...  
Сорбургут қилиб парвоз,  
Хабари йўқ зафардан,  
Қўнар хирмон бошига.  
Гўё қоя тошига,  
Асқар тоғни қучгандай,  
Гир айланиб учгандай...  
Тўйга айтади тўйчи,  
Хорманг, деб ўтар йўлчи,  
Улуғ айём муборак,  
Совға-салом муборак!  
Ўзбек элидан тортиқ —  
Тўрт миллион,

балки ортиқ...

Нур устига аъло нур!  
Меҳнати сингган мағрур,  
Қарчиғайдай боқади,  
Яна қанот қоқади  
Янги уфқлар сари,  
Эҳтимол ундан нари...  
Юрак тепади шодон,  
Карвон боради,

карвон...

1962

## ЛУМУМБА ЮРАГИ

ООН минбарига мен уни кўрдим,  
Ҳолбуки оралиқ озмунча эмас!  
Мен уни тингладим, лол бўлиб турдим,  
Ҳайҳот! Чидолмадим, етмади нафас.  
Бу, ўша —

Қонгонинг асил фарзанди,  
Ўлим азобини енган қаҳрамон.  
Бу, ўша —

довюрак, мардларнинг марди,  
Эркинлик ҳажрида жигар-бағри қон...  
Бу, ўша —

қузгунга чанг солган бургут,  
Ернинг йўлдошидай баланд парвози,  
Бу, ўша —

сотқинлар ўч олган йигит,  
Ҳамон қулоқларда янграр овози:  
Бу, ўша —

Лумумба,  
ўлмаган,  
тирик!

Африка устида юрар шарпаси,  
Жазира қитъаннинг офтобидек,  
Юзларга урилар иссиқ нафаси...



У ҳамон ёлғонни чиқариб пучга,  
ООН минбаридан сўзларди мағрур.  
Қирқилган юраги сўймай ҳовучга,  
Бирдан тушиб кетди,

зал қўзғалди «гур»...

Хаммаршельд қўрққандан жой тополмади,  
Тиззаси қалтираб, на чополмади,  
Юлдуз отилгандек қоп-қора тунга  
Лумумба юраги сапчиди унга.  
Совуқ терга ботди, еган каби мушт,  
Кўзлари олайди, йиқилди беҳуш...  
Аммо соф виждонли оломон бирдан  
Унинг нонок танин босиб ўтса ҳам,  
Лумумба юрагини кўтарди ердан...

Лумумба ўлмайди, элга муҳтарам.

1961

## ҲА, МЕН — ОСИИИ

Мен — қуёш элидан,

озод ўзбекман.

Кимлигимни ҳали билмас экансиз!

Тилингизни тийинг,

Аён бўлишича,

Осиёликни писанд қилмас экансиз.

Минг афсус! Ҳар гапда қошни чимириб,

Осиёлик устидан куласиз, жаноб,

Таҳқир-ҳақоратга кимнинг ҳақи бор?

Наҳотки, бўлмаса инсоний одоб!

Сиз билан биринчи учрашув эмас,

(Қачон учрашдик деб, ўйларсиз балки)

Мен сизни биламан,

яхши биламан,

Сиз, арслон терисин ёпинган тулки!

Сиз,

Буюк Октябрь тонготарида

Даҳлсиз тупроққа қўйгансиз оёқ;

Бахтимиз қуёшин парчалаш учун

Қотилга енг ичра бергансиз яроқ.

Сиз гўзал юртимнинг бойликларига

Ириллаб,

қонсираб

даф қилган бўри.  
Уйлайсизки, қул бўлса йигитларимиз,  
Қизларимиз эса канизак, чўри!  
Ҳамон уйлайсизки, Узоқ Шарқ ери,  
Украин даласи,  
Кавказ тоглари,  
Ўзбек пахтазори,  
қирғиз яйлови,  
Белорус ўрмони,  
Қрим боғлари  
Чаппа айланса-ю,  
сизники бўлса...  
Кўкнори хаёл-ла юрасиз, жаноб!  
Яна осийиб деб,  
ҳақорат қилиб,  
Қутурган кўпнакдай ҳурасиз, жаноб!  
Мен сизни биламан,  
кўпдан биламан,  
Жаҳонга ҳокимлик фикру дардингиз.  
Айтиб қўймоқчиман,  
юзма-юз туриб,  
Бундай бадниятдан, жаноб, қайтингиз!  
Уша ғариб рикша,  
ўша заҳил сил,  
Аммо ўлмаганман, яшайман манғу,  
Сиз ўйлагандай бу на дўқ,  
на ҳазил!  
Капитал элига ғулғула солган  
Уша осийибман — исёнкор олов,  
Тинчлик минбаридан сўйлаган нотик...  
Ганг,  
Янчи устида ҳилпирар ялов.  
Янги кун,  
янги ҳис билан уйғониб,

Тонготар қўшиғин куйлайди халқлар.  
Баҳорги тўлқинлар каби тўлғаниб,  
Булутлар тагидан қуёшдек балқар!..  
Бир вақт сиз билган қул —

энди мен эмас!

Меҳнатим, курашим кетмаган зое.

Бир вақт нур қидириб,

тонгни оттирган

Қуёш ошиғиман —

кекса осий!..

Биз — миллион-миллионлар урушга қарши

Олиб бормоқдамиз тинчлик байроғин.

Сиз Осис,

Африка ерида,

жаноб,

Қон тўкиб,

Чархлайсиз зулм яроғин.

Сиз учун ҳеч гапмас илму маърифат!

Талон-торож билан бандсиз эрта-кеч.

Ҳар бир қадамингиз даҳшат,

жиноят,

Буни,

Буни башарият унутмайди ҳеч!

Яна уялмасдан инсонпарварлик

Ва тинчлик ҳақида юритасиз сўз.

Тинчлик кўчасидан ҳам ўтмагансиз,

Инсонпарварликдан ўгиргансиз юз!

Хўш, яна қандай нутқ?

Қандай шикоят?

Майли, айтаверинг, «муҳтарам» жаноб.

Сизга дадил туриб бахтиёр ўзбек,

Соф виждони билан қилади хитоб:

Мен тинчлик истайман,

яшаш истайман,

Гуллаб-яшнамоқда азиз диёрим,  
Мен улур Лениннинг содиқ фарзанди,  
Тинчликни ҳимоя қилиш шиорим.  
Мен совет кишиси,

                                замои кишиси,  
Курашда чиниқдим,  
                                ўсдим,  
                                улғайдим.

Энг оғир синовда зафар қозониб,  
Шову шуҳратимни оламга ёйдим.  
Мен — русман,

                                ўзбекман,  
                                латиш,  
                                украин...

Беҳисоб миллатман социалистик,  
Мен тинчлик истайман,  
                                тинчлик номи-ла

Меҳнат дарёсида қулоч отаман:  
Ерқин истиқболга қарайман тетик,  
Донбассда қазийман тонналаб кўмир,  
Бепоян қирларда бугдой ўраман,  
Янги кон очаман — нефть, олтин, темир...  
Гўзал водийларда пахта экаман,  
Дастгоҳда тўқийман хилма-хил шеҳи,  
Ўзи одимловчи экскаваторлар —  
Қудратли меҳнатнинг шонли гuvoҳи.  
Мирзачўл қўйнидан сув ўтказаман,  
Узоқ Сибирида ёқаман машғал,  
Буюк коммунизм чироқларидан —  
Тинчлик қўрғонига қўяман ҳайкал!

Мен бахтли ўзбекман,  
                                тинчлик истайман,  
Ҳуқуқим муқаддас,  
                                гурурим чексиз.

Ўзим хўжайинман ўз ҳаётимга,  
Ҳаётим қайнаган — тошган бир денгиз.  
Узоқ-узоқларга ташлайман назар,  
Шунчалар бепоён Осие тупроғи —  
Явадан гердайган Ҳиндиқуш қадар,  
Баҳри муҳит каби йўқдай қирғоғи.  
Озод эл-элатлар,

аймоқлар бари  
Енгил нафас олар ғолиб полвоидай.  
Она — қитъамизнинг жигарбандлари —  
Сафарга отланган буюк карвондай!..  
Ҳа, мен осиелик,

ижодкор инсон,  
Фазони забт этган космос Колумби,  
Эркесвар халқларга дўсту қадрдон,  
Ирода, мардликда худди Лумумба!  
Шунчалар бахтлиман!

Қийин албатта —  
Сиз учун бу бахтни этмак тасаввур.  
Менинг Ватанимда бир нафас ҳаёт  
Юз йил яшагандан афзал бир умр.  
Сизнинг касб-корингиз бўҳтон,

фисқ-фужур,  
Долларнинг қулисиз, доллар асири,  
Ялиниш, бош уриш ҳам товон ялаш,  
Бўйнингизда эса уруш занжири.  
Тилёғламалик-ла ООН минбаридан —  
Ҳар қанча тухматни айта оласиз.  
Америкалик жаноб бир нмо қилса,  
Ўз фикрингиздан ҳам қайта оласиз.  
Яна мақтанасиз шармандаларча,  
Сизда маслак бормиш,

сизда ор-виждон!  
Ҳар гал онт ичасиз худо ҳақиға,

Ҳар гал келтирасиз юз марта имон.  
Мен сизни биламан, яхши биламан,  
Сиёсий фоҳиша сизсиз, ўзингиз.  
Балки тонишингиз мумкин бундан ҳам,  
Лекин кўр бўлади тонган кўзингиз.  
Уйлайсизки, сизча дипломатлик бу,  
Дипломатлик, жаноб, қаллоблик эмас!  
Тинчлик-чун бошланган энг яхши ишдан  
Ёмон ният билан излайсиз ғараз.  
Аммо булут каби тўса олмайсиз  
Буюк коммунизм нурларин,  
жаноб!

Елғонга алданмай,  
дўқлардан қўрқмай,  
Тухматчига магрур бераман жавоб:  
Ҳа, мен — осийий!..

1960

## МАҚР ВА МУЪЖИЗА

Афсона десам, бу  
На бир афсона.  
На эртақ,  
На кулги,  
На бир ҳангома!..  
Жарқоқдан газ келди  
Бизнинг уйга ҳам.  
Утинсиз ўт елди  
Зангори, кўркам.  
Муъжиза кўринар  
Кўзимга олов,  
Хотиним уринмай  
Дамлайди палов.  
Дастурхон атрофида  
Ўлтириб шу кун,  
Суҳбатнинг тобида  
Қалб урди тўлқин.  
Ўтмишдан бу эди  
Кичик ҳикоя,  
Элга оғу эди  
Ҳаётга соя.  
...Бир вақт дукчи деган  
Ҳазрати абзам



Макру ҳийла билан  
Дам урибди, дам...  
Фотиҳа бериб, у  
Чорлар оломон,  
Бошида салла-ю,  
Қўлтиқда қуръон...  
Чўққи соқолини  
Сийпалаб туриб  
Очаркан фоллини  
Чордана қуриб.  
Зикр этмиш эзгу,  
Ғалати жумбоқ:  
Қирқ қулоқ қозону  
Бир катта ўчоқ.  
«Мўъжиза» туюлмиш  
Авом кўзига,  
Келавериб уюлмиш  
Изма-изига...  
Ваъда қилмиш эшон  
Элга каромат  
Ўтсиз қайнар қозон,  
Жуда аломат!  
Ўтдан ҳам ўткирмиш  
Эшон нафаси,  
«Суф» деса, кўпчирмиш  
Қўйнинг почаси...

Таажжуб!  
Бу не сир,  
Бу не каромат!  
Балки шудир Ҳизр,  
балки валломат!..  
Афсуски, гап дув-дув,  
Алқисса алдов:

Бир ёнда ўчоғу  
Бир ёнда олов.  
Уртада тик девол,  
Остида қувур...  
Қувурдан бемалол  
Ўт берса ҳовур  
Қозон қайнамасдан  
Кўрсин-чи, қани!  
Эшон айнамасдан  
Турсин-чи, қани!  
Бир замон қозоннинг  
Ўти ўчганмиш.  
Ўт билан эшоннинг  
Қути ўчганмиш.

Шундай бир ҳодиса —  
Ҳиссадан қисса  
Юз берган ўтмишда,  
Гўёки тушда...  
Афсона десам, бу  
На бир афсона,  
На эртак,  
На кулги,  
На бир ҳангома!  
Лекин уйда тинмай  
Ёнар кўк олов,  
Хотиним уринмай  
Дамлайди палов.

1960

## КОММУНИСТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Октябрь кечаси, исён кечаси,  
Даҳшатли «оқ» террор авж олган маҳал,  
Қонга беланганда Буда кўчаси,  
Келинчак эрини кутарди маътал.

Эридан дарак йўқ, келмайди нечун,  
Не гап, юз бердими бирор фалокат!  
Келинчак кўз юммай чиқди ўша тун,  
Бахтига севгани бўлсин саломат.

Бу кутиш, орзиқиш бутунлай ўзга,  
Дунай бўйидаги учрашув эмас.  
Дарёга тикилиб, тушмай кўз кўзга,  
Нега кеч келдинг деб қилолмас араз...

Буда кўчасида даҳшатли исён,  
Дайди ўқ визиллаб юрар шаҳарда.  
Машъум, қора кучлар қилган ғалаён,  
Қон тўкиш авж олди айни саҳарда.

Йигит бошқарарди ўз станогин,  
Меҳнат қучоғида оларди нафас.

Бирдан бошлангандек қиёмат қойим,  
Бир тўп бандит цехни босди маст-аласт...

Йигитга дўқ урди, этди ҳақорат,  
Коммунистсан, дея ўшқирди унга.  
Ишчининг виждони қилмади тоқат,  
Бутуи бор вужуди келди тўлқинга.

Коммунистман, деди, яширмади у,  
Хорижий аблахнинг олайди кўзи.  
Заҳарли илондек тўлганди худди  
Янграб эшитилганда ишчининг сўзи.

Газанда ўқ узди, йиқилди йигит,  
Станок олдида мангу берди жон.  
Ўқ чиқиб турса ҳам шунда кетма-кет  
Ишчи станогни ишларди ҳамон.

Минг афсус! Келинчак, кутганинг келмас,  
Ёмон кун бошингга мусибат солди.  
Аммо станогни тўхтамас, тинмас,  
Худди унинг тирик қалбидай қолди.

1957

## ШОИР МАДАРАС УЙИДА

Кекса Мадарас бир кун  
Уйига қилди таклиф.  
Дўстлик ҳурмати учун  
Юракдан этдим ташриф,  
Остонага чиқиб у,  
Кутиб олди қувониб.  
Юзимга тепди кулгу,  
Менинг ҳам қалбим ёниб.  
Саломлашдик қўл бериб,  
Тортиндик аввал пича.  
Сўнгра қулочин кериб,  
Қучоқлашдик ўзбекча.

Эсга тушди шу дамда  
Уруш йиллар, нотинчлик:  
Халқлар яшарди ғамда,  
Лекин прода кучлик...  
Фашистлар ҳужумидан  
Буданешт бўлиб вайрон,  
Босқинчилар зулмидан  
Беғуноҳлар йиглаб қон,  
Ғазаб билан тургани,  
Паноҳ излаб юргани...

Шундан бери қанча вақт  
Утиб кетибди, қаранг.  
Учрашувнинг ўзи бахт!  
Туриб қолди ҳангу манг.  
Кўзларига боқдим,  
Меҳру муҳаббат кўрдим,  
Юзларига боқдим,  
Бахту саодат кўрдим...

Озода, ёруғ хона,  
Шкафлар тўла китоб.  
Дарчадан шоирона  
Нур сочарди офтоб...  
Ултириб гапни эшдик,  
Кулишдик, кофе ичдик...  
Гап бошлади ўтмишдан,  
Тўс-тўполон урушдан,  
Москвада бўлганин  
Ва Тошкентда турганин  
Эсига олди яна,  
Хаёлга толди яна.  
Эслади дўст-ёронни,  
О, Ҳамид Олимжонни!  
Ойбек, Фафур Гуломлар  
Учун йўллаб саломлар,  
Дўстлик ҳисси-ла ёнди...  
— Мана,— деди,— бу ўғлим  
Москвада туғилган,  
Қалбимда ўсган гулим  
Гўё очилиб кулган. —  
Суратини кўрсатди,  
Гапни тоза ўхшатди.  
— Мана буниси,— деди,—

Жондан азиз неварам,  
Мана буниси энди  
Эвара-ю, чеварам,—  
Бир қўлёмани шундай  
Олиб кўрсатди кулиб,  
Ярқираб кетди кундай  
Сатрларга нур тўлиб.  
Сочининг оппоқлиги  
Қоғозга ҳам кўчибди.  
Кўнглининг мароқлиги  
Баёзга ҳам кўчибди.  
Манглайдаги ажин  
Утган кунлардан ёдгор.  
Энди эркин олар тин,  
Элида мангу баҳор.

1957

## МИРЗАЧУЛ АФСОНАСИ

Мирзачўлнинг шамоли  
Чертиб ўтар торимни.  
Улоқчи отлар ёли  
Тортади хаёлимни...

Мирзачўлда катта тўй,  
Пахта байрами, дўстим,  
Карнай-сурнай, ялла-куй  
Тўйга қўшади ҳуси.

Тўйга тўёна керак,  
Мўл ҳосил тўёнамиз.  
Бўрдоқи ҳар бир кўсак,  
Етилган дурдонамиз.

Узоқлардан келади  
Чўпон қуру-қурувси.  
Сув бўйига елади  
Кўй-кўзилар сурувси.

Бир томчи сув — бир ариқ,  
Ариқ эса бир дарё.



Утларнинг ранги сариқ,  
Ўл иссиғи бедаво.

Мирзачўлнинг достовин  
Бошлаб қолади бахши:  
«Ховучлаб ўтган жонин  
Бу ердан ёмон-яхши.

Қароқчилар талаган,  
Туякаш қарвонларни,  
Бўрилар қон ялаган  
Қонга қориб жонларни.

Сувсизликдан семиз ер  
Қовжираган кўп замон.  
Топилмаган бирор эр  
Уни қилгали бўстон.

Аmmo кунлардан бир кун  
Мирзачўллик гўзал қиз —  
Хусида таиҳо Ширин,  
Доноликда ҳам тенгсиз.

Ошиқларга қўймиш шарт,  
Оғир, лекин улугвор:  
Кимки ишда бўлса мард,  
Мирзачўлга бир анҳор  
Сув чиқарсин, деганмиш,  
Халқ гамини еганмиш.

Буни эшитиб Фарҳод,  
Келган эмиш Хитойдан,  
Хисрав деган разил зот  
Чиққан эмиш саройдан.

Фарҳод кўтариб кетмон  
Сув очгали борганмиш,  
Хисрав минг найранг билан  
Чўлга бўйра ёйганмиш.

Тонготарда Ширинни,  
Таклиф этганмиш чўлга.  
Севингандан шу куни  
Қиз ҳам тушганмиш йўлга.

Қараса биёбонда  
Опноқ бўйралар гўё  
Ширинга ўша онда  
Кўринганмиш бир дарё.

Шундай қилиб маъсума  
Тушганмиш ифлос кўлга.  
Учганида оймўма,  
Назар ташласа чўлга,  
Дарёдан йўқмиш нишон  
Кўз олдида биёбон.

Ширин чидолмай, ҳайҳот,  
Ўзин этганмиш ҳалок.  
Буни эшитиб Фарҳод  
Қалби бўлганмиш чок-чок.  
Кетмонини отганмиш,  
Ўша ерда қотганмиш...»

Бахшининг дўмбираси,  
Эсга солар ўтмишни.  
Йигитларнинг сараси  
Чўлга қайраган тишни.

Мирзачўл юлдузлари  
Ошиқларни имлайди.  
Йигит-қиз кундузлари  
Меҳнат қилиб тинмайди.

Асрий саҳро ҳувиллар,  
Қўриқ очилар, қўриқ...  
Тракторлар гуриллар,  
Гўё кишнайди тўриқ.

Бир ёнда экскаватор  
Солиб ўтар гулдурас.  
Меҳнат самараси зўр,  
Бир ёнда пахта қийғос.

Тўй устига тўй бугун,  
Чўлда ҳаёт нафаси.  
Пахта байрами гулгун,  
Гуркирар шодлик саси.

Мирзачўлнинг шамоли  
Чертиб ўтар торимни.  
Севишганлар иқболи  
Тортади хаёлимни.

Ҳосил тўйи кечаси  
Йигит-қизнинг ҳам тўйи.  
Қувноқ турмуш режаси —  
Жаранглаган қалб куйи.

Тўйга тўёна керак,  
Мўл ҳосил тўёнамиз.  
Байрам, тўйлар муборак,  
Дўстимиз, дугонамиз!

1956

## УЙЛАР ВА УЙЛАР

Шаҳримиз ҳусни кўклам,  
Тошкент кундан-кун кўркам!  
Кўрмаганлар армонда,  
Кўрганлар куч-дармонда...  
Боғу роғлар қулф урар,  
Боғда йигит-қиз юрар,  
Йигит мақтови — китоб.  
Институтда ўқир,  
Қиз ақлли, баодоб,  
Текстилда чит тўқир,  
Ошиқлари беҳисоб...

Икки дўсту, икки ёр,  
Навоний кўчасида,  
Гулбаҳор кечасида  
Сайр этишарди бедор.  
Кўнгилда қувонч тўла,  
Сўзлашар кула-кула:  
— Шаҳримиз ҳусни кўклам,  
Тошкент шунақа кўркам!

Кағтакон кўча бўйлаб,  
Чироқлар сочарди нур,

Радио турарди куйлаб,  
Бинолар боқар мағрур,  
Бирн биридан баланд,  
Бирн биридан гўзал.  
Қурувчисидан хурсанд —  
Мақтанади шу маҳал!  
Кунгурадор оқ бино:  
— Мен уй эмас, бир шаҳар,  
Менда магазин, кино,  
Юзлаб кишилар яшар —  
Бириси ёш инженер,  
Бириси кекса олим,  
Бириси ёзади шеър,  
Яна бирн муаллим.  
Арзийди гурурлансам,  
Минг товланиб нурлансам...  
Навойн кўчасида,  
Кўчанинч чеккасида,  
Қадимдан қолган бир уй,  
Оқ бинога чўзиб бўй,  
Унинг сўзин тингларди,  
Чидолмасдан инграрди,  
Ниҳоят кирди тилга  
Сўзлари учди елга:  
— Утмишга чирой эдим,  
Гўёки сарой эдим;  
Сенинч қаршингда энди  
Ҳеч ким менсимас мени.  
Бир ўзим қолдим бунда,  
Нурсиз тураман тунда.  
Чиройимни олган сен,  
Менга кулфат солган сен,  
Сенга даъвойим шундай!  
Янги бино сўз бошлар,

Утмишга назар ташлар,  
Жирканч билан бутунлай:  
— Уйларнинг сурбетисан,  
Эскилик сарқитисан,  
Сендан қолмас ном-нишон,  
Ҳақиқат сўзга ишон!  
Мақтанганларинг бекор,  
Сенда бўлган на чирой,  
Утмиш каби бағринг тор,  
Деворларинг сомон-лой,  
Кўз ёши-ла сувалган,  
Қуримасдан увалган.  
Дарчалар худди туйнук.  
Томлардан ўтар чакка,  
Хунукликда сен хунук,  
Шумшайиб қолдинг якка,  
Эрта-индиб кетасан,  
Мақсудингга етасан.  
Қурувчи дўстлар сени  
Этади тилка-пора,  
Ушанда яна менинг  
Сафим ортар тобора...  
Пойдеворим мустаҳкам,  
Бетонлардан қуйилган,  
Қават-қаватман, кўркам,  
Асил гиштлар қуйилган,  
Деразалардан офтоб —  
Нурлари тушар илиқ.  
Хоналарим беҳисоб,  
Поллар ярқирар, силлиқ.  
Ҳиҳозлар ҳам янгича:  
Электр, радио, телефон...  
Қад кўтардим кун кеча,  
Бугун кутаман меҳмон.

Москвада оғам бор,  
Мендан баланд, улуғвор.  
Кўкка тегар буй-басти,  
Ҳазилмас гапининг рости!

Уйлар суҳбати шуида,  
Узилиб қолди тунда,  
Икки дўсту, икки ёр  
Сайр этишарди бедор.  
Шу уйдан эди улар.  
Хайрлашди иккися —  
Қиз, йигит, бино кулар.

Шаҳримиз ҳусни кўклам,  
Тошкент хушчақчақ, кўркам.

1952

## МУНДАРИЖА

Етук қалам соҳиби. Сузбоши (Ҳамид Гулом) . . . . . 5

### Шеърлар

Сени шарафлайман . . . . .	11
Йўқ, ёшлик утганмас . . . . .	15
Ёшлик (Сонет) . . . . .	17
Кузинг қоралиги етмасми? . . . . .	18
14 ноябрь . . . . .	19
Сурайё бетоблигида ёзган шеърим . . . . .	23
Сени (Сонет) . . . . .	24
Ёшликдаги суратим . . . . .	25
Умримиз боқий . . . . .	26
Санамасдан ўтдим . . . . .	32
Гулни ким олади . . . . .	33
Мабодо . . . . .	36
Юрак ва ақл . . . . .	37
Йўқ, мунгли эмасман . . . . .	41
Сен оҳусан . . . . .	42
Куламан . . . . .	44
Чашма . . . . .	45
Масхарабоз . . . . .	46
Оқ ичай — олт ичай . . . . .	50
Баъзи танқидчилар . . . . .	54
Эй ўлим . . . . .	55
Бувижон . . . . .	57
Доғулилик . . . . .	61
Нурнинг ёнишини сундириб қўйма . . . . .	63
Оқ қайин . . . . .	65
Юлдузга боқ . . . . .	67



Туш . . . . .	68
Табият макрига учманг . . . . .	70
Бир жуфт гул . . . . .	71
Дуэль . . . . .	73
Умримдан розиман . . . . .	74
Балки зерикардим . . . . .	76
Сенинг гулинг . . . . .	78
Найлай . . . . .	79
1917 . . . . .	81
Амаки . . . . .	84
Меҳмон бўлиб келдим, аммо . . . . .	86
Сўз . . . . .	88
Янги . . . . .	90
Кул, севгилим . . . . .	92
Узинг танла . . . . .	93
Баъзан . . . . .	94
Пахтакор ва офтоб . . . . .	95
Юлдузлар . . . . .	97
Шаҳрим шамоли . . . . .	98
Ун етти ёшингда . . . . .	100
Йигит қизни севарди кўпдан . . . . .	102
Сенга ойни олиб берайми . . . . .	103
Қизлар кетди лола тергани . . . . .	104
Сен ёшликни тарк этсанг бас . . . . .	105
Иложинг йўқ . . . . .	106
Кўприк . . . . .	107
Муҳаббат кучи . . . . .	108
Ҳинд боласига . . . . .	110
Интернационал . . . . .	111
Уғлимга . . . . .	114
Баъзан қийналаман . . . . .	116
Диалог . . . . .	117
Ғафлат кечасининг . . . . .	118
Йигит ишқи юракда ёнар . . . . .	119
Дейдиларки, эркам . . . . .	120
Айбим шуки . . . . .	121
Уша куни . . . . .	123
Икки дарахт ўсар . . . . .	124
Йўқ! Мени айблама . . . . .	125
Узоқ йўлга чиқдим . . . . .	126
Тонготар олдида . . . . .	127
Кўр скрипкачи . . . . .	128

Шимол эркаси . . . . .	129
Мажнунтол . . . . .	131
Шарпа . . . . .	132
Лондон . . . . .	134
Оскар Уайльд монологи . . . . .	137
Муқаддас девор . . . . .	139
Сена дарёсининг . . . . .	140
Юзма-юз . . . . .	141
Атлантик лавҳаси ўйини . . . . .	143
Оқшом етаклади . . . . .	144
Ялта кечаси . . . . .	145
Хаёл алдади-ю . . . . .	147
Айвазовскийга . . . . .	148
Эй сарв! . . . . .	149
Мен уни топмадим . . . . .	150
Единдами ўтган гўзал ёз . . . . .	152
Жанубий соҳилда . . . . .	153
Сенсиз . . . . .	154
Мен кутаман . . . . .	155
Балиқ ови . . . . .	156
Эндигина бориб соҳилга . . . . .	157
О, жануб қуёши . . . . .	158
Енгил кийинибсан . . . . .	159
Майли : : : . . . . .	160
Баҳор ҳарорати . . . . .	161
Қалбим ором билмас . . . . .	162
Наргис билан қўғирчоқ . . . . .	163
Сарвлар гуллаганда . . . . .	164
Одамми . . . . .	166
Янги йил туғилди . . . . .	167
Наврўз нафасидан . . . . .	169
Чўққига интилсанг . . . . .	170
Йўлда . . . . .	171
Гарегин Севунцга . . . . .	174
Қадаҳ . . . . .	176
22-апрель . . . . .	177
Сафарбар сатрлар . . . . .	179
Баракалла . . . . .	181
Меҳнат қўшиғи . . . . .	182
Геолог . . . . .	184
Мени даволовчи докторга . . . . .	186
Муҳаббат ундайди . . . . .	187

Сени излаб . . . . .	188
Боқчасарой чашмаси . . . . .	189
Қримда қимиз ичдим . . . . .	190
Қоя . . . . .	192
Она Россияга . . . . .	193
Икки офтоб юз . . . . .	196
Чупон бобо . . . . .	197
Чегарадан ўтганда . . . . .	199
Будапешт . . . . .	201
Озодлик ҳайкали . . . . .	203
Ҳаёт қонуни . . . . .	204
Шандор Петефи . . . . .	205
Чинор . . . . .	206
Венгер денгизи . . . . .	207
Бетховен . . . . .	208
Гулчамбар . . . . .	209
Дунай оқшоми . . . . .	210
Дустлик қадаҳи . . . . .	212
Дарёда бир тун . . . . .	213
Токай : . . . . .	214
Иуда . . . . .	215
Қушиқ . . . . .	217
Москва — Будапешт . . . . .	218
Шеър ҳақида . . . . .	220
Мен севмасам . . . . .	221
Таажжуб қиламан . . . . .	222
Дубулта . . . . .	223
Болиқ ёқасига бордим тонготар . . . . .	224
Юлдуз . . . . .	225
Кўчат ва орзу . . . . .	226
Каникулнинг биринчи кунни . . . . .	227
Истиқбол . . . . .	228
Қўриқдаги боғимга боқ . . . . .	229
Тезу гоза тер . . . . .	230
Даламизда қовун мўл . . . . .	232
Дўстим . . . . .	233
Юрак сўзи . . . . .	234
Бахт ҳақида . . . . .	235
Наманган боғлари . . . . .	236
Далалар, далалар . . . . .	238
Сибирга мактуб . . . . .	240
Кузатиш . . . . .	243

Баҳор ҳақида . . . . .	245
Оқшомлар янграйди . . . . .	248
Ватан қўшиқчиси . . . . .	249
Яйловда бир кун . . . . .	251
Сен туғилдинг . . . . .	253
Тошкент фонтани . . . . .	255
Муборак кунларга . . . . .	257
Май келди . . . . .	260
Сайлов тонгида . . . . .	262
Карвон келади . . . . .	264
Волгадан Донгача . . . . .	265
Москва . . . . .	268
Жон Украина . . . . .	271
Тонг билан уйғондим . . . . .	273
Раҳмат . . . . .	276
Бу — менинг ватаним . . . . .	279
Владимир Маяковскийга . . . . .	283
Тинчлик карвони . . . . .	285
Ўзбекистон . . . . .	287
Турналар арғимчоқ солишиб ўтди . . . . .	288
Водийни кезганда . . . . .	291
Олтин медаль . . . . .	294
Шонли байрам . . . . .	296
Сен туғилган кун . . . . .	298
Совет Армиясига . . . . .	301
Байроқлар . . . . .	303
Тошкент . . . . .	305
Боғим . . . . .	308
Хайрли кеч . . . . .	309
Канал оқшоми . . . . .	310
Кечир . . . . .	312
Назар ота яна дарғазаб . . . . .	313
Қуёш қасидаси . . . . .	315
Чўлда . . . . .	319
Урмонзорга қулоқ солдим . . . . .	320
Октябрь . . . . .	321
Қовун баҳона . . . . .	323
Орол . . . . .	325
Қизил майдон . . . . .	327
Пойтахт . . . . .	329
Ўлмас сиймо . . . . .	330
Йилномага янги саҳифа . . . . .	332

Баҳор ва шеър . . . . .	334
Ел . . . . .	335
Яқинда бораман . . . . .	336
Яхши ният . . . . .	337
Дейдиларки . . . . .	338
Ер қайтади . . . . .	339
Акам келади . . . . .	340
Сени кўрдим соҳилда . . . . .	342
Деразамга урилмай шамол . . . . .	343
Альбом . . . . .	344
Утинч . . . . .	345
Солдат . . . . .	346
Ленинград . . . . .	347
Соғиниш . . . . .	349
1941 . . . . .	351
Фронтдан хат . . . . .	352
Йўқ! Шоирлик даъво қилмайман . . . . .	354
Наврўз ялласи . . . . .	355
Гилос . . . . .	356
Киш эртаси . . . . .	357
21 январь . . . . .	358
Хаёт гулшани . . . . .	359
Туш . . . . .	360
Қорбобо . . . . .	361
Бахт . . . . .	363
Ҳали осмон . . . . .	365
Укамнинг орзуси . . . . .	366
Биз — ер қуёши . . . . .	368
Юрак . . . . .	370
Рубойлар (1947—1971) . . . . .	371

### Балладалар

Уч қаҳрамон ҳақида баллада . . . . .	419
Эски бир ошнам ҳақида баллада . . . . .	426
Пахта байрами . . . . .	429
Лумумба юраги . . . . .	433
Ҳа, мен — осибий . . . . .	435
Макр ва мўъжиза . . . . .	441
Коммунист ҳақида баллада . . . . .	444
Шоир Мадарас уйида . . . . .	446
Мирзачўл афсонаси . . . . .	449
Уйлар ва ўйлар . . . . .	453

*На узбекском языке*

**Рамз Бабаджан**

Избранное в 3-х томах

Том I

СТИХИ, РУБАИ, БАЛЛАДЫ

Редактор *И. Ғафуров*

Рассом *А. Визель*

Расмлар редактори *И. Гаалиев*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *А. Нурматов*

Босмахонага берилди 6/ХII-1972 й. Босинга рухсат этилди 15/II-1973 й. Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босма л. 14,5. Шартли босма л. 20,3. Нашр л. 12,61. (0,07 вкл.) Тиражи 25000. Р 09322. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 38—72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 1-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1973 йил, заказ № 1823. Баҳоси 1 с. 51 т.

Бобожон Рамз

Танланган асарлар. 3 томлик. Суз боши Ҳамид Ғулумники.  
Т. 1—Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

Т. I. Шеърлар, балладалар, рубойлар. 464 б.

Бабаджан Рамз. Избранные произведения. В. 3 - х т. Т. I. Стихи,  
баллады и рубайи.

№ 161—72

Навойи номли ЎзССР Давлат  
кутубхонаси.

Уа2.

